



ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА
ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

XX-XXI АСРЛАРДА
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ МУЗЕЙЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

МОНОГРАФИЯ



Тошкент – 2022



МУНДАРИЖА

КИРИШ.....5

**I БОБ. БАДИЙ МУЗЕЙ МАДАНИЙ ФЕНОМЕН СИФАТИДА:
ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ**

1.1-§. XX асрда музейларнинг ижтимоий-маданий вазифасига оид
такомиллашув омиллари.....7

1.2-§. Ўзбекистонда бадиий музейлар ривожланиш
тенденциялари..... 24

**II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ СИЁСАТИДА МУЗЕЙЛАР
ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

2.1-§. Миллий музей фондини комплекташ, сақлаш ва намоиш
этишдаги муаммолар..... 50

2.2-§. Ўзбекистонда музейшунос мутахассисларини тайёрлаш жараёнлари-
нинг долзарблиги..... 71

**III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙ ИШИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ-
ЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

3.1-§. Музей ва турли ёшдаги аудитория билан ишлашдаги инновацион
усуллар..... 93

3.2-§. Бадиий музейлар имиджини шакллантириш ва реклама фаолиятини
ривожлантириш истиқболлари..... 110

ХУЛОСА..... 134

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... 136

КИРИШ

Жаҳонда санъат ва маданият замон талабларига мувофиқ янгилаш жа-
раёни фаол олиб борилаётган бир шароитда бадиий маданиятнинг турли соҳа-
лари билан бир қаторда музей ишини ҳам ислоҳ қилиш талаб этилмоқда. Бу
ҳолни юқори даражада ривожланган Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ, Япо-
нияда ҳам кузатиш мумкин. Музейлар иш фаолиятини тўлақонли бутун бир ор-
ганизмдек олиб бориш учун ижтимоий маданият мунтазам равишда ўзгара-
ётган бир пайтда улар ишини фаоллаштириш ҳамда турли муҳим назарий ва
амалий муаммоларни чуқурроқ ўрганиш, замонавий музей иши соҳасида из-
ланишлар олиб бориш ва қулай конструктив ечимини топиш лозим бўлади.

**Бадиий музейлар томонидан маданий меросни сақлаш билан бирга замо-
навий санъатни тўплаш ва келажак авлодга етказиш муаммоси ҳеч қачон ҳозир-
гидек жамият учун долзарб аҳамият касб этмаган. Глобализация даражасининг
ўсиб бориши, атроф-муҳит реаллиги радикал равишда ўзгариши, моддий мада-
ниятни инсон, унинг шахсияти ва тарихидаги ўрнини ўзгартириб юбормоқда
ҳамда мазкур ўзгаришларни тушунтириш, таърифлаш йўллари ва ҳолатларини
аниқлаштиришни тақозо этмоқда. Хусусан, жаҳон музейлари турли тарихий дав-
рлардан то бугунги кунгача авлодларнинг мафкуравий тараққиётига замин, таълим
ва тарбия воситаси ҳамда илмий тадқиқотларга манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.**

Ўзбекистонда маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, миллий
маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, санъат ва бадиий
ижодни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимизнинг маънавий-ахлоқий ва ма-
даний даражасини янада юксалтиришни рағбатлантириш, уни миллий ва жаҳон
маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш борасида тизимли чо-
ра-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш
ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор
йўналишларидан биридир. Янги таҳдидлар, жумладан, «оммавий маданият» хавфи
ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, кадриятларнинг йўқолиш
хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият

касб этмоқда»¹. Шу мақсадда, инсоният тафаккурининг маънавий дунёқарашини ривожлантиришда, мавжуд халқлар маданий этногенезини белгилайдиган илмий манбаларни ўрганиш ва тадқиқ этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

I БОБ. БАДИЙ МУЗЕЙ МАДАНИЙ ФЕНОМЕН СИФАТИДА: ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

1.1. XX асрда музейларнинг ижтимоий-маданий вазифасига оид такомиллашув омиллари

Бугунги кунда музейлар маданий меросни сақлаш бўйича институт ролини бажармоқдалар. Музейлар ўзларининг ижтимоий вазифаларини бажариш жараёнида миллатлараро алоқаларни, турли хил маданий урф-одатлар ва халқларга таянган ҳолда инсониятнинг диний ва маданий бирлигини сақлашга қодирдир.

Музей тушунчаси институт ёки муассаса, инсон ва унинг атрофидаги моддий ва номоддий ашёларни тўплаш, ўрганиш, экспозицияга қўйиш учун лойиҳалаштирилган махсус макон. Асрлар давомида музейларнинг шакли ва вазифалари сезиларли даражада ўзгарган.

XX асрга келиб инсонларни тенг ҳуқуқли илм олиши, ақлга сиғиниш ва билимларни тарғиб қилиш каби имкониятларга урғу берилиши музейни ҳам янгича нуқтаи назаридаталқинқилишгаолибкелди. XX асрбошидаюзберганинқилобийвоқеаларжамият ҳаётининг барча соҳаларида ўзгариш ясади. Дастлаб музейлар фақат “нозик дидлилар” учун бўлса, сўнгра холининг барча қатламлари учун барабар очиб бўлиб қолади.

Биринчи халқаро музей ташкилоти – Халқаро музейлар буюроси 1926 йилда Парижда Миллатлар Лигаси шафелигидаги Халқаро интеллектуал мулк институти таркибида иш бошлади. Ушбу ташкилот иккинчи жаҳон уруши йилларида оккупация шароитида фаолият юритди. 1944 йилдан бюронинг ишида бир оз жонланиш бўлса-да, ҳали у ўзини тўлиқ тиклай олмаган эди.

1945 йилда БМТ таъсис этилгач, 16 ноябрда ЮНЕСКО ташкилотига асос солинди. Умумжаҳон миқёсда таълим, фан ва маданият соҳасида ташкилот тузилиши музейларнинг халқаро идорасини таъсис этишга имкон берди. Шу йили Америка музейлари ассоциацияси президенти Чонси Хэмлин (1881-19630) Франциядаги Шарқ санъати бўйича Франция музейлари директори Жорж Салл билан учрашиб, янги халқаро музей ташкилотини тузиш ҳақида фикр алмашади. Натижада, 1946 йилнинг 16 ноябрида Луврда 14 та давлатнинг музей ташкилотлари вакиллари

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. – 48 б.

учрашуви иш бошлайди. Учрашувнинг биринчи кунда Ч.Хемлен янги ташкилотнинг котиби этиб тайинланади ва тез орада унинг лавозими президентликка ўзгартирилади. 18 ноябрда эса, ташкилотга Музейлар Халқаро Кенгаши (International Council of Museums) ИКОМ номи берилди².



1947 йилда ИКОМнинг ЮНЕСКО билан расмий тарздаги биринчи шартномаси имзоланди. Унга кўра ИКОМ – ЮНЕСКОнинг музейлар ва мерос масалалари бўйича асосий маслаҳатчи этиб белгиланди. Бу эса ИКОМга БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш ҳузуридаги “А” тоифадаги олий консультатив мақомини олишга имкон берди. Шу йилнинг ноябрь ойида Мехикода ИКОМнинг I тайёргарлик конференцияси ўтказилиб, Кенгашнинг даврий нашрини чоп этиш, музей ашёларининг халқаро алмашинуви, кўргазма фаолияти, халқаро фонотека ташкил этиш каби масалалар муҳокама қилинди. 1948 йил ёз ойларида Парижда ИКОМнинг тўлиқ таркибидаги I конференцияси ўтказилди.

1950 йилдан бошлаб конференция ҳар уч йилда бир марта ба ўтказила бошланди. Унинг доирасида Бош Ассамблея ҳам йиғилади.

1977 йилда Москва шаҳрида ўтган ИКОМ Бош Ассамблеясида Халқаро музейлар кунини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қарорга мувофиқ 1977 йил 18 майдан буён ҳар йили Халқаро музейлар кунини нишонланиб, шу кун бунинг жаҳонда музей ва галереяларга кириш бепул бўлади³. Байрам тадбирлари бир




кун ёки бир ҳафтагача давом этиши мумкин. Аввалам бор, уларнинг нуқтаи назари қуйидаги моҳиятга мос бўлиши керак: “Музейлар инсонлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик, маданиятни бойитиш ва ҳамжиҳатликнинг ривожланишида энг муҳим маданий алоқа воситасидир”.

Ушбу кунда барча музейлар байрамнинг бош мавзуси билан боғлиқ тадбирларни амалга оширадилар. Халқаро музейлар кунини музей ходимларининг доимий ташриф буюрувчилари билан ноанъанавий муҳитда учрашишларига ва янги аудиторияни жалб қилиш учун ажойиб имкониятларни яратади. Бунинг натижасида музейлар жамият ҳаётида ўз ўринларига эга бўладилар⁴.

XX аср охирига келиб ИКОМ имконияти чегараланган одамларга кўпроқ эътибор қарата бошлади. 1988 йилда Францияда ЮНЕСКО фонди билан ҳамкорликда “Музей ва ногиронлар” мавзусида биринчи халқаро конференция уюштирилди. Унда имкониятлари чегараланган ташриф буюрувчилар учун алоҳида музейда ногиронлар аравачасида бемалол юриш учун заллар, юқори қаватларга кўтарилиш учун пассажирлар лифти, махсус тайёрланган ходимлар турли нуқсонлари бор одамларга яъни карлар ва эшитиш қобилияти паст бўлган ташриф буюрувчиларга белгилар ва ҳаракатлар орқали экскурсиялар ўтиши, кўрлар учун предметларни ҳис қилишни қўллаш ҳамда Брайл шрифтида ахборотни тақдим этиш ва шунга ўхшаш қатор қулайликлар яратиш кўзда тутилган.

1992 йилда илк бор Халқаро музейлар кунига “Музейлар ва атроф муҳит” номли умумий мавзуси тақлиф этилди. 1997 йилда биринчи марта Халқаро музейлар кунини маданий меросни ноқонуний айланмасига қарши курашишга бағишланган расмий постер яратилди⁵.

Ҳозирда у мунтазам равишда “Йўқолган 100 ашё” ва “Қизил варақ” рўйхатларини тақдим этади.



1997 йилда Маданият вазирлиги, Фанлар Академияси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ҳамда музей ходимларининг ҳамкорликда олиб борган фаолиятлари натижа-сида Ўзбекистон музейлар Кенгаши тузилди. 1997 йил 17 июнда ЮНЕСКО таркибида фаолият юрита-диган Халқаро музейлар Кенгашининг Ижроия қўмитаси томонидан Халқаро музейлар ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди⁶.

Асосан, музей жамиятга хизмат қилиши ва унинг ривожланиши-

⁶Альмеев Р. Бухара – город музей. – Ташкент: Фан, 1999. – 205 с.; Его же. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. – Ташкент: Издательско-полиграфический дом имени Гафура Гуляма. 2007. – 268 с.

га ёрдам бериши керак деган маъно қабул қилинган. Хорижий мутахассис-лар фикрича музей – фавқулотда анча мураккаб тушунча бўлиб, унга ту-гал, мунозарасиз ва ҳаммани қаноатлантирадиган таърифни бериш қийин⁷.

Кўпгина давлатлар қонунчилик ёки ўзларининг миллий таш-килотлари доирасида музей тушунчасини ўрнатишган. Ўзбе-кистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги қонунида музейга қуйидагича таъриф берилган: “Музей – музей ашёлари ва музей коллек-цияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этиш учун мулкдор томони-дан ташкил этилган доимий фаолият юритувчи нотижорат маданият муассасаси”⁸.

Бугунги кунда кенгроқ тан олинган профессионал музей тушунчаси Му-зейлар Халқаро кенгаши (ИКОМ)нинг 2007 йилда қабул қилинган Низомига би-ноан: “Музей – бу инсон ва атроф муҳитнинг моддий ва номоддий далилларини таълим ва маънавий хордиқ чиқариш мақсадларида тўплаш, сақлаш, тадқиқот ва тарғибот қилувчи ҳамда омма учун очик бўлган, жамият ва унинг тараққи-ёти учун доимий асосда фаолият юритувчи нотижорат муассаса” деб белги-ланган бўлса, бундан 30 йил олдин 1974 йилда тасдиқланган Низомда эса: “Музей – бу инсон ва атроф муҳитнинг моддий далилларини таълим ва маъна-вий хордиқ чиқариш мақсадларида тўплаш, сақлаш, тадқиқот ва тарғибот қи-лувчи ҳамда омма учун очик бўлган, жамият ва унинг тараққиёти учун дои-мий асосда фаолият юритувчи нотижорат муассаса”⁹, деб таъриф берилган.

Ушбу музейга берилган икки таъриф ўртасида бир қарашда фарқини англаш қийин. 2007 йилда тасдиқланган Низомдаги таърифга “номоддий мерос” тушунчаси қўшилган. Номоддий маданий мерос тушунчаси урф-одатларни, ўзига хосликни ифо-далашшакллари, билимларвақўникмаларни, шунингдек, улар билан боғлиқ жиҳозлар, предметлар, артефактлар ва маданий маконларни акс эттиради, улар эса ўз навбатида ҳамжамиятлар, гуруҳлар, алоҳида ҳолатларда эса муайян шахс маданий меросининг бир қисми сифатида тан олинганлигини англатади. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган

⁷Юренева Т.Ю. Музей в мировой культуре. – М.: Русское слово, 2003. – С.13.

⁸Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 364-модда.

⁹Dictionary of Museology/ Andre Desvallees и Francois Mairesse. – ICOM Russia, 2012. – P 18.

бундай номоддий маданий мерос доимо муайян ҳамжамиятлар ва гуруҳлар томонидан уларнинг атроф-муҳитга, табиатга ва ўз тарихига боғлиқ ҳолда яратилади ва бу уларда ўзига хосликни, ворислик туйғусини шакллантиради ҳамда шу билан инсоният ижодини ва маданий турли-туманликнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашади¹⁰.


Тарихий манбаларга кўра 1913 йилда Ўзбекистон ҳудудида дастлаб 3 та, 1924 йилда 8 та, 1940 йилда 17 та 1978 йилда 27 та¹¹, 1984 йилда 415 та 12, мустақилликнинг дастлабки йилларида нашр этирилган илмий журналларда музейлар сони 1200 дан зиёд деб берилган бўлса¹³, Маданият вазирлигининг 2017 йилдаги ҳисоботида кўра 444 та¹⁴, Давлат статистика қўмитасининг Ахборот хизмати томонидан берилган маълумотга кўра 2020 йилда республикада 135 та музей фаолият юритмоқда.

Албатта бу сонларни таҳлил қилиш жараёнида нима учун музейлар сони охириги йилларга келиб кескин камайиб кетган деган савол туғилиши табиий. Сабаби эса амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ музей нотижорат маданият муассасаси шаклида ташкил этилиши ва белгиланган тартибда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилиши лозим¹⁵. Афсуски, кўплаб нодавлат музейлар, ОТМ музейлари, корпоратив музейлар бугунги кунгача белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаганлиги учун ҳам музей мақомига эга муассасалар сони 135 тани ташкил этмоқда.

Амалдаги қонунга мувофиқ Ўзбекистонда мулкчилик шаклига кўра музейлар давлат музейлари ва нодавлат музейларига бўлинади¹⁶. Давлат музейларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, фармойишлари ҳамда Вазирлар Мақамасининг қарор ва фармойишлари билан ташкил этилган музейлар, шунингдек, вазирлик ва идоралар, ҳудудий ҳокимликлар таркибидаги давлат бюджетидан молиялаштирилладиган музейлар киради. Ихтисослашувига кўра асосий фаолияти музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш, оммага намойиш этишдан иборат бўлган музейларга ҳамда асосий фаолияти тарихий-маданий кўриқхона ва у билан боғлиқ табиий ландшафт таркибига кирадиган маданий ва табиий мерос объектларини, шунингдек, музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш, ўрганиш ҳамда оммага намойиш этишдан иборат бўлган музей-кўриқхоналарга бўлинади¹⁷.

Ўзбекистон музейлари ўзига хос тараққиёт босқичларини босиб ўтган бў-

либ, улар жамият ривожига ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий ўзгаришларни ўзида акс эттирди. Уларда катта музей фонди тўпланган ҳамда бу мамлакатнинг маданий бойлиги ҳисобланади. Экспонатлар ўзига нисбатан эҳтиёткорона муносабатни, асрашни, тадқиқ ва тарғиб қилишни тақозо қилади. **Музейларнинг маданий меросни сақлаш, замонавий санъатни тўплаш**



ва келажак авлодга етказиш билан боғлиқ фаолияти ҳеч қачон ҳозиргидек жамият учун долзарб аҳамият касб этган эмас.

Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва келгуси авлодларга етказиш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Янги таҳдидлар, жумладан, “оммавий маданият” ва қадриятларнинг йўқолиб бориш хавфи юзага келган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамиятга эга. Чунки инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Кейинги уч-тўрт йил давомида Ўзбекистонда маданий ва маънавий меросни тўплаш, сақлаш, халқимизни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш мақсадида кўплаб янги музейлар ташкил этилди. Хусусан, Мўйноқ Экология музейи, Шаҳрисабз шаҳридаги Мақом музейи, Эркин Воҳидов уй-музейи, Мутал Бурхонов уй-музейи, Ҳазиний уй-музейи, Абдулла Қодирий меъмориал музейи, Абдулла Қодирий уй-музейи, Эргаш Жуманбулбул ўғли ёдгорлиги музейи, “Шон-шараф” музейи шулар жумласидандир.

Буюк Ипак йўлининг гавжум чорраҳасида жойлашган Тошкент асрлар давомида илм-фан, маданият ва маърифат марказларидан бири бўлиб келган. Ватанимизнинг олтин остонаси бўлмиш пойтахтимиз бугунги кунда янада ривожланиб, гўзал ва обод мегаполислардан бирига айланиб бормоқда. Лекин шундай

¹⁷<https://lex.uz/docs/1391728?query=%D0%9C%D1%83%D0%B7%D0%B5%D0%B9>

катта шаҳар шу вақтга қадар ўзининг музейига эга эмас эди¹⁸. 2020 йил май ойида Адиблар ҳиёбонида юртбошимиз ташаббуси билан Тошкент музейи очилди.

Ўзбекистон тарихи давлат музейининг филиали сифатида очилган мазкур музей биноси собиқ Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси биноси ўрнида миллий меъморчилик анъаналарига мос тарзда қайта реконструкция қилинди. Ушбу музейнинг экспозиция дизайни Анвар Юлдашев концепцияси асосида “Discovery” компанияси томонидан, илмий концепцияси эса Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Ж.Исмаилова, археолог А.Арипджанов ва бошқа мутахассислар томонидан ишлаб чиқилди¹⁹.

Музей экспозицияси қадимги даврлардан, то XIX аср иккинчи ярмигача бўлган даврларни қамраб олади. Музей экспозициясининг асосий мақсади Тошкент ҳудудининг икки минг йиллик тарихи ривожидида катта аҳамият касб этган илк йирик шаҳарлардаги сиёсий, савдо, маданий, ҳунармандчилик ривожланиш босқичларини тарихий-ашёвий далиллар орқали кўрсатиб беришга йўналтирилган. Ягона лойиҳа бўйича яратилган экспозиция зали умумий мажмуа сифатида бетакрор кўриниш олган.

Томошабинларнинг экспонатлар билан мулоқоти жараёнини енгиллаштириш, уни янада самарали ва натижали қилиш учун экспозиция яратишда нафақат тарихчи олимлар, балки музейнинг сиймоли негизини яратиш учун рассомлар ҳам қатнашдилар. Тошкент музейининг ички қисми кўргазма заллари, музей шифтлари, зиналарида, асосан, оқ, мовий, девор фонларида эса қизғиш-жигарранг ранглардан кенг фойдаланилган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, доимий экспозицияни яратиш мураккаб жараён бўлиб, уни тузишда ранг ва ёруғлик ҳам муҳим роль ўйнайди. Чунки улар ёрдамида экспозицион намуналарни ўзаро уйғунлаштириш, асосий экспонат ва композицияларга урғу бериш, томошабинларда муайян ҳиссиёт уйғотишга эришиш мумкин. Ранг ва ёруғликдан тўғри фойдаланиш экспозициянинг янада таъсирчан бўлишига ёрдам беради.

Ана шундай муваффақиятли экспозиция дизайни орқали ўз илмий концепциясини янги Ўзбекистонда моддий-маданий мерос ва музейлар истиқболи. <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekistonda-moddiy-madaniy-meros-va-muzeylar-istiqboli>

19 Жабборов Л. Ўзбекистонда музей дизайнининг ривожланиш истиқболлари // Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Ахборотномаси. 2020. № 4. – Б. 64.

циясини тўлиқ ифода этган музейлардан бири 2018 йилда Шаҳризабз шаҳрида очилган Мақом музейидир. Музей ўзбек мақом санъати мумтоз, шунингдек, замонавий ижро намуналарининг фондини яратиш ҳамда музей ашёлари ва коллекциялари асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш ҳамда унинг натижаларини эълон қилиб бориш мақсадида ташкил этилди. Унда Тошкент-Фарғона, Бухоро-Самарқанд “Шашмақом”ига оид (видеороликлар, фотосуратлар, ҳофизлар либослари сингари) экспонатлар, Хоразм ҳудудидаги ўзига хос мактабларнинг тарихий мусиқа асбоблари, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудидаги этнографик экспонатлар тўқ кўк ва кулранг фонларда намойиш этилган. Экспозиция дизайни «City Size» МЧЖ томонидан, илмий концепцияси эса санъатшунос Шахло Абдуллаева томонидан яратилган. Экспозицияни кичик маконда ташкил этилиши ҳамда инсталляциялардан фойдаланилганлиги ташрифчига мусиқа оламини бадиий ҳис қилиш имкониятини беради. Улар ўзларини ўзбек миллий кўшиқчилигининг йирик намояндаси, бетакрор овоз соҳиблари ижро этган мақомни тинглаб, мусиқанинг туганмас оқимида тушгандек ҳис этишади.

Ўзбекистон музейлари рўйхатидан муносиб ўрин эгаллаб, халқимиз ва хорижлик меҳмонлар эътиборини қозонишга улгурган Ғалаба боғи ва “Шон-шараф” музейи давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон халқи Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабани таъминлашга қўшган лқан ҳиссани бор кўлами билан кўрсатиб бериш мақсадида ташкил этилди²⁰.

Музейни ташкил этиш учун илмий-иждоий жамоатларнинг таклифлари инобатга олиниб, хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида бадиий-меъморий концепция ишлаб чиқилди. Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида 12 гектардан зиёд жой ажратилиб, улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ғалаба боғидан ўрин олган монументал ҳайкаллар, ҳарбий техникалар, мемориал ёдгорликлар ва музей биноси умумий концепция асосида бирлаштирилган.

“Шон-шараф” музейи кейинги йилларда Ўзбекистонда барпо этилган замонавий ва инновацион музейлардан биридир. Музейнинг экспозиция қисми Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Аликулов ишлаган 22 метр-

²⁰ Ғалаба боғи ва Шон-шараф музейи – халқимизнинг ўчмас жасорати ҳақида сўйлайди <https://xs.uz/uzkr/post/galaba-bogi-va-shon-sharaf-muzeji-khalqimizning-ochmas-zhasorati-haqida-sojlajdifotoreportazh>

лик “Фронтга” панноси билан бошланади. Экспозициянинг асосий қисми фронтга борган бир миллиондан ортиқ Ўзбекистон фуқаросининг аччиқ қисмати, уларнинг ортида турган яқинларининг тақдири, фронт ортида бўлганларнинг хизмати замонавий технологиялар, интерактив усуллар ёрдамида намойиш этилган.

ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига кирган Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари сайёҳларни ўзига мафтун этиб келаётган очик осмон остидаги музей-қўриқхоналардир. Аммо улар ҳам Собиқ Иттифоқ даврида ташкил этилган. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин биронта ҳам музей-қўриқхонаси очилмаган эди. 2019 йилда Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидаги моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, уларни атрофидаги тарихий муҳит билан бирга асраш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида “Сармишсой”, “Шаҳрисабз”, “Термиз” давлат музей-қўриқхоналари ташкил этилди²¹.

Давлат музейларини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат бошқаруви органлари ҳамда давлат ташкилотлари томонидан ташкил этиш 2021 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилар эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5150-сон қарорига мувофиқ Туризм ва спорт вазирлиги ҳузурида Маданий мерос агентлигининг музейлар соҳасида:

миллий музей фондининг давлат каталогини юритиш, музей ашёлари ва

- музей коллекцияларини миллий музей фонди таркибига киритиш, ундан чиқариш, универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш ҳамда соҳада давлат назоратини амалга ошириш;

- музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, ривожлантириш, музей ходимларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш, музейларнинг тоифаларини белгилаш, миллий музей фондининг очиқлигини таъминлаш ва

²¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 майдаги «Сармишсой», «Шаҳрисабз», «Термиз» ва «Қўқон» давлат музей-қўриқхоналари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 443-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4358328?query=%D0%9C%D1%83%D0%B7%D0%B5%D0%B9>

музей ашёлари ҳамда музей коллекцияларини ўрганиш, оммалаштириш, реставрация ва асрашга доир ишларни амалга ошириш каби асосий вазифалар белгиланган.

XXI аср бу инновацион технологиялар давридир. Ҳар бир маънавий тарбия маскани замон қўяётган талабларга мос равишда ўзини ташкил этмаса, у кераксиз маконга айланиб қолиши муқаррар. Шунинг учун музейларни ташкил этиш учун:

- музей тематикасига мувофиқ музейашёлари ва музей коллекцияларининг бўлиши;

- музей ашёлари ва музей коллекцияларини сақлаш ҳамда оммага намойиш этиш талабларига жавоб берадиган моддий-техник базанинг, шу жумладан музейга мос бинонинг (хона ёки хоналар) бўлиши;

- зарур кўргазма жиҳозларининг мавжудлиги;

- муҳофаза (кечаю кундуз электр қувватини таъминлаш ҳамда видео кузатув) воситалари билан жиҳозланганлик;

- ёнғинга қарши воситаларнинг бўлиши;

- музей фаолиятини таъминлаш учун зарур молиявий маблағлар мавжудлиги талаб этилади²²

Музей олами ҳар доим янги тўпламлар, экспонатлар, шунингдек, концепция ва назариялар билан бойитиб борилади. Музей ғоялари ҳам музей ходимлари, файласуфлар, санъатшунослар, тарихчилар, адабиётчилар ва дизайнерлар томонидан яратилади.

Амалий музейшунослик учун белги бўлиб қолган назариялардан бири одамга тааллуқлидир, чунки у бутун умр ижодий изланишда бўлади, лекин унинг оригинал фикрлаш конструкцияси кўпинча танқидга учрайди.

XX асрнинг 40-70 йилларида француз адабиётининг таниқли ёзувчиси бўлган Андре Мальро (1901-1976) жуда кўп роман ва эсселар ёзган. Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин романчиликни ташлаб, санъат асарларини шарҳлаш билан шуғулланади. Мальро санъатнинг дабдабали концепциясини тақдирга чақириқ деб тақлиф этади ва унинг фикрича цивилизация ўзини фақат санъатда адабийлаштиради.

²² Музей халқ тарихи кўзгуси / Тузувчи К.Нишанова. – Тошкент: Ёшлар матбуоти, 2011. – Б. 280.



Андре Мальро

Мальронинг 1940-1970 йиллардаги ижодида санъат ҳақидаги капитал асарлари ва эсселари асосий ўрин эгаллайди. Улар “Санъат психологияси” – “Ҳаёлдаги музей” (1947), “Бадий ижод” (1948), “Абсолют баҳоси – қиймати” (1950), “Ҳаёлдаги жаҳон ҳайкалининг музейи” асарида санъатнинг маъносини ўзи қандай тушунишини ва унинг дунё умумтарихий контекстида умумлаштирган ҳолда ҳаёлий идеал музей яратган²³. Унинг “Ҳаёлдаги музей” эссеси асосида Россиянинг А.С.Пушкин номидаги Тасвирий санъат музейида кўргазма куратори музей президенти Ирина Антонова томонидан катта кўргазма ташкил этилади²⁴.

XIX аср музейлар даври бўлган. Ҳозирги замонда ҳам худди шундай, биз музейлар одам санъатини идрок этишини радикал равишда ўзгартириб юборганини эсдан чиқардик.

Мальро учун музейнинг аҳамияти шундан иборатки, унинг экспонатлари санъатга қизиқувчилар учун доим очиқ. Унинг эстетикасида ҳаёлдаги музей эгаллайди. У барча даврлардаги халқлар санъат асарлари репродукциясининг коллекциясидир.

²³ Лысикова О. В. Музеи мира. – М.: Флинта, 2002. – С. 34.

²⁴ Голоса воображаемого музея Андре Мальро. Часть I «От сакрального к идеальному.// <https://museum-ru.livejournal.com/130544.html>

Худди ана шу репродукцияда нодир, ноёб нарсаларга янги ҳаёт бағишланади. Бадий репродукциялар тарқалиш туфайли Мальро фикрича, ҳозирги томошабин дунё санъатининг барча меросини “Ҳаёлдаги музей”га бирлаштириш имкониятига эга бўлади.

Музейнинг ижтимоий функцияси масалалари хорижий ва маҳаллий музейшунослар томонидан бир неча ўн йилдан бери муҳокама этилишига қарамай, улар ҳали тўлиқ ҳал бўлганича йўқ. Тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазаларга кўра, функционал анализ музейнинг жамиятдаги ролини тушунишда ва уни янада ривожлантириш йўллари аниқлашда аҳамиятга эга.

Музейнинг ижтимоий функциялари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, тўхтовсиз бир-бирига таъсир этади. Хужжатлаштириш жараёни музейнинг экспозицион ва маданий-илмий фаолияти йўлидан боради. Экспозиция эса музей предметларини тўлдириш, уларни ўрганиш ва таърифлаш жараёнида олиб борилаётган илмий ишлар нашрининг специфик шаклидир. Кўпинча экспозициялар асосида айнан таълим ва тарбия функцияси амалга ошади. Этикетка, этикетаж, экскурсия, маърузалар экспозиция ва ундаги музей предметларининг шарҳи бўлиб хизмат қилади.

Музейларнинг вазифасини аниқлаш учун “фаолият” деган сўзнинг луғавий маъносини тавсифлашга тўғри келади. Бу сўзнинг маъноси музейларнинг ижтимоий-маданий вазифасини тўлиқ очиб беради. Шундагина музейга маълум бир фаолият вазифасини бажарувчи муассаса сифатида қараш мумкин бўлади. Музейга шу тарзда ёндашиш унинг фаолиятида бошқа муассасалар фаолиятида мавжуд бўлмаган ўзига хос сифатларни яъни, фондларни тўплаш, йиғиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, экспозиция-кўргазма уюштириш, таълимий-тарбиявий иш олиб бориш каби амалий жиҳатларини очиб беради.

Музейнинг ижтимоий-маданий вазифасини тарихий-маданий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, унинг жамият олдидаги ўзига хос мажбурияти ва вазифаси қуйидагиларда намоён бўлади: – музей ашёлари ва музей коллекцияларини хужжатлаштириш (яъни жамиятда узоқ берадиган факт, ҳодиса ва воқеаларни музейдаги ашёлар орқали асослаш); – таълимий-тарбиявий вазифаси (яъни жамият аъзоларининг маданий ва билим олиш талабларини қондириш учун музейдаги ашёларнинг маъ-

лумот бериш ҳамда таъсурот қолдириш имкониятидан фойдаланиш).

Музейларнинг ижтимоий-маданий вазифасини ёри-тиш учун улар фаолиятига маданиятшунослик, социологик, фалса-фий ҳамда музейшунослик нуқтаи назардан ёндашиш лозим бўлади.

Одатда турли мамлакатларнинг музейшунослари томонидан музей ашё-лари ва музей коллекцияларини ҳужжатлаштириш ва таълим-тарбия вази-фасига алоҳида урғу берилади. Олимлар “музей вазифаси” деган тушунчани ёки музей фаолиятига боғлиқ фанлар ёрдамида унинг асосий вазифасини кен-грок ёритиш кераклигини таклиф этадилар. Мисол тариқасида айтганда, му-зей ашёларини ҳужжатлаштириш ҳамда таълим-тарбия вазифасидан ташқа-ри уларнинг фондларини сақлаш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, эстетик, гносеологик, аксиологик ва тарбиявий вазифаларини ҳам киритишмоқда.

Шунинг билан бирга музейларнинг вазифасига нисбатан яна бошқа бир қараш бор. Баъзи олимлар буни турлича изоҳлайдилар: яъни асарларни тўплаш, инсоннинг ватанпарварлик ва маданий тимсолини акс эттирган қимматбаҳо асарларни сақлаб қолиш, нашр қилиш, одамларни бадиий бойликни ҳис қила оли-шига ўргатиш, дунёқараш ва ва қадриятларга бўлган муносабатини шаклланти-риш, ижодий фаолиятини кучайтириш, англаш имкониятини кенгайтириш, миллий, маҳаллий ва касбий ўзлигини англашига кўмаклашиш, тарихий боғлиқликни таъ-минлаш каби вазифалар нақадар муҳим ва аҳамиятли эканлигини таъкидлашмоқда.

Музейларнинг ижтимоий вазифасига нисбатан яна бир қараш бор. Бу му-зейларга четдан қараб, музей – бу илмий тадқиқот институти, музей – бу бир ма-даний маскан деган эскича қарашларга барҳам беришни талаб қилади. Чунки бу атамалар орасида музейга чинакам баҳо бериш учун “музей – бу музей” деган оддий ибора қолиб кетган. Музейларнинг кўп қиррали фаолиятига қараб эмас балки музей феноменини фалсафий нуқтаи назардан англашга интилиш керак.

Музейлар тўғрисидаги умумий тушунчани тўла англаш учун улар-нинг ижтимоий-маданий вазифасини очиб беришга кўмаклашиши мум-

кин бўлган “маданият – жамият – шахс” деган ёндашиш тизими тўғри келади. “Маданият” муаммосига оид ушбу тушунча доирасига музейдаги қа-дриятларни ҳужжатлаштириш, ҳисобга олиш, сақлаш ва ўрганиш кабилар ки-ради. “Жамият” тушунчасига билим бериш, тарбиялаш ва зиё тарқатиш киради.



“Шахс” эса музей фаолияти орқали ижодий иқтидорини ошириб, ҳордиқ чиқаради.

Ундан ташқари инсон музейнинг маданиятшунослик вази-фаси доирасига кирувчи фаолияти натижасида маданий мерос билан му-лоқотга кириш орқали ўзининг маънавий талабини ҳам қондиради.

Бу ҳолда музейлар вазифасининг маданиятга оид чизгиси қуйи-дагича намоён бўлади: умумий дунёқараш ва қадриятлар тизимини ша-кллантириш, жамиятнинг бирлашиши ва демократиклашувини оши-риш, шахснинг ижтимоийлашуви ҳамда ижодий фаолиятини юксалтириш, тарихий боғлиқликни таъминлаш ва инсонни англаш имкониятини кенгайтириш.

Музейларнинг ижтимоий аҳамиятини акс эттирувчи тарихдан шаклланиб келган ижтимоий-маданий вазифаларининг кўп қиррали эканлиги ва турли нуқтаи назардан ўрганилиши натижасида унинг олдида қуйидагича мақсадлар туради:

- музей ашёлари ва музей коллекцияларини ҳужжатлашти-

риш вазифаси (музей ишининг асосий вазифаси), асослаш вазифаси, яъни жамият тараққиётининг маданияти ёки табиатини акс эттирувчи далиллар билан тасдиқлаш, чунки у жамиятнинг ривожланишини акс эттирувчи далилларни йиғиш ва сақлаш орқали унинг иқтисодий, илмий ва маданий талабларига жавоб беради;

- таълимий-тарбиявий вазифаси жамиятнинг музейга бўлган ахборот бериш, акс эттириш имконияти орқали ахборот олиш ва маданий талабларига жавоб беради. Бу эса ўз навбатида маданий-маърифий соҳаларини ҳам ўз ичига олади;

- жамият аъзоларининг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, уларнинг маданий, маънавий ва рухий ҳордиқ чиқаришига бўлган талабини қондириш вазифаси ҳам шулар жумласига киради. Бу вазифанинг муҳимлиги шундан иборатки, жамият аъзоларининг музейга ташриф буюришлари ортида уларнинг ҳам ахборот олиш, ҳам билим олиш, ҳам тарбиявий аҳамиятидан баҳраманд бўлиш истаги ётади.

Шуни ҳам кўзда тутиш лозимки ҳар қандай макон, замон ва вақтда музей билан жамиятнинг ўзаро ҳамкорлиги унинг ўз вазифасини адо этаётганлиги ва унинг амалда мавжудлигидан далолат беради. Ушбу жараён доимий тарзда ҳам музейнинг ички фаолиятида ҳам унинг ижтимоий-маданий муҳит билан узлуксиз алоқасидан намоён бўлади.

Музейларнинг ижтимоий вазифалар билан узлуксиз алоқаси уларнинг барча фаолиятида яққол намоён бўлади. Унинг ижтимоий фаолияти ҳам шунда акс этади. Музейларнинг хужжатлаштириш, сақлаш, ўрганиш жараёни музей экспонатларини кўргазмага қўйиш ва намоиш этиш давомида ҳам тўхтамайди. Бундай пайтда экспонатларни намоиш этиш музей фаолияти давомида олиб борилган барча тадқиқот ва изланишлар ўзига хос илмий кўрик сифатида намоён бўлади. Экскурсия, маъруза ва маслаҳатлар сифатида амалга ошириладиган музейнинг аниқ амалиёти бунда гўёки музей экспонатлари тўғрисидаги маълумотни тўлароқ билишга кўмаклашади. Музейларнинг таълимий ва тарбиявий вазифаси музейдаги экспонатлар ҳақидаги маълумотни ташриф буюрувчи ва мухлисларга ҳар тарафлама ту-

шунтиришнинг турли усулларини қўллаш орқали амалга оширилади. Музей экспонатларидан таълимий мақсадда фойдаланишда намоиш этилаётган жамланманинг йўналишини тўғри танлаш, уларни эҳтиёткорлик билан сақлаш, кўргазма қилиш ва экологик муҳитни ҳам таъминлаш лозимлигини унутмаслик керак бўлади.



Лувр. 1907 йил

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, музейларнинг ижтимоий-маданий вазифаси серқирра бўлиб, улар музей ашёларини хужжатлаштириш, фондларни сақлаш ва бойитиб бориш, илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш, эстетик, гносеологик, аксиологик вазифалари билан бирга умумий ва энг муҳими таълимий-тарбиявий вазифалар муҳим саналади. Мазкур вазифалар музей билан жамият ҳамкорлигида ижобий натижалар беради.

1.2-§. Ўзбекистонда бадий музейлар ривожланиш тенденциялари

Бадий музей – тасвирий ва амалий санъат ҳамда меъморий ёд-

горликларни йиғиш, кўргазма қилиш, сақлаш ва оммалаштириш билан шуғилланувчи илмий, маърифий, тадқиқот муассасаси ҳисобланади²⁵.

Бадий музейларнинг келиб чиқиш тарихи Қадимги Рим қароргоҳларида ва Европанинг турли шаҳарларидаги черков ва ибодатхоналарида ноёб санъат асарларининг тўплаб сақланиши бунга яққол мисол бўла олади.

Уйғониш даврига келиб санъат асарларини йиғишнинг маълум тизими қўлланила бошлади. Энг қадимги музейлардан ҳисобланган Уффици, Прадо, Лувр музейларининг яратилиши тарихи XVI асрлардан бошланган бўлиб, санъат асарларини тўғри сақлаш мақсадида қасрлар, саройлар ва ҳашаматли биноларнинг айвонларини ойнаванд қилиб қуриш ҳам айнан шу даврга тўғри келади.

XVII асрга келиб музейларга кенг халқ оммаси ташриф буюра бошлагач Европадаги асосий йирик музейларнинг шаклланиши якунига ета бошлади. Венадаги санъат тарихи музейи, Лондондаги Тейт галереяси ва Миллий галерея, Мюнхендаги Бовария давлат суратлар тўплами, Мадрид, Будапешт, Прага, Гамбург, Стокгоlm, Лейпцигдаги миллий музей ва галереялар шулар жумласидандир.

Россияда XVIII асрга келиб эса анча йирик рангтасвир ва ҳайкаллар тўпламлари йиғила бошланган. Строганов, Юсупов, Шувалов каби таниқли зодагонлар ҳам Петр I га тақлид қилиб ноёб санъат асарларини йиға бошлаган. XIX асрда Эрмитаж, Перербургдаги Рус музейи, Москвадаги Третьяков галереяси каби музейлар эшиги кенг халқ оммаси учун очилади²⁶.

XIX асрнинг иккинчи ярмида жамиятда янги эҳтиёжлар шаклланиб, Туркистонда ҳам музейларнинг зарурлиги англанди ва кўп сонли коллекция ҳамда тўпламлар вужудга келиб, дастлабки музейлар ташкил қилинди. Музейлар махсус муассасалар сифатида тараққий этиб, маданий жараёнларда сезиларли ўринни эгаллаб, жамоатчилик ҳурмат-этиборини қозонди. Музейдан турли маданий, илмий, маърифий, тарбиявий мақсадларда фойдаланиш бошланиб, улар тез орада шаклланаётган ижтимоий муҳитда муҳим коммуникатив бўғин сифатида ўз ўрнини эгаллади²⁷.

Мамлакатимизда санъат ва маданиятининг маркази ҳисобланган Ўзбе-

²⁵Лыскова О.В. Музеи мира: Учебное пособие к интегрированному курсу «Музеи мира». – М.: Наука, 2004. – С. 10-12.

²⁶Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика. – М.: Высшая школа, 2004. – С.13-14.

²⁷Курязова Д.Т. Ўзбекистонда музей иши тарихи. – Т.: Санъат, 2010. – Б.130.

кистон давлат санъат музейи ҳам қизиқарли ва ўта муракаб юз йиллик тарихига эгадир. 1881 йилда меъмор А.Л.Бенуа лойиҳаси ва инженер Вильгельм Гейнцельман бошчилигида Санкт-Петербургда сургун қилинган князь Николай Константинович Романов учун Тошкентнинг энг сўлим ҳудудида ихчамгина гиштин сарой барпо этишади. Князь қароргоҳи Тошкентнинг инқилобга қадар қурилган бинолардан кўркамлиги билан фарқ қилиб, ўша даврда Токиодаги рус элчихонасининг биноси лойиҳаси асосида икки бошли бургут шаклида қурилган²⁸. Бинонинг ичи эса князь тўплаб юрган ноёб гиламлар, расмлар, ҳайкаллар ҳамда Ўрта Осиё ҳудудидан йиғиб келинган халқ амалий санъти намуналари билан безатилади. Тошкентда князь ўз насабини Искандар деб ўзгартиради. Меҳмонларни ўз қароргоҳида миллий кийимларда бошига салла ўраган ҳолда қабул қилган. Баъзан шу либосда шаҳарни сайр қилиб юрадиган одати ҳам бўлган²⁹.

Дворец великого князя Николая Константиновича



Сооружен в 1890 г. В.С. Гейнцельманом. Флигели достраивал А.Н.Бенуа. Ныне в реставрированном здании - Дом приемов Министерства иностранных дел. Почтовая открытка издательства, И.А. Бек-Назаров, 1909 г.

²⁸Круковский С.М. В мире сокровищ. – Т.: Изд. литературы и искусства имени Г.Гуляма, 1982. – С. 7.

²⁹Гударзи-Наджафов А. Жизнь без мифов. Князь Николай Константинович, 1850-1918. Документальная проза. – Ташкент: Baktriya press, 2018. – С. 108

Кундан кунга Романов қароргоҳига келиб кетувчиларнинг сони кўпиб боради. Тошкентга келадиган ҳар бир мартабали меҳмон унинг уйига ташириф буюришга, санъат ишқибозлари эса ноёб экспонатларни узоқ вақт томоша қилиш ва муҳокама қилишга қизиқар эдилар. Ўзининг тўплами билан фахрланган князь қисқа муддатларга таширифчилар учун ўз саройининг эшикларини очган. 1888 йилда «Туркестанские ведомости» газетасининг иловасида ушбу намоишга қўйилган санъат асарларининг рўйхати эълон қилинади. Албатта бу томоша фақатгина маълум бир доира учунгина очиқ бўлган³⁰.

Маҳаллий халқда бадиий кўргазмага бўлган қизиқишнинг ортишини инобатга олган ҳолда Туркистон раҳбарияти Туркистон ўлкашунослик музейида бадиий бўлим очилишга киришадилар. Чунки бу давргача мазкур музейда фақат табиий-илмий, тарихий ва этнографик коллекциялар тўпланар эди. 1911 йилда Россия Бадиий академияси томонидан рус рассомларининг 16 та рангтасвир асарлари ўлкашунослик музейига тақдим этилади. Лекин бу қумга тушган бир томчи сувдек эди халос. XX асрнинг дастлабки йилларида Тошкент йирик маданий марказга айланади. Эркаklar ва аёллар гимназияси, реал ва тижорат билим юр்தларининг очилиши натижасида расм дарсидан ўқитувчиларга эҳтиёж ортишига олиб келди. Педагог сифатида таклиф этилган рус рассомлари дарс бериш билан бирга колоритга бой бу ўлканинг табиати, меъморий обидалари ва ҳаёт тарзини тинмай муҳрлашга ҳаракат қилишарди. 1915 йилда йирик коммерсант Дмитрий Захонинг уйида биринчи мустақил бадиий кўргазма ташкил этилади³¹. Князь бу кўргазма учун ўз коллекциясидан бир нечта асарни тақдим этади. Кўргазма ёпилгандан сўнг санъат асарлари яна саройга қайтарилади.

Октябрь инқилоби натижасида 1918 йил 19 апрелда Туркистон халқ комиссарлари кенгашининг буйруғи билан князь Романов саройи давлат мулкига ўтади ва «Туркистон халқ университети музейи»га айлантирилади³². Музейни бошқариш учун мудир лавозимида Тошкентадаги ўрта мактабда расм дарсидан собоқ беришни бошлаган ёш ўқитувчи Михаил Александрович Вербовни тайинлашади.

³⁰Миронов А.М. Художественный музей в Ташкенте. – Т. 1929. – С. 8.

³¹Голендер Б.А. Коммерсанты старого Туркестана // Звезда Востока. 2007. № 1. – С. 23.

³²Туркистон халқ комиссарлари советининг 1918 йил 19 апрелдаги 106-сон буйруғи.

Музейнинг дастлабки фаолиятини йўлга қўйиш, санъат асарларини атрибуция қилиш, рўйхатга олиш ҳамда ташрифчиларга хизмат кўрсатиш рассомлар А.Волков, М.Вербов ва экспозиция зал қаровчиси Надежда Искандерлар зиммасига тушади.

1919 йилдан 1924 йилгача музей «Марказий бадиий музей» мақомида фаолият олиб боради. Туркистон республикаси халқ таълими Комиссариатининг 1920 йил 19 январдаги айнан россиялик рассомлар А.Н.Бенуа ва М.В.Добужинскийлар номига «Туркистон ССР халқ маъорифи комиссариати собиқ князь Романовга тегишли бўлган музейнинг юздан ортиқ рангтасвир асарларини экспертиза қилиш учун сиздан Тошкентга келишни илтимос қилади» деган мазмунидаги хат билан мурожаат этишади. Маълум бир сабабларга кўра мурожаат қаноатлантирилмайди. Шу йили музей мудир М.Вербов ҳам ўқишини давом эттириш учун Петербурга юборилади³³. Бунинг натижасида музей ашёларини илмий рўйхатдан ўтказиш ишлари тўхтаб қолади. Сарой характеридаги экспозиция залларида эса асо-



сан йирик рус рассомлари ва хорижий рассомлар томонидан ишланган XVIII асрга оид кўплаб рус подшоҳларининг портретлари ҳамда XIX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган сайёр-рассомларнинг айрим ишларини томоша қилиш мумкин эди. Бу даврда ташрифчиларга музейга кириш учун иш вақти

³³Гударзи-Наджафов А. Жизнь без мифов. Князь Николай Константинович, 1850-1918. Документальная проза. – Ташкент: Baktriya press, 2018. – С. 108.


аниқ белгиланмаганлиги сабабли кўп ҳолларда музей эшиклари ёпиқ бўлган³⁴.

1924 йилда музейга «Тошкент санъат музейи» номи берилади. Музей фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Москва ва Ленинград давлат музейлари фондидан 120 га яқин санъат асарлари ажратилади. Улар орасида А.Бенуа «Версаль боғи», А.Блоголюбов «Денгиздан Везувиянинг кўриниши», К.Гун «Мовий кўйлакдаги аёл портрети», И.Левитан «Дархтларнинг пояси»,

И.Репин «Қизим портрети» каби асарлар бугунги кунда музейнинг ноёб дурдонасига айланган.

Айнан шу даврда музей фондини тўлдириш мақсадида олиб борилган ишлар ҳақида таниқли санъатшунос ҳамда музейда узоқ йиллар давомида илмий ходим лавозимида ишлаган Софья Михайловна Круковская ўзининг «В мире сокровищ» номли китобида қуйидагича фикр юритади: Туркистон халқ маъорифи комиссариати томонидан совет санъати бўлими учун бадий асарларни сотиб олган ишларида сўлларча кайфиятни сезиш мумкин.

20-йилларнинг бошларида музейимизга Москва ва Ленинград давлат музейининг фондидан катта миқдорда турли оқимдаги формалистик ишлар қабул қилинган. Ушбу асарларнинг муаллифлари В.Кандинский, И.Клюн, Л.Попова, Г.Стенберглар футуризм, кубизм, супрематизм ва абстракционизм намояндалари бўлиб, улар яратган тушунарсиз асарлар совет томошабинлари учун ҳеч нима бераолмайдиган³⁵.



³⁴Круковская С.М. В мире сокровищ. – Т.: Изд. литературы и искусства имени Г.Гуляма, 1982. – С. 11.

³⁵ЎзР МДА. ЛФ-2665-жамғарма, 1-рўйхат, 17-иш, 1-варак.



1925 йили май ойида музейда бадий маточилик ва кулолчилик устанонаси очилади. Устахонада гиламлар, матолар тўқилган, кашталар тикилиб, босма гулли читгарчиликка ҳам эътибор берилган. Музей 1926 йил «8 март» фабрикаси билан бирлашиб, биринчи хотин-қизлар тўқув отели очилди. Шундай қилиб бадий музей миллий санъатимиз анъаналарини сақлаб қолиш ва халқ усталарини тарбиялашда ҳам муҳим вазифани бажариб келган³⁶.

1927-1933 йиллар давомида музей биноси бўлмаганлиги сабабли фаолияти тўхтатилади. 1935 йилда ошхона-фабрикаси биноси ишлаб чиқариш учун мослашмаганлиги сабабли музей экспозицияси учун берилади. Бу бинода музей «Ўзбекистон санъати музейи» номи билан фаолиятининг иккинчи даврини бошлади. Бу даврда музей директори В.А.Афанасьев раҳбарлигида санъат асарларини тўплаш, кўргазмалар ташкил этиш билан бирга илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларига археологик, этнографик экспедициялар уюштиришга катта эътибор қаратилди. 1932 йилда Ўзбекистон рассомлари уюшмасининг ташкил этилиши натижасида музейда кўплаб бадий кўргазмалар уюштирилиб, сотиб олинган энг яхши ишлар бугунги кунда музейнинг олтин фонднинг асоси ҳисобланади.

³⁶Круковская С.М. В мире сокровищ. – Т.: Изд. литературы и искусства имени Г.Гуляма, 1982. – С. 12.



Ошхона-фабрикаси биноти. 1935 йил.

Иккинчи жаҳон уришининг бошланиши музей фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Энди музей ходимлари олдида ноёб коллекцияни бус-бутун сақлаб қолиш вазифаси асосий мақсадга айланади. 1945 йил Ғалаба куни музей ҳам учинчи даврини ёш rassom Шамсрўй Хасанова раҳбарлигида бошлайди.

Музейга вақтинчалик фойдаланиш учун берилган бино на экспозиция қилиш, на кўргазма ўтказиш ва на маданий-маърифий тадбирларни ўтказишга имкон берарди. Шунинг учун ҳам асосий эътибор музей фондини тартибга солишга қаратилди. Агар 1935-1941 йиллар давомида музей коллекцияларини тўплаш даври десак³⁷, 1945-1952 йиллар музей ашёларини инвентаризация қилиш ва илмий рўйхтага олиш даври бўлди. Музей ашёларини илмий тадқиқ этиш яъни заргарлик буюмлари учун этнограф М.А.Бикжанова, зардўзлик бўйича П.А.Гончарова, мисгарлик буюмлари учун В.С.Затворницкая, гиламдўзлик бўйича В.Г.Мошкова, кулолчилик бўйича А.С.Морозова, кашта ва матолар бўйича А.К.Писарчиклар таклиф этилган. Бунинг натижасида иккита йирик илмий ишлар «Бухоро зардўзлик санъати» ҳамда «Бухоро қадимий читгарлиги» альбомлари rassomлар Н.И.Вальтер ва М.Ф.Прутской-

³⁷Русинова Н. В. Материалы по ургутской кустарной текстильной промышленности (ткачество и набойка) // Отчёт о командировке в Ургуте. – Т.: Государственный музей искусств Узбекистана, 1941. Қўлёзма. Инв. №23.

лар томонидан чизилган 135 та рангли жадваллар билан нашр этирилди³⁸.

1948 йилдан 1966 йилгача музей архитектор А.И.Леханов томонидан 1874 йилда биржа учун қурилган, 1877 йилда меъмор И.А. Маркевич лойиҳаси асосида театр учун қайта бунёд этилган бинода фаолият олиб боради³⁹. Музей тарихида биринчи бор Ўзбекистон халқ амалий санъати катта масшабда экспозицияда намоиш этилди. Бу даврда ҳам музей фонди кўплаб Ғарбий Европа, рус тасвирий санъати ҳамда Ўзбекистон рангтасвири асарлари билан тизимли равишда бойитиб борилди.

1956 йилда 39 ёшида биринчи ўзбек аёл rassomi, энг оғир йилларда санъат музейини юқори савияда бошқарган Шамсируй Хасанова бевақт вафот этади. Унинг ўрнига rassom, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Самиг Абдуллаев музей директори лавозимига тайинланади. Бу даврда музей қорақал-

поқ санъати ва хорижий Шарқ санъатига оид коллекцияларни тўплашга катта эътибор қаратади. Янги мавзулардаги кўргазмаларнинг тез-тез ташкил этилиши албатта ташрифчиларнинг сонини ортишига



ижобий таъсир кўрсатди.

Музейнинг 1965 йилдаги ҳисоботида кўра шу йили музейга 135 минг ташрифчи келгани тўғрисида маълумот берилган⁴⁰.

1966 йил 26 апрелда рўй берган табиий офат – кучли zilzila сабабли музей

³⁸Андреев М.С. Народные мастера Узбекистана. – Т.: Ўзбекистон давлат санъат музейи. Қўлёзма. Инв. №1; Бикжанова М. А. Чеканка по металлу. – Т.: ЎзДСМ, 1941. Қўлёзма. Инв. №21; Ўша муаллиф. Ювелирные изделия. – Т.: ЎзДСМ. Қўлёзма.; Писарчик А.К. Нуратинская вышивка. – Т.: ЎзДСМ. Қўлёзма.; Затворницкая В. С. Медно-чеканная посуда Бухары XIX и начало XX в. – Т.: ЎзДСМ. Қўлёзма. Инв. №58; Русинова Н.Б. Старинная набойка Бухары. – Т.: ЎзДСМ. Қўлёзма. Инв. №124; Сергеев Б.С. Материалы к изучению орнамента на медно-чеканных изделиях. – Т.: ЎзДСМ. Қўлёзма. Инв. №444.

³⁹Ўзбекистон Давлат санъат музейи фондидаги ноёб меъморчилик ҳамда археологик ашёлар тарихига доир [Матн]. – Тошкент: Musiq, 2019. – Б. 16.

⁴⁰ЎЗР МДА. Р-2296-жамғарма, 5-рўйхат, 5а-иш, 79 varaқ.

фаолиятини ҳам издан чиқариб юборади. Яроқсиз аҳволга келиб қолган бинодан санъат асарлари Тошкент шаҳридан 20 километр узоқдаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг маданият саройига кўчирилади. Октябрь революциясининг 50-йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Маданият вазирлиги ўша вақтда Бадий кўргазмалар дирекцияси эгаллаб турган бинони санъат музейининг экспозициясини намойиш этиши учун тақдим этади. Қолган музей ашёлари 1973 йилга қадар колхозда сақланиб, етти йил давомида муҳофизлар, фототека, кутубхона ходимлари, реставраторлар ҳар куни музей автобусида колхозга ишга қатнашган. Ташрифчилар билан ишлайдиган ходимлар эса шаҳарда экскурсия ва маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишга маъсул бўлишган. Кўплаб юзага келган қийинчиликларга қарамай музей олдинги эришилган кўрсаткичларни тушурмасликка ҳаракат қилган. Масалан 1973 йилда музейга 132 726 та ташрифчи келган ва 707 та экскурсиялар ўтилган.


Ўзбекистон давлат санъат музейининг ҳозирги биноси учта совет меъморлари: И. Абдулов, А. К. Никифоров ва С. А. Розен-Блюм томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳанинг яратилишида уларни француз меъмори, меъморий модернизм, функционализм ва кубизм қонунчиси Ле Корбюзье, шунингдек немис модернист меъмори Людвиг Мис ван дер Роэнинг ишлари илҳомлантирган.

Музей биносининг тантанали очилиш маросими 1974 йилда 30 апрелида бўлиб ўтади⁴¹. Умумий майдони 4800 кв.м. бўлган 3 та экспозиция қаватининг кўчириладиган тўсиқлардан иборат заллар ташкил этади. Бу эса ташриф буюрувчи ва экскурсия гуруҳлари ҳаракатини осонлик билан йўналтиришга имкон яратади. Бино ҳар томондан махсус ойна билан ўралган бўлиб, у залларни бир текис ёритади ва булутли кунларда эса қўшимча равишда сунъий ёруғликдан фойдаланилади. Энди

⁴¹Ўзбекистон Давлат санъат музейи архивидан.

янги бинода музей тўлиқ ўз коллекциясини намойиш этишга муваффақ бўлади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида музей қатор хорижий давлатлар билан алоқалар ўрнатишга киришади. Мамлакатимизга ташриф буюрган элчиларнинг ҳам



биринчи қадамлари маданият ва санъат йўналишидаги узвий алоқаларни ривожлантиришга бағишланган бўлиб, бу йилларда ташрифчилар хорижий музейларда сақланаётган санъат асарлари асосида «Италия уйғониш даври рассомлари», «Япония замонавий меъморчилиги», «Германияда XIX-XX асрларда яратилган портретлар» номли кўргазмаларни томоша қилиш имкониятига эга бўлдилар⁴².

1991 йил 1 январь кўрсаткичларига кўра музейда жами музей ашёлари сони 41350 донани ташкил этган. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон давлат санъат музейида юз мингдан зиёд музей ашёлари сақланиб келинмоқда, шундан 68 мингдан зиёди асосий фонд ҳисобланади⁴³. Маълумки, бадий музейлар одатда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- * намоиш заллари
- * сақлаш жойлари
- * кўргазма заллари

⁴²Иброҳимова Н. Хайрат олами // Moziydan sado. 1999. № 1-2. – Б. 79.

⁴³ Ўзбекистон Давлат санъат музейи фондидаги ноёб меъморчилик ҳамда археологик ашёлар тарихига доир [Матн]. – Тошкент: Musiqa, 2019. – Б. 16.

- * таъмирлаш устахоналари
- * ўқув залли илмий кутубхона
- * фототека
- * фотолаборатория⁴⁴.

1990-йиллар охирида иш ўринларини қисқартирилиши сабабли, музей фотолабораторияси ёпилади. Бу эса ўз навбатида музей ашёларини ҳисобга олиш ва картотекаларни юритишга салбий таъсир кўрсатади. Яъни музейнинг асосий фондига келиб тушаётган экспонатлар суратга олинмай илмий паспортлар тўлдирилади.

Йиллар давомида музей экспозицияси ва инфратузилмаси янги-ланмади, 2000 йилларда бинонинг фасад қисмини безашда фойдаланилган экспериментал материаллар Ўзбекистон иқлимига ҳамда музей биносига қўйиладиган талабларга жавоб бермади. Бу вақтга келиб музейнинг иситиш-совутиш тизими ҳам буткул ишдан чиқади. Экспозиция заллари алоҳида-алоҳида иситиш-совутишга мўлжалланган кондиционерлар билан жиҳозланади. Лекин ёзнинг жазирама иссиқ ва қишнинг аёзли кунларида бу мосламаларнинг кучи етмай, экспозиция залларидаги ҳарорат намлик назоратдан чиқади.

Сўнгги йилларда юртимизда олиб борилган ислоҳатлар қаторида мадани-



ят ва санъат соҳаларида ҳам катта ўзгаришлар рўй бермокда. Айни шу йилларда Ўзбекистон давлат санъат музейи биноси ҳукуматимизнинг юксак эътибори

⁴⁴Лыскова О.В. Музеи мира: Учебное пособие к интегрированному курсу «Музеи мира». — М.: Наука, 2004. — С. 52-54. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.12.2019 й., 09/19/1019/4175-сон.

билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида реконструкция ишлари олиб бориш режалаштирилди⁴⁵.

2018 йил Ўзбекистон давлат санъат музейининг 100 йиллиги кенг нишонланиб, айнан шу санага бағишлаб «Ўзбекистон маданий мероси» туркумидан «Ўзбекистон давлат санъат музейи тўпламларида Ўзбекистон санъати» ҳамда «Сирли



авангард» номли каталоглар нашр қилинди⁴⁶.

2018 йилда музейни жаҳон стандартларига мос равишда реконструкция қилиш мақсадида Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан халқаро танлов эълон қилинган эди.

Мазкур танловда япон меъмори, Притцкер мукофоти лауреати Тадао Андо ўз лойиҳаси билан ғолиб бўлди. Режага кўра музейнинг умумий майдони икки бараварга кенгайтирилиб, 20000 квадрат метрни, шу жумладан, 7000 квадрат метр кўргазма майдонини эгаллайди. Бу музей экспозициясини қайта кўриб чиқиш ва 100 000 дан зиёд ноёб коллекцияларни сақлаш учун музейнинг фонд заҳирахонасини кенгайтириш имконини беради.

Тошкент шаҳрида жойлашган Ўзбекистон амалий санъати ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи мамлакатимизда ўзига хос ягона музейлардан бири ҳисобланади. Унинг тарихи 1927 йилда Тошкентда ташкил этилган Ўзбекистон усталарининг энг яхши ижод намуналари кўргазмасидан бошланади. Сўнг бу доимий кўргазмага айлантирилиб, «Ўзбекистон халқ хўжалиги кўргазмаси» номини олди. Кўргазмага қўйилган экспонатлар йиллар давомида йиғилиб, кўргазма фонди бойиб борди. Ана шу тўпланган халқ амалий санъат асарлари 1937 йилнинг 7 июлида Тошкентда очилган «Ҳунарман-

⁴⁵ Ўзбекистон давлат санъат музейининг 2017 йилдаги йиллик ҳисоботидан.

⁴⁶Ўзбекистон маданий мероси муаллифлик туркуми: Ўзбекистон давлат санъат музейи тўпламларида Ўзбекистон санъати. — Т.: Uzbekistan Today, 2018. — 448 б.;

дчилик санъати музейи»да намойиш этилди⁴⁷. 1938 йилда музей учун XIX асрнинг 70-йилларида қурилган Туркистон ўлкаси генерал-губернаторлигида махсус топшириқлар бўйича маъмулдор сифатида хизмат қилган А.Половцев уйига кўчирилади.

1896 йилда хизмат сафари билан вақтинчалик Тошкентга келган А.Половцевга котиб этиб тайинланган (кейинчалик машҳур олим, академик, Ўрта Осиё халқлари этнографияси мутахассиси бўлиб етишган) М.С.Андреев зиммасига уй сотиб олиш юклатилади. Андреев ўз навбатида йирик савдогар Н.Ивановнинг Шпилькова кўчасидаги уйини сотиб олади ва интерьерини меъмор А.Бурмейстер лойиҳаси асосида шарқона услубда қайта қурдиради. Қурилишга Андреев турли вилоятлардан кошин, наққошлик, ганч, ёғоч ўймакорлигини бажариш учун ўзбек халқ усталаридан Т.Арслонқулов, А.Қосимжонов, Уста Ширин Мурадов, А.Полвонов, Уста Абдуллаларни таклиф этади. Андреев усталарнинг ишлаш услубини қўзғатиш жараёнида уларнинг ишчи чизмаларидан нусха кўчириб Санкт-Петербург музейига ҳам юборади. Мазкур қурилишдан олган билимлари унга кейинчалик Ўзбекистон санъати музейининг Ўрта Осиё бўлимини яратишга ёрдам беради⁴⁸.

1909 йилда Половцев ўз уйини Тошкент шаҳрига совға қилади. Биринчи Жаҳон уруши даврида бу уй австриялик махбус офицерлар учун казармага айлантирилади. Революциядан сўнг 20-йилларда бино қозоқ болалари учун етимхонага вазифасини бажаради. Бу даврда уй жуда ачинарли аҳволга келиб қолганини кўрган М.Андреев маҳаллий ҳокимиятга бинони сақлаб қолиш мақсадида амалий санъат турлари бўйича ўқув марказини ташкил этиш таклифи билан чиқади. 1937 йилда музей биноси таъмирланиб Ҳунармандчилик санъати музейига айлантирилади.


1960 йилдан эътиборан, Ўзбекистон Маҳаллий ишлаб чиқариш саноати бошқаруви таркибига киритилди ва «Ўзбекистон амалий санъатининг донимий кўргазмаси» деб юритила бошланди. 1941 йил ҳамда 1961 йилларда музей биноси реставрация қилинади. 1970 йилда музей ҳовлисида иккита янги бинолар қурилиб, унинг кўргазма майдони уч маротаба катталаштирилди.

1997 йилда музей Маданият вазирлиги тизимига ўтказилиб, «Ўзбекистон

⁴⁷Ўзбекистон амалий санъати дурдоналари // Н.Толипова. – Тошкент: Print-ekspres servis, 2013. – Б. 11.

⁴⁸Писарчик А. К. Михаил Степанович Андреев (1873—1948) // «Труды (АН Тадж. ССР)», т. 120, Сталинабад, 1960. – С. 23.

амалий санъати музейи» мақоми берилади ҳамда маданий мерос объектлари рўйхатига киритилади⁴⁹. Музей биноси XIX аср охири XX аср бошларидаги меъморий безак санъатининг ёрқин намуналаридан бири бўлиб, Бино айвони, тантанали маросимлар ўтказиладиган меҳмонхона ва чилимхонаси шу кунгача ўзининг асл кўринишини сақлаб қолган. Бу хоналарнинг шифт ва деворлари қадимий




ганч ўймакорлиги, нафис нақшлар ҳамда сирланган кошинлар билан безатилган.

Бугунги кунда музей фондини йигирма хил тўпламга кирувчи 7 мингдан зиёд

амалий санъат ашёлари ташкил этади⁵⁰.

Музей директори лавозимида турли йилларда: А.И.Сидоренко (1965-1970), С.М.Абдураззокова (1970-1978 ва 1982-1986), Г.И.Скоробогатов (1979-1982), Ш.Г.Ганиева (1986-1988), И.Тухтахужаева (1988), М.С.Расулов (1990-1992), Г.Н.Насриддинова (1992-1994), Г.М.Читкаускене (1994-1998), Т.Д.Дустоев (1998-2008), Ю.Ёрмухаммедова (2008-2009), Н.Н.Толипова (2009-2013), З.Холиқова (2013-2015 в\б), А.



⁴⁹Ўзбекистон амалий санъати дурдоналари // Н.Толипова. – Тошкент: Print-ekspres servis, 2013. – Б. 11.

⁵⁰ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йилнинг 11 декабрида тасдиқланган “2017 – 2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини

мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” ҳақидаги 975 сонли қарори.

Мирзорохимов (2016-2018) И.Юсупов 2019 йилдан ҳозирги кунгача ишламоқда⁵¹.

Музей ўзининг фаолияти давомида Тошкент шаҳрининг йирик маданий ва маърифий марказларидан бирига айланди. Ҳар йили минглаб томошбинлар келиб кетувчи бу маскан халқимизнинг, чет эл сайёҳлари, давлат арбоблари ва ҳукумат делегацияларининг севимли даргоҳига айланиб қолган. Шу билан бир қаторда, музей ўзбек халқи амалий санъати тарихи билан шуғул-



ланувчи мутахассислар, халқ усталари ва рассомларининг ижодий фаолиятини такомиллаштиришида ўзига хос бир лаборатория вазифасини ўтаб келмоқда.

Мутахассислар ва жаҳон оммавий ахборот воситаларининг фикрига кўра И.В.



Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи МДХ давлатлари орасида энг яхши бадий тўпламга эга музейдир. Ҳаттоки Англиянинг «The Guardian» газетасида чоп этилган «Савицкийнинг сирли хазинаси» номли мақолада бу му-


⁵¹ <https://t.me/muzeyartuz>

зейга «дунёдаги энг ажойиб музейлардан биридир» деб таъриф берган⁵². Албатта музейнинг яратилиш тарихи, ривожланиш босқичлари ҳам коллекциялари сингари бетакрордир.

Шубҳасиз, Нукус музейининг тарихи Игорь Витальевич Савицкий шахси билан бевосита боғлиқдир.



Ўзбекистон унинг асосий ҳаёт йўлини яъни Рувим Мазель устозлигида рангтасвир ўрганишдан бошлаб уруш йилларида Самарқандга эвакуация қилинган Суриков рассомлик институти талабалари билан бирга қадим шаҳар билан илк танишуви, С.П.Толстов раҳбарлигида Хоразм археологик экспедицияси таркибида рассом сифатида қатнашиши ва ниҳоят, Нукус музейига бошчилик қилишгача бўлган даврни қамраб олади. 1950 йилда Савицкий таникли этнограф Татьяна Жданконинг Хоразм археология-этнографик экспедицияси билан Қорақалпоғистонга сафар қилиш таклифини мамнунлик билан қабул қилиб, 1950-1957 йилларда шу экспедицияда рассом вазифасини бажаради. Москвалик рассомнинг археологик экспедицияда иштироки нафақат унинг шахсий ҳаётида, балки Ўзбекистон маданиятида ҳам муҳим бурилиш ясади. Қадимги Хоразм ёдгорликлари, сир-синоатга тўла



⁵² Amelia Gentleman «Savitskiy's secret Hoard». The Guardian, January 1, 2001.

осори атиқалар: шахристонлар, остодонлар, сопол, заргарлик ва шиша буюмлари, антик фрескалардан намуналар, қадимги ёзувлар, муқаддас «Авесто» битиклари Савицкийни ҳайратга солганди. Экспедициядан йиғилган намуналар ўрганилиб,



Москва ва Санкт-Петербург музейлари фондига топшириларди. Бора-бора у Оролбўйи этагида, чўлда яшовчи кичик халқнинг ҳеч кимга маълум бўлмаган санъати тақдири ҳақида жиддий ўйлай бошлайди. Москва маркази Ар-

бат кўчасидаги уй-жойидан воз кечиб, Нукусга кўчиб келишга аҳд қилади⁵³.

Дастлаб Савицкий Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиалида ишлай бошлайди. Бу филиалга ёш олим Марат Нурмухамедов бошчилик қилган. Савицкий у билан дўстлашиб, ҳар бир бошлаган ишларида ундан мадад олар эди. 1957-1966 йилларда қорақалпоқ халқи амалий санъат дурдоналарини йиғишнинг энг жадал даври бўлди. Ўша вақтларда камдан-кам одамлар ана шу буюмларнинг нақадар қимматли эканлигини тушунар эди. Заргарлик буюмлари, гиламлар, кашталар билан безатилган кийимлар, ўтовлар безаклари, от абзаллари йўқола бошлаб, ўрнини замонавий кийим-кечаклар, буюмлар эгаллай бошлаган. Савицкийни ҳатто эскифуруш деб ҳам аташади. У яйловлардаги ўтовлардан гиламарни йиғиб юарди. Буларнинг барчасини москвалик реставраторлар қайта тикларди⁵⁴.

Савицкий ва унинг сафдошлари бутун Қорақалпоғистон шимолини кезиб чиқишди ва аслида қорақалпоқ маданиятининг генофонди ҳисобланган коллекцияни тўплашди. Катта коллекцияни сақлаш ва илмий тадқиқ этиш учун ҳам бу ҳудудга музей кераклигини ҳукуматга исботлагач 1966 йил февралда унинг бевосита ташаббуси билан Қорақалпоғистон давлат санъат музейи очилади ва Савицкий музей директори этиб тайинланади.

Музей учун Қорақалпоғистон тарихий-ўлкашунослик музейи биносининг бир қисми ажратилади. Дастлаб музей фаолиятини 2 500 та санъат асарлари билан бошлаб, шулардан 115 таси фақатгина экспозициядан ўрин олган эди⁵⁵. Айнан шу даврдан бошлаб Савицкий бутунлай ўзини музейнинг рангтасвир коллекциясини тўлдиришга бағишлади. У нафақат машҳур рассомлар балки унчалик танилмаган, ҳаттоки умуман тан олинмаган рассомларнинг ишларини тўплашни бошлайди.

Ўша йиллари Москвада маданий жонланиш юз берди. Чунончи, чет эл музейларида сақланаётган ажойиб коллекцияларнинг илк кўргазмалари ўтказилиб, XX аср санъатига қизиқиш кучайди. Изланишга ундовчи муҳитнинг юзага келиши, санъат тараққиёти борасидаги баҳслар, эркин ижод нафаси, ўз навбатида, яқин ўтмишдаги меросни ўрганиш эҳтиёжини уйғотди. Ижодий анъаналарни

⁵³Бабаназарова М. «Игорь Савицкий. Художник, Собиратель, Основатель музея», автор (на русском языке). Лондон, 2011. – С. 6.

⁵⁴Акилова К.Б. Саҳродаги Лувр: коллекция тарихи ва унинг ўзига хослиги. // «San`at». 2017. №2. – Б. 4-9.

⁵⁵Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг 1966 йилдаги ҳисоботи. Инв.№ 1.



янада кенг англаш масаласининг долзарблашуви рассомларни 1920-1930-йиллардаги миллий санъат наъмуналарига мурожаат қилишга ундади⁵⁶.

Бу давр авангард санъати 1960-йилларга келиб, мерос сифатида қабул қилинишда давом этиб, ҳали парда ортида сақланаётган бўлса-да, айнан шу асрлар 1960-1970-йиллардаги «Москва андергроунди»нинг юзага келишига туртки берди. Бу даврда И.Савицкий тез-тез Москва шаҳрига хизмат сафари билан бориб турарди. Рассомлар билан учрашиб суҳбатлашар, кўргазмаларни кузатар эди. Бу изла-

нишлар ҳам кейинчалик Нукус музейи коллекцияси-дан ўрин олди. 1920-1930 йиллар авангарди аста-секин рассомлар, санъатшунослар ва коллекционерлар томонидан кашф этила бошланганига қарамай, ҳали узоқ вақт давомида бу йўналишга оид картиналар давлат музейлари томонидан ҳарид қилинмаган ва молиялаштирилмаган. Рассомларнинг ишлари омборхона ва чордоқларда сақланиб, чет элга дипломатик кейсларда олиб чиқиларди. Яъни бу санъат секинлик билан йўқола бошлаган эди. Ушбу бадий воқеликнинг жаҳон миқёсидаги аҳамиятини билган ва унинг йўқ бўлиб кетиши мумкинлигини тушунган И.Савицкий том маънода 1920-1930 йиллар авангард санъатини асраб қолиш дардига чалинади.

Амалга оширилган ишлар натижасида музей хазинасида санъат олами-га 1920-1930-йилларда кириб келган, бироқ эътибор қозонмаган рус рассомларининг «формалистик» ишларидан жамланган ноёб коллекция пайдо бўлди. Бу ижодий мерос рус авангарди ҳақидаги қарашларни тўлдириш билан бирга, уни кенгайтиришга ҳам хизмат қилади. Зеро, бу йўналишда ижод қилган аксар муаллифларнинг ишлари айнан Нукус музейида намоишга қўйилган бўлиб, мазкур ҳолат рус авангарди бадий жиҳатдан кенг кўламга эга, серкатлам ҳамда услубларга бой воқеа сифатида баҳо беришга имконият яратди.

И. Савицкийнинг авангард санъатига қизиқиши Ўзбекистон санъатига

⁵⁶Акилова К.Б. Саҳродаги Лувр: коллекция тарихи ва унинг ўзига хослиги. // «San`at». 2017. №2. – Б. 4-9.

ҳам таъсир этмай қолмади. Ўзбек рассомлари биринчилардан бўлиб бу ўзига хос санъатни тушуниб, уни тўғри баҳолашди. И.Савицкийнинг ўзбек авангарди коллекцияси тўпланиши ҳақида шундай деган эди.: «... агар Москвада биз кўп ҳолларда омадсизликка учраган бўлсак, Ўзбекистонда Монополистларга айлангандик. Ҳали ҳеч ким 20-30-йилларда бундай кўламдаги ишларни амалга оширмаганди. Тўғри, А.Волков ҳамда А.Николаев қаламига мансуб график ишларнинг бир қисми архивга топширилди, А.Волковнинг бир қисми Москвага сотилди. Гарчи музейнинг моддий имкониятлари чекланган бўлса-да, қисқа муддатда Савицкий уни бутун дунёга машҳур қилган уникал коллекцияни тўплашга муваффақ бўлади⁵⁷.

Музейнинг кирим китобига 1-рақам билан А.Волковнинг «Помидорлар йиғими» асари рўйхатга киритилган. Умумий ҳисобда бу рассомнинг 100 яқин ишларини сотиб олган Савицкий Волковнинг ижодини келажакда дунё тан олишини башорат қилган эди⁵⁸.

Музей коллекцияси аста-секин машҳур бўла бошлади. 1968-1969 йилларда унинг коллекцияси Москва шаҳридаги Шарқ халқлари санъати музейида намоиш қилинди. Кейин, бошқа шаҳарлар Львов, Таллин, Санкт-Петербург, Олмаота, Уфа, Қозон ва бошқа шаҳарларда намоиш этилган. 1970 йилдан бошлаб чет элларда замонавий санъатнинг ҳар қандай кўргазмаси Нукус санъат музейи иштирокисиз очилмаган.

1970 йилларда Нукус шаҳригача темир йўл ўтказилмаган бўлиб, поезд 40 километр узоқликда Хужайли станциясида тўхтар эди. Бир куни Савицкий Москва шаҳридан бир вагон санъат асарлари билан келатганини ва уни катта юк машинаси билан кутиб олишларини айтади. Бекатда 10 дақиқага тўхтаб турадиган поезд 1 соатга ушланиб қолади. Бутун поезддаги йўловчилар ҳам бу санъат асарларини вагондан туширишга ёрдам беришади⁵⁹. Кучли темпда музей фаолиятини бошқариш жараёнида маҳаллий ва хорижий кўргазмалар ўтказиш, илмий мақолалар ёзиш, музей каталогини тайёрлаш, музей фондини тўлдириб бориш мақсадида хизмат сафарларига

⁵⁷Бабаназарова М. «Игорь Савицкий. Художник, Собиратель, Основатель музея», автор (на русском языке). Лондон, 2011. – С. 6.

⁵⁸Сычева В. Рядом с Савицким// Мир музея. 2001. № 2 (402). – С. 43.

⁵⁹Бабаназарова М. Ноёб хазина // San`at. – 2003. №2. – Б. 19-24.

чиқиш, буларнинг барчаси Савицкийни соғлиғига таъсир кўрсатмай қолмайди. Соғлиғи ёмонлашишига қарамай энди Савицкий музей учун янги, катта бино қурдириш гояси билан юради. 1979 йилда архитектор Серго Сутягин лойихаси асосида янги музей биноси қурилиши режалаштирилади. Лекин бу даврга келиб Савицкийнинг музейнинг кутубхонасини ташкил этиш, рангасвир коллекциясини тўлдириш мақсадида тинимсиз олиб борган меҳнати музейни катта қарзга ботириб қўйган эди⁶⁰. 1983 йилда Савицкий дўсти Марат Нурмухамедовнинг қизи Мариника Бабаназаровани музейга бош муҳофиз лавозимига ишга таклиф этади ва кейинчалик уни музейнинг бу танг аҳволдан олиб чиқиб кетаоладиган ягона инсон сифатида қўради⁶¹.

1984 йил 27 июлда И.В.Савицкий Москва шаҳридаги касалхонада вафот этади. Москвалик дўстлари, рассомлар, санъатшунослар Савицкий билан Шарқ халқлари тарихи музейида видолашишади ва у иккинчи ватани бўлиб қолган Нукус шаҳрида дафн этилади.

Савицкий ўлиmidан бир неча ой олдин Москва шаҳрида музей кутубхонаси учун китоблар, журналлар, суратлар, графика асарларини тўплаган бўлиб, ўлиmidан сўнг москвалик музей илмий ходимлари уларни 2 та вагонга жойлаб Нукусга жўнатишга ёрдам беришади.


Музейни шу даврдан Мариника Бабаназарова директор лавозимида бошқаришни бошлайди. Культура.уз. сайтига берган интервьюсида М.Бабаназарова музейга ишга келишини шундай эслайди: «Савицкий менинг тақдиримни ўзгартирган инсон. Бу баланд парвоз гап эмас. Мен ўз касбимни ўзгартирдим, музейни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун мен кўп нарсалардан воз кечдим. Чунки бу менинг Савицкий ва отамнинг хотираси олидаги маънавий бурчим эди».

Музей жамоасининг сайи-ҳаракати билан шу йили музейга Игорь Витальевич Савицкий номи берилади. Бабаназарова энди асосий эътиборни музей коллекциясини тарғибот қилиш, хорижий музейлар, элчихоналар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳамда хорижий сайёҳларни эътиборини жалб этишга қаратади.

⁶⁰Бабаназарова Мариникани И.В.Савицкий таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш ҳақида Культура.уз сайтига берган интервьюсидан.

⁶¹Бабаназарова Мариникани И.В.Савицкий таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш ҳақида Культура.уз сайтига берган интервьюсидан. https://kultura.uz/view_2_r_4970.html

Музейнинг дунё миқёсидаги эътирофи Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларига тўғри келди. Нукусга жаҳоннинг турли жойларидан кўплаб мутахассислар, журналистлар ташриф буюриб, хорижий газета ва журналларда музейнинг ноёб коллекциялари ҳақида мақолалар эълон қилина бошланди⁶². Дунёнинг энг йирик музейлари Савицкий коллекцияси асосида ўзларининг экспозиция залларида кўргазма ташкил этиш ташаббуси билан чиқишди.



1979 йилда қурилиши тўхтатиб қўйилган 3 та блокдан иборат музей биноси 2002 йил охирига келиб фақат биринчи блоки қуриб битказилади ва 2003 йилда янги бинони очилиш маросими бўлади. 2015 йилда қолган яна 2 та блок қуриб топширилади.

2017 йилнинг 4-5 апрелида Ўзбекистон Республикаси президенти Ш. Мирзиёев давлат ташрифи билан Россия Федерациясида бўлди. Расмий ташриф доирасида А.С.Пушкин номидаги тасвирий санъат музейида И.В.Савицкий номидаги Давлат санъат музейи коллекцияси асосида «Нукус хазинаси» кўргазмаси очилди. Кўргазмада икки юздан ортиқ ноёб археологик экспонат, қорақолпоқ амалий-безак санъати, рус ҳамда туркистонлик авангард рассомлар ишлари намоён этилди. Тадбирнинг очилишида «Саҳродаги Лувр» альбоми тақдим этилди⁶³. Мазкур альбомда ушбу музей асосчиси И.В.Савицкий ҳаётининг асосий давлари, музейдаги археологик ва этнографик коллекциянинг ўзига хос хусусиятлари Россия ва Туркистон тасвирий санъати авангардининг нодир тўплами ҳамда замонавий қорақолпоқ рассомларининг ижоди ўз аксини топган.


⁶²Савицкий И. Государственный музей искусств Каракалпакской АССР. М., 1976
Бабаназарова М. «Игорь Савицкий. Художник, Собиратель, Основатель музея», автор (на русском языке). Лондон, 2011. – С. 11.

⁶³Акилова К.Б. Саҳродаги Лувр: коллекция тарихи ва унинг ўзига хослиги. // «San`at». 2017. №2. – Б. 4-9.



2019 йилда Ўзбекистон музейлари фаолияти тарихида илк маротаба ходимларни раҳбарлик лавозимларига жалб этиш мақсадида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи директори лавозимига очиқ халқаро танлов ташкил этилди⁶⁴. Танлов Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар фуқаролари ўртасида ўтказилди. Номзодлар санъат тарихи, музей иши, археология ва музей антропологияси ёки бошқа тегишли соҳада

илмий даражаси мавжудлиги, маданият муассасасида маъмурий ва бошқарув лавозимларида камида тўрт йиллик иш тажрибасига эга бўлиши керак эди. Танловнинг биринчи босқичи якунларига кўра, Германия, Россия, Қозоғистон ва Қорақалпоғистондан 6 нафар номзодлар ўтди. Иккинчи ҳал қилувчи босқичда номзодлар ўз тақдимотларини тақдим этиб, суҳбатдан ўтишди. Танлов якунида Экспертлар кенгашининг хулосасига кўра Москвадаги Рерихов музейи (Шарқ санъати давлат музейи филиали) директори Тигран Мкрти-



рихов музейи (Шарқ санъати давлат музейи филиали) директори Тигран Мкрти-

⁶⁴Объявлен Международный конкурс на должность директора музея им. И.В.Савицкого <https://acdf.uz/ru/news/obyavlen-mezhdunarodnyy-konkurs-na-dolzhnost-direktora-muzeya-im-ivsavickogo>

чев ғолиб дея эълон қилинди ва 2021 йилнинг январь ойидан бошлаб И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи директори лавозимида фаолиятини бошлади.

Хулоса ўрнида Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон амалий санъати ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи ҳамда И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейларининг ташаббускорлари саъйи-ҳаракати туфайли ҳали кўп ўрганилиши зарур бўлган нодир тарихий-маданий меросни, ижоди илмий ўрганилишини кутаётган рассомлар асарлари, бадиий оқим ва йўналишлар, амалий санъат асарлари, ижодий жамоалар фаолиятини жамлаган хазинага айланди. Музейларимиз коллекциясини, миллий маданиятимизни умумжаҳон миқёсида намойиш этиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу музейлар миллий ва умуминсоний мерос намуналари, уларнинг яратувчилари ҳақидаги хотирани асраб қолиш ва уни келажак авлод тафаккурига муҳрлашга қодир. Унинг қиммати ва дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилиши боиси шунда.

Айтилганларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларга эътиборни қаратишни лозим топдик:

Ўзбекистон музейлари ўзига хос тараққиёт босқичларини босиб ўтган бўлиб, улар жамият ривожидagi ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий ўзгаришларни ўзида акс эттирди. Уларда катта музей фонди тўпланган ҳамда бу мамлакатнинг маданий бойлиги ҳисобланади. Экспонатлар ўзига нисбатан эҳтиёткорона муносабатни, асрашни, тадқиқ ва тарғиб қилишни тақозо қилади. Музейларнинг маданий меросни сақлаш, замонавий санъатни тўплаш ва келажак авлодга етказиш билан боғлиқ фаолияти ҳеч қачон ҳозиргидек жамият учун долзарб аҳамият касб этган эмас. Афсуски, бугунги кунда республикада фаолият юритаётган давлат ва нодавлат музейлар ҳақида тўлиқ маълумот берадиган илмий манбаа ёки ягона платформа мавжуд эмаслиги натижасида Ўзбекистонда музейларнинг аниқ сонини белгилаш ва классификация қилишда муаммолар борлиги аниқланди. Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

- goskatalog.uz – миллий музей фондининг ягона электрон каталогига барча давлат ва нодавлат музейлар рўйхатини киритиш;
- Нодавлат музейларни юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтиш тартибини соддалаштириш;
- Музейларни ташкил этиш ва бошқариш бўйича ўзбек тилида брошюра нашр эттириш ва мазкур сайтда эълон қилиш.



Томошабин қизиқишини ўзига жалб қилиш ва креатив лойиҳаларни, кўргазма ва экспозицияларни яратишга бўлган уринишлар жиҳатидан бадий музейларнинг етакчилик қилаётганини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда бадий музейларнинг умумий хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин: музей биноларининг ички сатҳи ва майдонига осонлик билан ўзгартириш киритиш орқали музейга келувчилар учун бирин-кетин барча экспонатларни кўриб чиқиш имкониятини берувчи лойиҳалар қўлланилиши, баъзи санъат асарлари яққол кўзга ташланиши учун юқоридан сунъий ёритилиш усулларида фойдаланиш.

Бадий музейлар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бадий аҳамиятга эга бўлган музей ашёлари ва музей коллекцияларини



заҳирасида сақлабгина қолмасдан балки кўзга кўринган санъат асарини намуналарини маромига етказиб намойиш этишни ўз зиммасига олади. Юқорида айтиб ўтилган барча имкониятлар Ўзбекистон бадий музейларида мавжуд бўлиб, уларни халқаро даражадаги маданий марказ ҳисобланади десак адашмаймиз.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ СИЁСАТИДА МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

2.1-§. Миллий музей фондини комплектлаш, сақлаш ва намоиш этишдаги муаммолар

Музей заҳирахонаси ҳар қандай музейнинг ниҳоятда муҳим, одатда коллекциянинг катта қисми сақланадиган жойдир. У музей ва унинг дастурлари ривожланишида ҳам муҳим ўринни эгаллайди, чунки заҳирахона фаолияти илмий тадқиқотлар, консультация, кўргазма, сақлаш ҳамда коллекцияларни вақтинчалик фойдаланишга топшириш каби бошқа фаолият турлари билан яқиндан боғлиқ. Заҳирахона коллекциялар бутлиги ва очиқлигини таъминлагани боис, билим, тадқиқот ва илҳом манбаи марказлари сифатида ўз ролларини давом эттирмоқчи бўлган музейлар олдидида коллекцияларни тегишлича авайлаш ҳамда улар сақланишини бошқариш каби долзарб вазифа туради.



Барча музейларнинг дастлабки фаолияти комплектлаштириш ишлари билан боғлиқ бўлади. Унинг асосида музейнинг асосий хусусияти бўлган манбашунослик базаси яратилади. “Комплектлаштириш ишлари натижасида табиат ва жамиятдаги ҳодисалар ҳужжатлаштирилади”⁶⁵. Музей иши фаолиятида аниқ ва малакали бажарилган ҳужжатлаштириш ҳамда ҳисобга олиш ишлари коллекциялар устида иш олиб боришда кўплаб қулайликлар яратади. Шунингдек, тўлиқ қоидаларга асосланган ҳолда кириш китоби, инвентар китоб ва каталогларда ҳужжатлаштирилган маълумотлар илмий изланишларда, экспозиция ва кўргазмалар ишида эркин фойдаланиш, экспонатларни тўғри сақлаш ҳамда улардан ҳар томонлама самарали фойдаланишга замин яратади.

Бугунги кунда музей фонд ишида яна энг долзарб масалалардан бири электрон маълумотлар базасини яратишдир. Фонд маълумотлар базасини яратиш жуда мураккаб ва узлуксиз иш. Охирги ўн йилликларда компьютер технологиялари ёрдамида унинг актив модефикацияси бошланди, бу музей ҳужжатларини тайёрлаш жараёнини тубдан ўзгартиради. Электрон информациялар тарқатувчининг мавжудлиги, музей мутахассисларини ҳисоб ҳужжатларини қоғозга ёзиб расмийлаштиришдан ҳоли этмайди, чунки улар юридик кучга эга. Лекин фонд бўлинмалари фаолиятини автоматизациялаш, сезилари даражада меҳнатни пасайтиради, хатоликларга йўл қўйиш камаюди ва тайёрланаётган ҳужжатларга ўзгартириш киритишга имконият яратади.

Айниқса, музей тўпламларини каталоглаштиришда, компьютерлаштириш усули кенг имкониятлар очиб беради. У ёрдамида картотекалар олиб борилиб, предмет ҳақидаги батафсил маълумотни киритиш мумкин. У турли белгилари бўйича информация қидиришга ёрдам беради. Масалан, муаллиф, инвентар номери, яратилиши вақти, тавсифдаги бирон-бир сўз ёки гап бўйича маълумот олиш мумкин, сўров бўйича олинадиган маълумотлар матнли ҳам график шаклда бўлиши мумкин. Техникавий ўзгарувчан жараён ва кенгаяётган дунёқараш жамиятда ўзига хос янгиликлар яратишга мажбур қилмоқда. Билимлар доирасининг кенгайиши ва техникавий тараққиётга интилиш музей фондларини тузиш ва сақлашда инновацион

⁶⁵Тельчаров А.Д. Основы музейного дела. // «Омега-Л» - М., 2005. – Б.185.

янгиликлар яратишга эътибор кучайди. Музейшунос Бенедетто Крочини фикрича: “Музей интеллектуал салоҳият тузилмасига амал қилмайди, балки лаҳзалик эътиборни умумлаштиради, холос”⁶⁶. Вақт янги қонунларни талаб қилади. Шу ўринда ҳар бир музей ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, фондларда замонавий сақлаш технологиялари ва намоиш қилиш усулларининг энг яхшиларидан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Автоматлаштирилган маълумотлар тизимлари (АМТ) Россия музейларида 1990 йилнинг охирларида пайдо бўла бошлади. Ҳозирга вақтда кўплаб музейлар бу каби тизимлардан фойдаланмоқдалар ёки унга эга бўлишга интилоқдалар. Ҳозирги кунда автоматлаштирилган маълумотлар тизимларига эга бўлишига асос уйғутувчи сабаблари: бир томондан, ҳамкасабаларнинг бу йўлда эришаётган тажриба ва ютуқлари бўлса, иккинчи томондан, кундан-кунга жуда кенг миқёсда инсон фаолиятининг ҳар хил йўналишларига кириб келаётган компьютерлар технологиясидир.

Шу билан бир вақтда, бу янги технология музейдаги фонд сақлови ва турли тўпламларни одатдаги усуллар билан тарқатишдан янги усулга ўтиши натижасида ўз сифатини ўзгартиради. Яъни қоғозли картотекалар, китоблар, музей ходимларининг “онги” каби маълумотларни электрон турда, яъни маълумотлар базаси тарзида узатиш тизимини яратди.

Музейларда фондлар улар борасидаги автоматлаштирилган маълумотлар тизимлари муваффақиятли ривожланиши учун фақат маълум бир қоидаларга амал қилган ҳолда амалга оширилади⁶⁷.

Ҳужжатларни доимий равишда ҳисобга олиб бориш жараёнида музей буюмларининг рўйхати юзага келади, бу эса ўз навбатида маълумотлар базасининг асосини ташкил қилади.

Автоматлаштирилган маълумотлар тизимлари фақатгина фонд ҳужжатларини ҳисобга олиш бўлими масаласи билан шуғулланмасдан, шу билан бир қаторда музейдаги барча ходимлар муаммосига ҳам йўналтирилган бўлиши керак, яъни муҳофизлар, таъмирловчилар, илмий ходимлар ва бошқалар⁶⁸.

⁶⁶Кроче Б. Краткое изложения эстетики // Анотация сочинения по философии- СПб: Пневма,1999. – С. 401.

⁶⁷Кравцова М. Музейное обострение. //Арт хроника №10. 2009. – С.27

⁶⁸Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А. – Москва: ВК, 2003. – С. 11.

Улар ўзларининг фондларда ташкил этган кундалик хизмат жараёнларида хилма-хил музейга оид ҳужжатларни юзага келтирадилар. Яъни илмий паспорт, топографик ифода, намоиш этиш тавсифномаси, каталоглар, хилма-хил рўйхатлар ва бошқалар.

Бу исботсиз хулосада автоматлаштирилган тизимга, биринчи томондан, маълумотларни интерфреска (тасвир ва матн уйғунлиги) усулида киритиш қулайлигининг ниҳоятда кескин талаби бўлса, иккинчи томондан эса, киритишнинг хилма-хиллигидир. Музей фонди тўғрисидаги умумий маълумотлар базасининг киритилиши натижасида маълумотлар тизимидан фойдаланиш доираси кенгайиб боради. Маълум бир юқори даражадаги ҳажмга етгандан сўнг талабларни ишлаш функцияси (мажбурияти) маълумотлар базасини қидириш натижалари бўйича – сифатли эффектив ишлашни бошлайди.

Автоматлаштирилган маълумотлар тизимлари мукамал маълумотлар тизими бўлиши учун фақатгина музейдаги буюмларнинг фонди билан чекланмасдан, воқеалар иштирокчилари, ташкилотчилари ва улар билан алоқадор бўлган тадқиқотчилар, буюмларнинг дастлабки эгалари, тарихий воқеалар, намоишлар ва бошқаларни ҳам қамраб олиши ҳам инобатга олинади.

Мана шу ўзаро хилма-хил боғланишлар тавсифининг маълумотлар базасида тўпланиши, ҳозирги кунда замонавий деб аталаётган сўз бирикмаси “билим базасини” ташкил қилади. Музейдаги фондлар тўғрисидаги маълумотлар ҳажми маълум бир юқори даражага етгандан сўнг, қидиришнинг шунчаки янги имкониятлари туғилади, яъни музей ходимларининг изланишлар олиб бориши, маълумотлар тизими орқали бажариш билан бир вақтда, муҳофизларни музей ашёларини беҳудага тегмаслик шароитини юзага келтиради.

Бу “бириктиришларнинг” асосий шarti – музей буюмларининг тавсифининг яратилиши, ниҳоятда ишончли ва мукамал бўлмоғи лозим. Шу билан бир вақтда, ниҳоятда юқори сифатли тасвирга эга бўлиш ҳам муҳим ҳисобланади. Бунинг натижасида, предметнинг умумий тавсифи аниқлиги ва батафсиллиги юзага келади.

Агар музейлар электрон ҳужжатлаштириш ва рақамли тасвир услубларидан фойдаланиб, ўз коллекцияларини информатив таъминлаш услубини яратсалар, бу

уларга халқаро интернет тармоғида ўзларини таништириш имкониятини яратади. Техник воситалар ва амалий кўникма натижалари умумлашмаси орқали реал вақт режаси асосида музей ички ахборот тизими модулини Интернетнинг алоҳида тизимларида тарғиб этиш кенг омма эътиборини жалб этишида ёрдам беради. Бундан ташқари, потенциал интернет тизимидан фойдаланувчилар фикри жамланган ҳолда, уларнинг қизиқишлари асосида янги интернет ресурс базаларини яратиш мумкин. Шунингдек, бу тармоқларда тасвир ва матн уйғунлиги орқали томошабинлар мавзуга хос контекстуал ахборот тизими билан танишадилар. Музейлар Web–каталогининг яратилиши эса мавжуд бошқа музейлар билан мақсадли ҳамкорлик қилиш имконини беради. Масалан, ўзаро биргаликда Web–сайтлар ва миллий каталоглар тузиш. Ҳозирги кунда мавжуд Web–сайтлар орқали турли музейларга қаратилган аналогик қизиқишларни ва Web тизимидаги фойдали ахборотларни ҳамда янгича каталоглаш, фотофиксациялаш услубларини ўрганиш мумкин⁶⁹.

Ўзбекистонда музей ишини информатизациялаш мустақиллик йилларида шакллана бошлади. Ҳар бир музей ўз қарашларидан келиб чиққан ҳолда, мультимедиа лойиҳаларини ишлаб чиқмоқда. Янги мультимедиа технологияларининг ишлаб чиқиши томошабинлар ва музей ходимлари учун кенг имкониятлар яратади. Кўплаб музей мутахассисларининг фикрича, музей экспозициясига одатда чегараланган предметлар мажмуаси қўйилиб, қолган қисми эса фондларда қолиб кетади. Музей предметларини тўлалигича рақамли кўринишга ўтказиш, уларни диққат билан кузатиш ва фондларнинг сақлов режимини ўрганиш борасида енгилликлар яради. Бу муаммолар борасида бир қанча ечимлар ишлаб чиқилган. Булар орасида энг кўп қўлланиладиган услуб бу - интернет сайтларида электрон нашрларни жорий этиш ҳисобланади. Электрон нашрлар китоб нашрларидан чегараланмаган матн, иллюстратив материал ва бир қанча хорижий тилларни умумлаштирган маълумотлар музейлар қандай қизиқарли фонд тўпламларига эга эканлиги ҳақида маълумот беради. Бундан ташқари, интернетнинг тез қидирув тизими жараёнларини моделировка қилиш доирасида вақт ҳамда ҳаракат бирлигини уйғунлаштирган ҳолда технологик виртуал ҳаққонийликни акс эттиради. Айнан шу кўрсатмалар асоси-

⁶⁹Робертс Э. Учет и документация. Управление музеем: Практическое руководство. ИКОМ 2004. С. 32

да мультимедиа тасвир ва ашёларни ҳажмий жойлаштириш ва кўриш ечимларини ҳам беради. Музей ва кўргазмаларда виртуал панорама ва виртуал экспозициялар яратиш, йўқотилган экспонатларни моделировка қилиш ёки реконструкция қилиш имконини беради. Томошабин фақатгина экскурсияни тинглабгина қолмай, экспонатни синчиклаб ўрганиши ҳам мумкин. Санъат ва тарих музейларида шу услубни қўллаш яхши натижаларни бермоқда. Виртуал технология томошабинга музей экспозициялари билан сиртдан танишиш имконини ҳам яратади.

Лондон музейидаги информацион ресурслар бўлимини бошқарган, ҳужжатлаштириш бўйича Халқаро комитетнинг (ИКОМ – CIDOC) фаол аъзоси Эндрю Робертс музей ҳужжатлари устида ўттиз йиллик изланишлар олиб борган. Унинг мазкур соҳада ишлаб чиққан стандартлари ва тизимлари кўплаб музейлар фаолиятида қўлланилиб келинмоқда. Эндрю Робертс ўзининг “Ҳисобга олиш ва ҳужжатлаштириш”⁷⁰ мақоласида изланишлари самарасини аниқ кўрсатмалар билан баён этган. Унинг фикрига кўра, коллекция таркибига кирган ҳар бир экспонат ҳақида музей ҳужжатлаштирилган ёзувлар олиб бориши ва экспонатдан фойдаланиш ёки изланишлар даражасида мазкур ёзувларни давом эттириб туриш лозим. Маълум бир қабул қилинган қоидаларга асосланган каталоглаштириш тизимини стандартларига мос келувчи жадвалнинг мавжудлиги экспонатнинг ҳаракати ва сақланиш ҳолатини белгилаб туришга имкон яратади. Эндрю Робертс мақолада барча турдаги музейларни ҳужжатлаштириш ва ҳисобга олиш тизимини мустаҳкамловчи жадвални тақдим этади. Унда тавсия этилган методик кўрсатмалардан фойдаланиш натижасида ҳар бир музей (ҳоҳ у бадий, тарихий ёки табиий-илмий музей бўлсин) коллекциялари ва фаолияти хусусиятига кўра экспонатларни каталоглаштириш ва паспортини яратиш имкониятига эга. Хусусан, музей экспонатларини инвентаризациялаштириш ва каталог тизимини яратиш бўйича ўзининг ички инструкциялари асосида янги жадвални ишлаб чиқиши музей иши фаолиятида самарали натижаларни беради. Чунки, муаллиф тавсия этаётган жадвалдаги экспонатнинг сифатларини белгиловчи 50 та асосий хусусиятлар бешта лойиҳада ишлаб чиқилган ғояга асосланган бўлиб, дунёнинг кўплаб музейларида амалга оширилган. Шунингдек, мазкур жадвалнинг

⁷⁰Робертс Э. Учет и документация. Управление музеем: Практическое руководство. ИКОМ 2004. – С. 31-51

умумий ёндашуви ИКОМнинг ҳужжатлаштириш бўйича Халқаро комитетининг методик қўлланмаларига асосланади.

Юқорида сўз юритилган мустаҳкам ва синалган малакалардан фойдаланиб, музей фаолиятини ва ҳужжатлаштириш ишларини мукаммаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонунининг 2-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 68-сонли қарори 3-иловасига асосан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги “SKM muzey” дастурини ишлаб чиқиш учун бюджет маблағларидан 50 миллион сўм маблағ ажратди. Мазкур маблағлар ҳисобига вазирликнинг Сертификация ва компьютерлаштириш маркази томонидан “SKM muzey” ишлаб чиқилиб, 2011 йилнинг 16 майида УзАСИ томонидан С 00249-сон билан рўйхатга олинган ҳамда махсус сертификат гувоҳномаси берилган⁷¹.

Автоматлаштирилган “SKM- muzey” дастури республика музейлари ашёларининг Миллий музей фондининг ягона электрон каталоги электрон каталогига кириши ва рўйхатдан ўтказиш учун мўлжалланган.

Ушбу дастурни яратиш жараёнида ишчи гуруҳ томонидан музейлар фондидаги экспонатлар ҳаракатини назоратга олиш, ягона базани шакллантириш борасидага жаҳон тажрибаси ўрганиб чиқилган. Жумладан, Россия, АҚШ ва Европа мамлакатлари етакчи музейларининг «Камис», «Museolog» ва бошқа дастурлари таҳлил қилинган.

Давлат каталоги Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан юритилади ҳамда электрон ва босма маълумотлар базаси кўринишида шакллантирилиши режалаштирилган.

Мазкур дастур мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча турдаги музейларда сақланаётган ҳар бир музей ашёси ва музей коллекцияси тўғрисида асосий маълумотлар манбаи – Миллий музей фондининг ягона электрон каталогини юртишига мўлжалланган.

⁷¹ Республика “Ўзбекмузей” жамғармасининг 2011 йилдаги ҳисоботи.

Дастур интерфейси қуйидаги 9 та катта бўлим:

Археология фонди

Нумизматика фонди

Этнография ва амалий санъат фонди

Қурол-аслаҳа фонди

Тасвирий санъат фонди

Ҳужжатлар, китоблар фонди

Кино, фото-ҳужжатлар, слайдлар, негативлар фонди

Табиий-илмий ашёлар фонди

Техника ва транспорт фондини ташкил этган.

Давлат каталогини яратиш жараёни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган музейларига тоифа бериш, музейларда сақланаётган музей ашёлари ва музей коллекцияларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва музей ходимларининг малакасини ошириш тадбирларини ўз ичига олади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан 2011 йил 21 декабрда мазкур дастурни барча музейларга текин ўрнатиш борасида хат чиқарилди.

Мазкур хатга асосан Ўзбекистон амалий санъат музейи томонидан 2011 йил 21 декабрда “Ўзбекистон амалий санъат музейи фондининг электрон каталогини яратиш тўғрисида”ги И 39-сонли буйруғи қабул қилиниб, ишчи гуруҳ тузилган.

Ишчи гуруҳ Ўзбекистон амалий санъат музейи фондининг электрон шаклини Миллий музей фондининг ягона электрон каталоги “SKM muzey” дастурига кириши учун бир йил давомида фаолият юритади. 2012 йилнинг декабр ойига келиб музей фондидаги жами 7505 та экспонатлар дастурга киритиб бўлинади. Дастурга киритилган экспонатларнинг 6548 таси олдин мавжуд бўлган негативлари асосида оқ-қора рангда, 151 таси эса рангли расмга олинади ва маълумотлари билан “SKM- muzey” дастурига жойлаштирилади. Гарчи музей томонидан барча экспонатлар дастурга киритиб бўлинган бўлса-да, мазкур иш тўлалигича ўз якунига етмаган деб ҳисоблаймиз. Жумладан, олдиндан мавжуд негативлари асосида

киритилган 6548 та ашёларни замонавий рангли суратларини олиш ва дастурга қўшимча тарзда киритиш лозим. Мазкур ишни амалга ошириш тахминан бир йилга тенг вақтни талаб этади⁷².

Биргина Ўзбекистон амалий санъати музейининг 7 мингдан иборат фондида мазкур дастурни амалиётга жорий этиш борасида юзага келган муаммоларни кўриб чиқиб, фондини 100 мингдан зиёд ашёлар ташкил этадиган музейларда юзага келган муаммоларни тасаввур қилиш мумкин. Буни дастур ўрнатилгандан кейин бир йил давомида Музейлар бошқармасига республикамиздаги давлат музейларидан келган хатлар билан танишиб, энг кўп кўрсатилган камчилар ажратиб олинди:



1. Музейлар томонидан дастур учун **маблағ тўланган бўлсада «SKM-MUZEY ГИД»** дастури ўрнатилмаган.

2. “SKM- muzey” тизимининг биринчи дастури ўрнатилган бўлса-да, музей талабларига тўла жавоб бермайди.

3. Дастурнинг излаш тизими(«поиск») функцияси ишламайди, керакли маълумотларни ўз вақтида олиб бермайди.

4. Нашр қилишнинг имкони йўқ.

⁷²Ўзбекистон амалий санъат музейининг 2012 йил ҳисоботи. – Б. 20.


5. Нусха кўчириш ва фотоларнинг сақлаш, маълумотларни кўчириш имконини бермайди.
6. Ўлчамларни критишда градациялар йўқлиги.
7. Пробалаш палатасидан ўтган, ўз таркибида қимматбаҳо металллар бўлган буюмларнинг оғирлигида ўн ва юзлик улушлари вергул орқали берилмаган.
8. Тарихий саналар тўла берилмаган.
9. “Открыткилар”, «Фотопластинка», «Хазиналар», «Қоғоз пуллар», Оссуарийлар», «Нишонлар» бўлими мавжуд эмас.
10. Фотосуратларда параметрлар мавжуд эмас.
11. Кўплаб рақамларни хотирасига олиб қолишда қийинчиликлар мавжуд.
12. SKM дастурида ишловчилар учун алоҳида логин ва пароль ўрнатиб беришнинг иложи йўқ.
13. Программа мураккаб тузилган бўлиб уни ўрнатишда муаммолар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт вазирлигининг 2010 йил 5 октябрдаги 893-сон буйруғи билан тасдиқланган “Миллий музей фонди тўғрисида”ги Йўриқномага мувофиқ таркиби бутунлай қимматбаҳо металл ва тошлардан иборат бўлган музей ашёлари ва музей коллекцияларини инвентарь китобнинг “Буюмнинг материали” катагида шу буюм ясалган металл ва тошларнинг номи кўрсатилади. “Буюмнинг ҳажми ва оғирлиги” катагида эса шу буюмнинг бўйи, эни, чуқурлиги (агар буюм юмалоқ бўлса, унинг диаметри) 1 миллиметргача аниқлик билан кўрсатилиши керак. Қимматбаҳо металлдан ясалган музей ашёлари ва музей коллекцияларининг вазни 100 граммгача бўлганда 0,01 граммгача аниқлик билан, 100 граммдан юқори бўлса 0,1 граммгача аниқлик билан ўлчаниши белгиланган.

Қимматбаҳо тошларни ўлчашда 0,01 каратгача аниқликда ўлчаш шарт. Яхлит йирик буюмлар (қуроллар, қадахдар, қутичалар, камарлар ва бошқалар) улар тор-

тилган тарозининг имконияти даражасида аниқликда ўлчанади ва ўлчанган тарози русуми махсус эслатиб ўтилиши таъкидланган⁷³.

Мазкур Йўриқноманинг амалиётга жорий этилиши муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Давлат тили тўғрисидаги қонунга асосан музей ашёлари ва музей коллекцияларини рўйхатга олиш ва илмий рўйхатлаш ишларининг барча ҳужжатлари белгиланган тартибда олиб борилади. Музей раҳбарияти, юқори ташкилот органлари бу иш учун зарур бўлган ўзбек тилида чоп этилган ҳужжат ва китоблар билан таъминлаши, зарур ҳолларда таржимонлар ва тилшуносларни бу ишга жалб этиши зарур.



2019 йил 28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ва Google Arts & Culture ўртасида Ўзбекистон музей коллекцияларининг он-лайн каталогини жойлаштириш тўғрисида келишув имзолаганлиги ҳақида жамғарманинг расмий сайтида маълумот эълон қилинди⁷⁴. Жамғарма Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб Google Arts&Culture платформасининг ҳамкори бўлди. Ўзбекистон музейлари коллекция-

ларининг Google Arts&Cultureда жойлаштирилиши жаҳонда маданий меросимизни тарғиб қилиш имконини яратади. Энди дунёнинг исталган нуқтасидан бўлган виртуал ташрифчилар тақдим этилган экспонатларни томоша қилиш имкониятига эга бўладилар.

Google Arts&Culture – жаҳоннинг 70 та мамлакатларидаги 1200 та музейлар, галереялар ва бошқа ташкилотлар экспонатларининг коллекцияси жойлашган он-лайн платформадир. Google Arts&Culture сервиси дунё кўргазмаларига ташриф буюриш ва тадқиқотчилар учун санъат асарларини майда деталларигача ўрганиш имконини беради. Шунингдек, бу ерда жаҳон маданияти ва санъати бўйича тарихий маълумотлар ва даврий нашрлар, фотосуратлар, видеороликлар, қўлёзмалар, шаҳарлар ва архитектура ёдгорликлари ҳамда табиат ажойиботлари бўйлаб экскурсиялар тақдим этилган⁷⁵.

2020 йил 17 январиди Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси Ўзбекистон давлат санъат музейи, Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи, Ойбек уй-музейи ва И.В. Савицкий номидаги давлат санъат музейида синов тариқасида Museum Plus электрон каталог тизимини жорий қилди.

Электрон каталогизация икки босқичда жорий этилади. Биринчи босқич фақат музей ходимлари учун мўлжалланган ички электрон каталог тизимидир. Ушбу электрон каталог музейнинг ички ҳисоботларини бошқаришга ва махсус программа орқали музей экспонатлари бўйича ҳужжатлар тузишга ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси Миллий музей фондининг электрон каталог тизимини жорий этиш Museum Plus дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилади.

Тўғри йўл қўйилган ҳисобга олиш ва ҳужжатлаштириш тизими коллекцияларнинг хавфсизлигини, сақланиш ҳолатининг давомийлигини таъминлашни, уни бошқаришда, оммага намойиш этишда енгиллик туғдириши ва илмий изланишларга замин ясаши мумкин.

Музей фондларини сақлаш ва комплектлаш музейлар ишида асосий муам-

⁷³Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2010 йил 05 октябрдаги №893-сон буйруғига 1-илова.

⁷⁴Ўзбекистон музейларининг коллекциялари Google Arts&Cultureда <https://acdf.uz/uz/news/kollekcii-muzeev-uzbekistana-na-google-arts-culture>

⁷⁵Ўзбекистон музейларининг коллекциялари Google Arts&Cultureда <https://acdf.uz/uz/news/kollekcii-muzeev-uzbekistana-na-google-arts-culture>

молардан бўлиб, бу борада экспонатларнинг табиий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни эскириш жараёнини минимум ҳолатга келтириш муҳим саналади. Бунинг учун иқлим шароитини мўътадиллаштириш, музей тўпламларини ката-логлаштириш, автоматлаштирилган маълумотлар тизимини яратиш, мультимедиа лойиҳаларини ишлаб чиқиш орқали музей ашёларини рақамли кўринишга ўтказиш, музей ишида электрон нашрларни жорий этиш ва бошқалар орқали Давлат каталогини шакллантириш ва юритиш, энг муҳими янги технологияларни фондларни сақлаш тартибида қўллаш муҳим саналади.

Мамлакатимизнинг бой тарихи, бугунги ютуқларини дунё жамоатчилигига танитиш, музейларда сақланаётган ноёб экспонатларни жаҳон миқёсида тарғиб этиш мақсадида ўзбек халқининг бой маданий мероси, унинг инсоният тарихидаги ўрни, тараққиёт босқичларини ҳаққоний акс эттириш ҳамда замонавий ривожланиш истиқболларини чуқур ўрганиб, миллий мустақиллик ғояларига мос экспозициялар яратилишига мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ катта эътибор қаратилди.

Экспозиция – ҳар қандай музейнинг юзи саналади. У музейнинг алоҳида маданият муассасаси эканини аниқлаб беради. У ерда “мозийнинг жонли гувоҳлари” жойлашган бўлиб, алоҳида маъно касб этувчи матнни ўзида намоён этади, унда музей “буюмлар – белгилар – ҳарфлар” орқали илгари яшаб ўтган, шу билан бирга экспозиция муаллифларининг мулоҳазалари, ғоялари, фикрлари талқин этилади.

“Экспозиция” латинча “*expositio*” сўзидан олинган бўлиб, “*expono*” томоша учун кўрсатмоқ, териб қўйиш, “*sitio*” рўйхатга олиш, баён этиш маъноларини англатади. Экспозиция деб томоша қилиш учун жойлаштирилган барча предметларга айтиш мумкин. Лекин, музей экспозицияси ўзига хос хусусиятга эга. Унинг асосини турли хил предметлар эмас, балки аниқ белгилар ва хусусиятларга эга бўлган музей предметлари ташкил этади. Экспозицияда улар янги ҳуқуқий ҳолат – экспонатларга айланишади⁷⁶.

XX асрнинг 80-90 йиллари охирида музейларни ишончсизлик билан музей назариясига қўшиб юборганлар ва бу муносабатга ҳозиргача барҳам берилгани йўқ.

⁷⁶ Юренева Т. Ю. Музееведение. – М.: Академпроект, 2003. – С. 232.

Кўплаб музейлар ҳалигача методик кўрсатмаларга муҳтож. Бундай “удум” 1930 йиллардан буён давом этиб келмоқда. Мазкур даврда музейларга юқоридан йўриқ-номалар тушириларди, уларда ҳамма нарса ёзиб қўйиларди: экспозиция қанақа бўлиши керак, қайси деворга осилиши лозим ва ҳакозо. Бунда рассомнинг вазифаси оддийгина ҳунармандчилик ишидан фарқ қилмас: этикетка ёзиш, экспонатларни осиб чиқишдан иборат бўларди. Бунда экспозиция бир хилликни намоён этар, музейлар ҳам, шунга кўникиб қолганди.

Бу билан фақат уларни айиблаб бўлмайди. Бугунги кунда музейлар методик кўрсатмаларга мувофиқ ишлашни хоҳламайдилар ҳам, ишлай олмайдилар ҳам. Боз устига, бундай кўрсатмаларни бугун ҳеч ким бера олмайди. Бугунги кунда фақат ўз ишига ижодий, индивидуал ёндашувгина замонавий музей фаолиятида муваффақият гарови бўлиб хизмат қилиши мумкин⁷⁷.



Замонавий тасаввурларга қўшилган ҳолда музей экспозицияси – бу мақсадга йўналтирилган ва илмий асосланган музей экспонатларининг намоёйиши бўлиб, улар композицион ташкил этилиб, шарҳлар билан таъминланган, техник ва бадиий жиҳозланиб, ўзига хос хусусиятини яратувчи умумий музейнинг ижтимоий кўринишдир⁷⁸.

⁷⁷ Каулен М. Теория и практика. Движение навстречу. // Мир музея. 2006. № 12. – С. 2-5.

⁷⁸ Юренева Т.Ю. Музееведение. – М.: Академпроект, 2003. – С. 234.

Экспозиция ишида янги ёндашувларнинг пайдо бўлиши кўп жиҳатдан ижтимоий-маданий ўзгаришлар билан шарт қилиб қўйилган. Аста-секин музейлар олди-га ўз экспозицияларини кўримли ва мазмунли қилиб жойлаштириш вазифаси қўйилган. Экспонатга ҳиссий таассурот манбаси сифатида муносабатда бўлиш музей тўпламлари намойишининг бутун тизимини қайта кўриб чиқиш ва тубдан ўзгартиришга мажбур этди. Натижада музей иши тарихида экспозицияни бадиий лойиҳалаштириш пайдо бўлди.

Музей рассомининг вазифаси экспонатларни шунчаки териб қўйиш ва деворга осишдан иборат бўлмай, унинг негизида экспозиция мазмунидаги бадиий талқин ётади. Бошқача айтганда, музей рассомининг вазифаси экспозиция илмий мазмунини оғзаки тилдан рамзий тилга ўтказишдан иборат. Унинг иши театр режиссёри ижодига ўхшайди: ўз касбий фаолиятида уларнинг ҳар иккови ҳам мавзуй тузилма ёки адабий асарнинг муайян мазмуни билан бирлаштириб юборилган. Бироқ экспозиция ёки спектаклнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги кўп жиҳатдан айнан уларнинг маҳорати ва укувига боғлиқ.



Музей рассомининг “режиссёр” сифатидаги ролини янгича тушуниш шун-

да кўринадикки, музей экспозицияси ўзига яраша бир спектакл даражасида намоён бўлиб қолди. Унда музей бадиий тилининг ўзига хос воситаларидан фойдаланадилар. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш ҳаддан ташқари қийин, зеро, “экспозиция санъати” атамаси бежиз юзага келган эмас, бу экспозиция тўғрисида санъат жанрининг алоҳида ижодий асари сифатидаги тасаввурдир. Мутахассислар фикрича, меъморий-бадиий ечимлар санъати ҳам тасвирий, ҳам ифодавий санъатлар сирасига киради. Кенглик санъати - рангтасвир, графика, ҳайкалтарошликка хос ранг-баранг бадиий ва техник воситаларгина эмас, балки драматургия унсурлари ҳам унинг бисотига киради. Санъатнинг хилма-хил турлари ва техник воситаларини яхлит бус-бутунликка узвий бирлаштирар экан, музей экспозицияларининг бадиий лойиҳаси экспозицион ва кўргазма дизайни деган янги тушунчаларни келтириб чиқаради.

Улар сирасида экспозицион камарнинг самараси баландлиги, витриналарнинг унга қўйилган экспонатларни томоша қилиш учун энг қулай эгилиш бурчаги, бир вақтнинг ўзида ва бир жойдан киши кўзига ташланиб турувчи ашёлар микдори, кишилар экспозиция залларида бир ярим-икки соат бўлганида ўзлаштириб олиши мумкин бўлган ахборот ҳажми сингари муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлар мавжуд. Экспозиция мажмуасининг ранг ва ёруғлик ечими ҳам муҳим роль ўйнайди. Рассом шу нарсага интилиши керакки, турли йўллар билан ташриф буюрувчи эътиборини бир жойга жамлай олсин ва ундаги қизиқишни томошанинг охиригача тутуб турсин, “музейнинг ўзига хос” толиқиш ва ҳиссий зўриқишни вақтида йўқота олсин⁷⁹.

Экспозиция динамикасини яратиш юзасидан ишланишлар музей ашёларини сюжет асосида жойлаштириш бўлиб, “буюмлардан ҳикоялар” намойиш этилади. Музейларда “бурчаклар” ва давр муҳитини қайта гавдалантирувчи тематик мажмуалар пайдо бўлганки, улар моҳирона “музей режиссураси” билан уйғунлашиб,

⁷⁹Модернизация музейных экспозиций: Методические рекомендации. –М., 1989. – С. 56-57.



ўзига хос музей манзарасига бирлаштирилган. Бунга Ўзбекистон Давлат санъат музейининг “Японча чой маросими” (2002 йил) кўргазмаси мисол бўла олади. Ташриф буюрувчи Япониянинг ўтмиш даври муҳитига маҳлиё бўлиб, унга чой маросими қоидалари билан танишиш ва унда иштирок этиш имконияти тақдим этилган.



Сўнгги йилларда музей экспозицияси санъати ижоднинг мустақил тури сифатида узил-кесил қарор топди – бу илмий ходим ва рассом-экспозициячининг бунёдкорона иттифоқи натижасидир, унда гоҳо сценариячи ҳам иштирок этади. Сценария экспозицияни лойиҳалашнинг босқичларидан бири ҳисобланади. Бугунги

кунда “сценария” атамасининг муайян таърифи йўқ; унда “режиссер-рассом учун пьеса”, “экспозицияни идрок этиш сюжети” кўрилади. Сценарияни музей ходимларининг ўзлари ёзишади ёки бунинг учун мутахассис адабиётчи таклиф этилади. Сценариячи экспозиция мавзуси, экспозиция рамзларини очиб бериш “драматургия”сини ишлаб чиқади. Баъзан сценария ёрдамида мавзуий тузилма ёки мавзуий-экспозиция режасини алмаштирадilar.

Экспозицияни тузиш учун маданий ареал, марказ ва чет жойлар, маданий фокус, диффузия, миграция сингари дастлабки тушунчалар муҳим. Улардан фойдаланиш ниҳоятда маҳсулдор, чунки улар азалдан жамланган ашёлар таснифи учун ишлаб чиқилган. Маданий-тарихий жараёнлар механизмларини очиб беришга мўлжалланган бу атамалар бир вақтнинг ўзида уларни бир бутунликда кўриб чиқар экан, экспозиция ички тузилмасини вужудга келтиради⁸⁰.



Замонавий музей санъат асарларини идрок этиш чоғида ўхшашлик ёки ўхшамаслик бўйича қиёснинг аҳамиятини ашёлар ва бадиий полотноларни осиш чоғида қиёслаш ташриф буюрувчига фавқулодда самарали бўлади. Кўзда тутилган мақсадларга боғлиқ равишда экспозицияда фарқни кучайтириш ёки зиддиятни юмшатиш

⁸⁰Лысикова О.В. Музеи мира. – М.: Флинта:Наука, 2004. – С. 15.

мумкин. Шу нарса ғоят муҳимки, тарихий тамойил бўйича тузилган экспозиция ичида жанри, мактаби, мавзуи бўйича ўхшаш ўзига хос майдонлар ташкил этилади. Бу турли бадиий ечимлар, ёндашувлар, талқинларни қиёслашга ва бу билан ашёларни фактологикдан кўра кўпроқ эстетик жиҳатдан идрок этишга имкон беради. Анъанавий тадрижий тамойил мавзу ва услуб жиҳатдан ишлаб чиқилади. Масалан, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида анъаналар ва замонавийликда ўзбек санъати ривожланишининг илк ва сўнгги давлари усталари қиёс қилинади. Галерея санъат чўққиларидан кўра уларга чиқиш йўлларини намоиш этади.

Музей экспозицияси санъатида ечилмаган ва ҳатто баҳсли муаммолар ҳали жуда кўп. Назарий жиҳатдан музей қиёфасини яратиш воситалари, музейнинг томошабоплиги хусусияти, экспозицияларнинг жанр хусусиятлари ёки санъатда “жанр қонунлари” деб аталган нарсалар етарли даражада ишаб чиқилмаган. Бадиий лойиҳалаш методикаси кўплаб масалаларни ҳар тарафлама фикрлаш ва умумлаштиришни талаб этади. Шу боис, умуман, музей иши каби музей экспозицияси санъати ижодий тажрибага муҳтож, шу орқали у қолиплар ва бирхилликлардан ҳимоя қилиниши мумкин.

Бугунги кунда замонавий экспозиция терминлари қатори “виртуал экспозиция” сўз бирикмаси ҳам қўшилишга улгурди. 1977 йилда Массачусет технологик институтида “Aspen Movie Map” – биринчи виртуал воқелик системаси яратилди. Шу вақтдан бошлаб газета ва илмий адабиётларда “виртуал музей” сўз бирикмаси пайдо бўлди. “Virtual” дастлаб “virtus” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “тасаввур” деган маънони англатади.

Виртуал музей – бу музей қонунлари асосида лойиҳалаштирилган маконда музей ашёларининг жойлаштирилишидир. Мисол учун Интернет тармоғи орқали виртуал музей ичига кирганингизда экспозицияни ва экспонатларни турли нуқталардан томоша қилиш мумкин.

Яна бошқа кўринишда бу ҳақиқий музейда музей ашёлари мониторларга электрон тасвири жойлаштирилади. Бунда мультимедиа воситаси намоиш этилаётган объектнинг бир қисмига айланади. Шундай усул Овердаги Ван Гог музейида амалга оширилган бўлиб, у ерда рассомнинг асарлари ўрнига мониторлар ўр-

натилиб, мониторларда рассомнинг ҳаракатдаги яъни жонлантирилган асарларини кўриш мумкин.



Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида бўлиб ўтган “Сукунат” номли кўргазмаси (2010 йил) ҳам айнан шу усулда амалга оширилган⁸¹.

Музейида виртуал экспозиция “ашё ва жараён” усулида, кулолчилик буюмлари билан бир қаторда кўргазма залига монитор ўрнатилиб унда кулолнинг иш жараёни намоиш этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яна П.Флоренскийнинг “Жонли музей концепцияси” асосида экспозицияни “вақт машинаси”га айлантириш мумкин. Яъни, ташриф буюрувчига ҳар бир музей ашёсини томоша қилиш орқали ҳаёлан тарихга сайёҳат қилишга ёки бирон-бир буюмнинг яратилишида иштирок этиш имконини яратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-1516-сон қарорида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ижросини тўминлаш тўғрисида”ги 2011 йил 11 майдаги №07/1-250 баёни билан тасдиқланган “Мустақиллик экспозицияси” концепцияси “Ўзбекмузей” жамғарма мутахассислари томонидан ишлаб чиқилди ҳамда вазирлик тасарруфидаги барча музейларда концепция асосида реэкспозициялар ўтказилди.

Тадқиқот натижасида шу нарса маълум бўлдики, мустақиллигимизнинг

⁸¹ Silentium. Contemporary art / Составитель С.Назарова. – Т.:, 2010.

сўнгги ўн йиллигида бадий музейларимиз ҳаётида кўргазмаларнинг сони кўпайганлиги айниқса, Халқаро кўргазмаларнинг сони ортганлигини кузатишимиз мумкин.

2004-2005 йиллар давомида Австралиянинг Сидней шаҳридаги Пархауз музейида “Ёрқин ранглар: Ўрта Осиёнинг мато ва кулолчилик санъати” номли кўргазмада Ўзбекистон Амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи, Темурийлар тарихи Давлат музейи, И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи, Бухоро ва Самарқанд музей-қўриқхоналари тўпламлари билан иштирок этишди. Кўргазмада ўзбек халқининг маданий ҳаётини ўзида акс эттирувчи Ўзбекистоннинг кулолчилик марказлари ҳисобланган Риштон, Ғиждувон, Тошкент, Самарқанд, Хоразм ва Шаҳрисабз кулолчилик мактаблари, тўқимачилик, каштадўзлик, миллий либослар намоиш этилиб, Австралиянинг вақтли матбуотларида ушбу кўргазма кенг ёритилди.

2005 йил Япониянинг бешта йирик шаҳарларида “Буюк Ипак йўли ва унинг мероси” номли кўргазмада XIX-XX асрларда яратилган ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, каштадўзлик, зардўзлик, мисгарлик, кандакорлик, кулолчилик, заргарлик, гиламдўзлик ва мато тўқимачилиги каби 300 та ноёб халқ амалий санъати асарлари билан иштирок этилди. Ташриф буюрган ташриф буюрувчилар ва кўргазма ҳақида билдирилган фикрлар кўргазманинг муваффақиятли ўтганидан далолат беради.

2006 йил Санкт-Петербургнинг Антропология ва этнография музейида “Шарқ ҳақидаги орзулар” мавзусида рус авангарди кўргазмасида иштирок этилди.

2009 йилда Франциядаги Ўзбекистон элчихонасида “ДСМ тўпамидан рус ва ўзбек авангарди” кўргазмаси бўлиб ўтди.

2009-2010 йиллар давомида Жанубий Корея Миллий музейида “Цивилизация чорраҳасида. Ўзбекистоннинг қадимий маданияти” мавзусидаги археологик коллекция асосида ташкил этилган кўргазмада мувоффақиятли иштирок этдилар. Ушбу кўргазма ҳисоботи шаклида Жанубий Корея ҳукумати томонидан катта каталог нашр этилди⁸².

⁸²The crossroads of civilization: Ancient culture of Uzbekistan. – K.: National Museum of Korea, 2009. – 267 p.

Ўзбекистон Давлат санъат музейи, И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи ва Ўзбекистон маданияти ва тарихи музейи фондида сақланган XIX аср охири ва XX аср бошларида Шарқ мамлакатлари маиший ҳаётини тасвирлаган рус рассомларининг асарлари асосида “Ориентализм ёки Россиянинг номаълум Шарқи” мавзусида Голландиянинг Гронинген музейида 2010 йил декабрь ойидан 2011 йил май ойига қадар давом этган халқаро кўргазмада иштирок этишди.

Ўзбекистон Давлат санъат музейи тўпламидидаги энг машҳур асарлар қаторидан ўрин олган А.Н.Волковнинг “Туялар қўнғироғи жаранги (Звон верблюжьих колоколов)” (1917-1924), “Туялар карвони (Караван верблюдов)” битта ном билан иккита асар (1917), “Чойхона” (1920), А.В.Николаев (Усто Мўмин)нинг “Бедана жангининг ишқибози (Любитель перепелиных боёв)” (1928), Л.Л.Бурэнинг “Сабзавотлар қатори (Овощной ряд)” (1916) асарлари, Ўзбекистон маданияти ва тарихи музейи тўпамидан Л.Л.Бурэнинг “Шер-Дор” (1913) ва И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи тўпламидаги учта асар билан иштирок этдилар.

2.2-§. Ўзбекистонда музейшунос мутахассисларини тайёрлаш жараёнларининг долзарблиги

XX асрнинг 30-йилларида музей соҳасида олиб борилган қайта қуришлар аввалом бор бу соҳада ҳам малакали кадрларни тайёрлаш масаласи долзарблигини кўрсатган. Дастлаб, 1929 йилда Наркомстарис (Народный комитет старинных искусств) қарорига кўра Собик Иттифоқнинг марказий олий таълим муассасаларида 9 ойлик малака ошириш курслари ташкил этилган. 1932 йилда Санкт-Петербург ва Москва Давлат Университетларида музей-ўлкашунослик бўлимлари очилган. 1934 йил кузда Олий музей курслари очилиб, уларда кундузги ва сиртки бўлимлар доимий фаолият олиб борган. Ҳар йилги қабул 50 кишини ташкил этган. Жаъми таълим жараёни 2160 соатга мулжалланган бўлиб, 1-курсда ўлкашунослик музейини яратиш қоидалари; музей экспозициясини яратиш асослари; музей экспозициясини бадий лойиҳалаш масалалари; музейларда илмий тадқиқот ишлари; музейларда

маданий-маърифий ишлар ўтилган. 2-курсда музей иши тарихи; музей биносининг тузилиши ва жиҳозланиши; музей ашёларини консервацияси ва музейларда амалиёт ўталган.



1926-1936 йиллар давомида Собиқ Иттифоқ бўйича 150 та музейшунослар тайёрланиб, улар орасида Ўзбекистондан ҳам вакиллар бўлган. Бу эса ўз навбатида кадрлар етишмовчилиги муаммосини очиқ қолдирган. Шунинг учун 1936 йилда Ўзбекистонда САМИИР қошида қисқа муддатли курслар ташкил этилади ва биринчи қабул 25 кишидан иборат бўлган. Курсантлар ойига 50 рубль ҳисобида стипендия билан таъминланганлар. Бундай курслар 1938 йилдан Самарқанд Марказий Давлат музейида ҳам ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий архивидаги маълумотга кўра 1940 йилда республика бўйича 310 та музейшунос мутахассислар тайёрланган⁸³.

1932 йилда “Советский музей” журналида А.Мансуров томонидан айнан музей соҳасида мутахассисларни тайёрлаш жараёнига танқидий муносабат билдирган мақоласида ўз фикрини қуйидагича ифодалаган: “Музей-ўлкашунослик йўналиши-

га ўқишга кирган талабалар бу йўналишни битириб айнан қайси касб эгаси бўлиб чиқишларини аниқ билишмайди. Ҳаттоки бу соҳага ишончсизлик кайфиятида қарашмоқда. Чунки бугунги кунгача талабалар учун аниқ қайси фанларда дарс ўтилиши ишлаб чиқилмаган. Дарслар амалиёт билан умуман боғланмаган”⁸⁴. Бу даврда Америка ва Европа давлатларида ҳам бу соҳада кадрлар тайёрлаш масаласи долзарб лекин, мавҳум ҳолатда эди. Британия таълим тизимида ҳам 1960 йилларнинг охиридан то 1980-йилларга қадар музееология музей мутахассислари ўзлари мустақил иш ўрганишга мажбур эдилар. Контененлал Европада музееологияни алоҳида фан сифатида ёки бирор бир фаннинг бўлими сифатида эътироф этилиши кўплаб баҳс мунозараларга сабаб бўлган. 1930-1970 йиллар давомида Ўзбекистонда музей ишини ривожлантиришга катта хисса қўшган этнограф, археолог, санъатшунос ва музейшунослардан М.С.Андреев, Т.Миргиязов, Ш.Иногамов, М.Бикжанова, И.Сухарев М.Юсупов, М.Каплунова, С.Круковская, А.Хаитов, А.Морозова каби мутахассисларни санаб ўтиш мумкин.

Бу вақтда хорижда музейшуносликнинг назарий тараққий этиши натижа-сида турфа фикрлиликни келтириб чиқараётган бу соҳага оид билим ва моҳиятни умумлаштириш, концепция ишлаб чиқиш ва унификация қилишга эҳтиёж туғилди⁸⁵. ИКОМнинг VII Бош конференцияси (1965 йил) замонавий музейлар ишининг муҳим вазифаларини ҳал этиш мақсадида университетларда музейшунослик назарияси курсларини такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Бироқ, орадан 9 йил ўтиб 1974 йилда Копенгагенда бўлиб ўтган ИКОМнинг тўққизинчи бош конференцияси ишида музейшунослик замонавий ҳамжамиятнинг ижтимоий ва маданий ҳолати билан яқин алоқада эга эмаслиги ҳамда модернизация қилишга мужтож экани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ҳолбуки, 1970 йиллар бошида ЮНЕСКО ҳамда ИКОМ музей соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиши, шу жиҳатдан баъзи лойиҳалар устида иш бошлаш ташаббуси билан чиқилган бўлса ҳам. Мазкур лойиҳаларни бажариш, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш учун музейшунослик соҳасининг малакали мутахассисларини ягона мақсад сари бир-

⁸³Садыкова Н.С. Музейное дело в Узбекистане. – Т., «Фан», 1975. С. 121.

⁸⁴Мансуров А. Нужно организовать высшее заочное обучение для музейных работников // Советский музей. 1932. № 3. – С. 111-114.

⁸⁵Decarolis N. ICOFOM LAM 1990–2000 // Cahiers d'étude / Study series. 2000. Vol. 8. P. 14–15.



лаштириш лозим эди. ИКОМ қошида янги ихтисослашган идора - Музейшунослик бўйича Халқаро қўмитанинг ташкил этилиши шу жиҳатдан айни муддао эди. ИКОФОМнинг вужудга келиши ва дастлабки ўн йиллик фаолиятини Петер ван Меншнинг “Музейшунослик методикаси” диссертациясида таҳлил қилган (Загреб универститети, 1992 йил). Қўмитанинг жаҳон майдонидаги илк қадамлари ва фаолиятининг шаклланиши ҳақида ИКОФОМнинг ташкилотчиларидан бири, унинг фахрий президенти В. Софка ҳам ўз фикрларини билдирган⁸⁶. Труевцев 2012 йилдаги “Халқаро музейлар кенгашининг музейшунослик қўмитаси таълими ва фаолияти тарихи” диссертациясида эса ИКОФОМнинг

ташкил этилиши ва фаолиятига оид бир қанча тарихий манбалар ва маълумотлар келтирилади ва унга танқидий ёндашилади. Жумладан, иш моҳияти, шакли, услуги, шунингдек, музейшуносликнинг халқаро алоқалари борасида амалга оширилган ишлар салбий баҳоланади⁸⁷.

Музейшунослик соҳасининг асосий мутахассислигини ташкил этиш, соҳанинг маълум қирраларини такомиллаштиришда эҳтиёж талаб қилинган жиҳатларини шакллаштиришга киритилиши муҳим ўзгаришларидан бири эди. Жумладан, музей иши машғулоти орали, фонд муҳофизлари, музей педагоглари, менежер ва маркетинг, таъмирловчилар, илмий ходимларнинг кашф этилиши муҳим аҳамият касб этди. Бу музейнинг ички сиёсатини юритишда қийинчиликлар билан бўлсада, амалиётда ўз аксини топди. Егинекнинг фикрича, юқорида санаб ўтилган мутахассисларнинг ёрдамисиз музейни янги ривожланиш босқичига олиб чиқиб бўлмайди. Ўз ўрнида ИКОФОМ бу турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган қўмиталар олдидан долзарб муаммо эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. У 1976 йилда музейшунослик бўйича махсус қўмита тузишни таклиф қилди ва шу орали ИКОФОМ функцияларини ҳаётда тадбиқ этилишини кўрсатди. 1977 йилда ташкилотнинг Москвада бўлиб ўтган XI Бош конференциясида бу қарор тасдиқланди ҳамда Музейшунослик

бўйича халқаро қўмитаси ихтисослашган қўмиталар кенгашининг муҳим тармоғи сифатида эътироф этилди.

Янги қўмитанинг асосий вазифалари музейшуносликни илмий фан сифатида тасдиқлаш, музейшуносликнинг ривожланиш тамойилларини таҳлил қилиш, музей ҳамда музейшунослик касби тараққиётини қўллаб-қувватлаш ва ўрганишдан иборат эди.

Халқаро музейлар кенгаши (ИКОМ) қошидаги ходимларни тайёрлаш Халқаро қўмитаси (ИКОП) раҳбари, канадалик музейшунос Линн Тизер ўзининг 1990 йилдаги чиқишида музей ишини ҳалигача “шакланмаган мутахассислик”, “сохта касб”, дея таъкидлаган. Унинг фикрига кўра, ушбу соҳанинг асосий муоммоси музей ходимлари учун зарур бўлган музей иши идеологияси ва фан учун етарли маълумотларнинг мавжуд эмаслигидадир⁸⁸.

Голланд музейшуноси Петер ван Менш аксинча, мавжуд музейшунослик касбига юксак ишонч билдирган. У ёзган “Музейшунослик методологияси”⁸⁹ (Загреб, Хорватия, 1992 йил) диссертациясининг “Касбий маҳорат ва музейшунослик” бобида бу мавзуга алоҳида тўхталган. Музейшунослик назариясига бўлган қизиқишнинг ортиб боришини соҳани мустақил йўлда, маълум бир мақсадни кўзлаб ривожланаётгани билан узвий боғлади. У музей оламини муваффақият сари дадил тараққий этаётган соҳаларнинг бири сифатида қаради. Айнан музейшунослик академик фан соҳаси каби келажакда музей мутахассисларини тайёрлаш негизида ўз анъаналарини давом эттириши мумкин деб ҳисоблаган. Шунинг учун олим фақатгина музей соҳасига алоҳида тўхталмай, балки музейшунослик мутахассисларига эътибор қаратишни афзал билди. Чунки, “музейшунос - бу музей соҳаси амалиётчиси, музейшунослик йўналишини белгилашда унинг шу соҳани қанчалик чуқур ўзлаштириши муҳим аҳамият касб этиши, шу жиҳати билан у бошқа касб эгалари амалиётчиларидан тубдан фарқ қилиши ҳамда касбий маҳорати эвазига фан соҳаси-

⁸⁶History // <http://network.icom.museum/icofom/publications/our-publications.html> Decarolis N. ICOFOM LAM

⁸⁷Decarolis N. ICOFOM LAM 1990–2000 // Cahiers d'étude / Study series. 2000. Vol. 8. P. 14–15. *Sojka V.* ICOFOM History // <http://network.icom.museum/icofom/publications/our-publications.html>

⁸⁸Мухамедова М. Музейшунослик соҳасини ривожлантиришда миллий ва халқаро ташкилотлар фаолиятининг ўрни

⁸⁹Peter van Mensch, „De uitvinding van het verleden. Jonkheer Henri van Sypesteijn op zoek naar zijn stamslot“, in: Rob van der Laarse & Yme Kuiper ed., Beelden van de Buitenplaats. Elitvorming en notabelencultuur in Nederland in de negentiende

нинг етук мутахассисига айланишини эътироф этган⁹⁰.

Соҳага оид фаолликнинг авж олиши 1970 йилларнинг иккинчи ярмида, иккинчи музейлар инқилоби даврида рўй берди. Биринчи музейлар инқилоби даври XIX асрнинг охирларида музейлар ассоциациясини ташкил этилишига туртки бўлган эди. Иккинчиси эса кенг миқёсда этика кодексларининг вужудга келишига сабаб бўлди. 1977 йилда Янги Зеландия ва Буюк Британия музей ходимлари учун этика кодекслари қабул қилинди. 1978 йилда Америка музейлар ассоциацияси янги “Этика ҳақида қоидалар”ни ишлаб чиқди. Айтиш мумкинки, бу қоидаларни қабул қилиш даврида кўплаб низолар келиб чиқган. Улар асосан бадиий-тарихий қийматга эга бўлмаган музей коллекциялар билан боғлиқ эди. 1979 йилда Канада ва Исроилда, 1982 йилда эса Австралия ўз кодексларини ишлаб чиқди. 1974 йилда Дания пойтахти Копенгагенда бўлиб ўтган ИКОМнинг XI Бош ассамблеясида музей ходимлари учун умумий профессионал этика кодексини ишлаб чиқиш масаласини ўртага ташланди. 1980 йилда Этика кодекси ИКОМнинг табиий тарих музейлари халқаро қўмитасида муҳокама қилинган. Бу кодекс 1986 йилда Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳрида бўлиб ўтган ИКОМнинг XIV Бош ассамблеясида бир овоздан қабул қилинди. Унинг асоси инглиз ва Америка кодексларидан олинди. 1991 йилда ИКТОП “Музей соҳасига тайёргарлик этикаси кодекси”ни таклиф қилди. 2001 ва 2004 йилларда у қайта янгиланган ҳамда “Музейлар этикаси кодекси” номига ўзгартирилган⁹¹.

Музей одоб-ахлоқи кодекси, агар миллий даражадаги қонунчилик ҳар доим ҳам изчил бўлмаса, давлат томонидан таъминлашнинг муҳим соҳасида профессионал ўзини бошқариш воситасини беради. У бутун дунё музей ходимлари интилиши мумкин бўлган ахлоқ ва фаолиятнинг минимал андозаларини таклиф қилади, шунингдек музейга ташриф буюрувчиларнинг музей ходими касбидан мамнун бўлишини таъминлайди⁹².

Кодексида музей ходимига қуйидагича таъриф берилган: “ХМК Уставининг 1,2-параграфи 2-моддаси таърифига кўра бошқарув ва фаолиятга алоқадор истал-

⁹⁰ Менш, Петер ванн. К методологии музеологии / пер. с англ. В.Г.Ананьева. – М.: Перспектива, 2018. – С. 57.

⁹¹ Кодекс музейной этики ИКОМ // <http://www.icom.org.ru/get.asp?id=A7>

⁹² Музейлар Халқаро Кенгашининг Музей одоб-ахлоқи кодекси // «Давлат ва нодавлат музейлари: тажриба, муаммолар ва ечимлар» халқаро илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2008. – Б. 5.

ган соҳада махсус таълим олган ёки амалий тажрибага эга бўлган музейлар ёки муассасалар ходимлари, шунингдек ХМК Устави таърифига кўра Музей одоб-ахлоқи кодексида риоя қилувчи ҳамда музейлар ва муассасалар учун ишловчи мустақил ходимлар “музей ходимлари” тушунчасига киради”⁹³. Музейнинг ҳар бир ходими тегишли халқаро, миллий ва маҳаллий қонунчилик билан ва унинг қўлланиши шартлари билан таниш бўлиши ҳамда номуносиб хулқ-атвор сифатида талқин қилиниши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиши керак.

Музей ходимлари коллекцияларда мавжуд ахборотни тадқиқ қилишга, сақлашга ва ундан фойдаланишга кўмаклашиши керак. Шу сабабли улар академик ёки илмий маълумотлар йўқотилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият ёки ҳолатга йўл қўймаслиги керак. Агар тўғри қарор қабул қилиш учун музейда пухта билимлар етарли бўлмаган тақдирда музейда ёки ундан ташқарида ўз ҳамкасбларига маслаҳат бериш касбий мажбурият ҳисобланади.

Кодекснинг манфаатлар қарама-қаршилиги номли бобида музей ходимлари уларнинг хизмат мажбуриятлари муносабати билан уларга ҳада этилиши мумкин бўлган совғалар, қарзлар ёки шахсий эҳтиром кўрсатиш белгиларини қабул қилмаслиги, баъзан касб назокати совғалар тухфа этиш ва қабул қилишни ўз ичига олиши мумкин, бироқ бу доимо ушбу муассаса номидан амалга оширилиши, музей ходимлари на асарларни олишда, на бирор-бир шахсий йиғиш фаолиятида ўз муассасаси билан рақобатлашмаслиги, хусусий коллекциялар тўплаш юзасидан музей ходимлари ва раҳбар органлар ўртасидаги битим ишлаб чиқиши ва унга пухта риоя қилиниши таъкидлаб ўтилган⁹⁴.

Музей сиёсати *Музей одоб-ахлоқи кодексини* талқин қилишда андоза сифатида олинган қуйидаги халқаро қонунларни эътироф этади:

Қурулли можаро чиққан ҳолда маданий бойликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (“Гаага конвенцияси” I протокол, 1954 й., II протокол, 1999 й.)⁹⁵;

Маданий бойликларни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва эгалик ҳукуқи-

⁹³ Патрик Дж. Бойлан. Управление музеем: практическое руководство. – Франция: ЮНЕСКО, 2006. – С. 230.

⁹⁴ Мухамедова М. Музейшунослик соҳасини ривожлантиришда миллий ва халқаро ташкилотлар фаолиятининг ўрни (XX-XXI асрлар). – Тошкент: Yosh kuch press matbuoti, 2017. – Б. 256.

⁹⁵ Гаага конвенцияси. https://nrm.uz/contentf?doc=122694_

ни бошқага ўтказишнинг олдини олиш ва тақиқлашга қаратилган тадбирлар тўғрисидаги конвенция (ЮНЕСКО, 1970 й.)⁹⁶;

Хавфга учраши мумкин бўлган ёввойи хайвонот ва ўсимлик дунёси турлари бўйича ҳалқаро савдо конвенцияси (Вашингтон, 1973 й.);

Биологик турфа хиллилик тўғрисидаги конвенция (БМТ, 1992 й.);

Ўғирланган ва ноқонуний олиб чиқиб кетилган маданий бойликлар тўғрисидаги конвенция (ЮНИДРУА, 1995 й.);

Сувошти маданий меросини химоя қилиш тўғрисидаги конвенция. (ЮНЕСКО, 2001 й.)⁹⁷;

Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ҳалқаро конвенция (ЮНЕСКО, 2003 й.).

2007 йилда Сетон Холл университети қошида (АҚШ, Нью-Жерси) махсус Музей этикаси институти ташкил қилинди. Унда бу соҳадаги энг долзарб муаммоларни таҳлил қилиш, турли мамлакатлар музей профессионаллари орасида тажриба алмашиш, шунингдек ушбу масала юзасидан ўқув курсларини ривожлантириш вазифаларига эътибор қаратилди. Институт қатор халқаро конференциялар ўтказиб, музей этикасига оид тадқиқотларни эълон қилди. Музей секторининг профессионаллашув омили тарихий истиқболга эга бўлиб, музей ходимлари ва музейнинг назарий асосларини ўрганувчи музейшуносларнинг жиддий эътиборини тортди.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам музейларда кадрларга бўлган эҳтиёж ортиб борди. Биринчи Президент И.Каримов ташаббуси билан мамлакатда музей ишини тубдан янгилаш ҳамда яхшилаш юзасидан 1994 йил 23 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 618-сонли, 1998 йил 5 декабрдаги “Музейлар фаолияти қўллаб-қувватлаш масалалари”га оид 98-сонли қарорлари қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ 1999 йилдан бошлаб музей ходимларининг ойлигига 25 фоиз устама ҳақ қўшиб бериш, музейшунос мутахассислар тайёрлаш, музей ходимлари малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқув режаси ва дастурларини тузиш каби

⁹⁶ <https://nrm.uz/contentf?doc=122701>

⁹⁷ <https://nrm.uz/contentf?doc=122712>

вазифалар босқичма-босқич амалга оширилди.

2000-2012 йиллар давомида Музейшунослик соҳасида ташкилий жиҳатдан юқори даражага эришган йирик музейларда музей ходимларининг малакасини оширишни уюштириш, бу соҳадаги жаҳон тажрибасини ўрганиш мақсадида ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Тошкент Гёте институти, Россиянинг йирик музейлари, АҚШ, Германия, Франция, Хитой, Корея элчихоналари билан ҳамкорлик ишлари олиб борилди.

Бу даврга оид музейлар ҳисоботини таҳлил қилиш жараёнида И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи бошқа музейларга нисбатан анча фаол бўлганлигини кузатиш мумкин. Масалан,

1989 йил 24 февралдан 25 мартгача Ўзбекистон ҳудудида биринчи маротаба Бутуниттифоқ реставраторларининг стажировкаси И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида Россия реставрация санъати институтининг малакали реставраторлари Юсиф Гаджикасимов ва Владимир Иванович Шульгин томонидан олиб борилган. Стажировкада собиқ иттифоқнинг Санкт-Петербург, Сочи, Свердловск, Дагестан, Белоруссия, Калининград каби турли ҳудудларидан ҳамда мазкур музейнинг реставрация бўлими мудири А.Шпады, реставратор Р.Байрамова, Р.Матчоновлар иштирок этишган.

1991 йилда Савицкий музейи реставратори Д.Самекеев Россия реставрация санъати институтида керамика реставрацияси бўйича, 1994 йилда Тошкент шаҳридаги Геология марказида металл реставрацияси бўйича стажировка ўтаган.

1996 йил июнь ойида франциялик машҳур мато реставратори П.Шевалье мазкур музей реставраторлари учун мато ва жунли ашёларни консервация қилиш, куя ва бошқа ҳашоратларга қарши ишлов бериш, экспозиция ҳамда фондзаҳирахоналарини улардан химоя қилиш юзасидан маҳорат дарсини ўтказган.

2002 йил май ойида музейнинг Халқ амалий санъати бўлими ходимлари А.Пирназарова ва А.Матчоновалар Санкт-Петербургда мато ва жун ашёларини консервацияси бўйича малака оширишади.

2004 йил март ойида “Чегарасиз реставраторлар” ташкилоти раҳбарлари Павлос Политис ва Ансель Муллинс ҳамда реставраторлар Лоранс Дюранд ва Даля

Миис томонидан музей ходимлари учун стажировка ташкил этиш ва ҳамкорликда реставрация қилиш учун музей фондидан 56 та ашё танлаб олинган. Ҳар бир ашёни реставрация қилиш жараёни фотофикция қилиниб, ҳужжатлаштирилиб борилган.

2005 йилда “Чегарасиз реставраторлар” ташкилотининг вакиллари ҳисоблан-



ган реставраторлар Борислава Начаева, Юанна Канчева ва Аврора Артеге де Торрелар музейнинг рангтасвир коллекциясидан асарларни танлаб олиб 4 ой давомида ҳам таъмирлаб, ҳам музей реставраторларига маҳорат дарсларини ўтиб беришди⁹⁸.

2009 йилда Маданият вазирлиги тасарруфидаги йирик музейларнинг реставраторлари Франция элчихонаси томонидан Ўзбекистон давлат санъат музейида ташкил этилган франциялик машҳур реставраторлар Жеральдина Фрэ ва Сесиль Бринкуиер раҳбарлигида маҳорат дарсида иштирок этишган.

Мазкур ҳамкорлик натижасида 2010 йилгача 20 дан зиёд халқаро кўргазмалар, хорижий мутахассислар иштирокида семинар-тренинглари ўтказилди.

МДХ давлатлари иштирокчиларининг - Гуманитар ҳамкорлик бўйича давлатлараро жамғармаси 2006 йил 25 майда Душанба шаҳрида ташкил этилган. Ушбу Келишув ҳужжатида Россия Федерацияси, Арманистон, Беларусия, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари имзо чеккан бўлиб, 2008 йил июнь ойида Келишувга Озарбайжон Республикаси ҳам қўшилган.

Жамғарма мақсади – таълим, фан, маданият, санъат, оммавий коммуникация, спорт, туризм ҳамда ёшлар билан ишлаш каби қўшма лойиҳалар орқали ҳамкор-

⁹⁸Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг архиви. И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг 1989-2010 йиллардаги фаолияти бўйича бажарилган ишларнинг йиллик ҳисоботлари.

ликда маданий ва ижтимоий муҳит яратишдир.

Жамғарма МДХ давлатлари орасида ижтимоий йилларни ташкил этиш бўйича дастлабки ташкилотчилардан бири бўлди: 2008 йил – “Адабиёт ва китобхонлик йили”, 2009 йил – “Ёшлар йили”, 2010 йил – “Фан ва инновациялар йили” деб номланиб, ушбу маълум мақсадга йўналтирилган йиллар доирасида 200 та қўшма дастурлар амалга оширилди.

2010 йил “Фан ва инновациялар йили” деб номланганлиги боис МДХ давлатларида жамғарма учун биринчи навбатда таълим ва фан соҳасидаги тадбирлар замонавий технологияларни жорий этиш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш; миллий ва жаҳон илмий ютуқлари билан танишиш учун имкониятлар доирасини кенгайтириш; таълим ва фан соҳасида “Ҳамдўстлик юлдузи” ва ёш олимлар учун “Ҳамдўстлик дебюти” мукофотларини бериш; ёшларда илмий-тадқиқот ва инновацион фаолликни ривожлантириш учун шароит яратиш; илмий тажриба алмашишлар ва малака оширишни фаоллаштириш каби вазифалар амалга оширилди.

2010 йилда жамғарманинг маданият соҳасидаги лойиҳаси МДХ давлатларининг умумий маданий меросини сақлашга йўналтирилган бўлиб, МДХ давлатлари доирасида маданиятлараро музокараларнинг ривожланиши, архив, кутубхона, музей ишини стандарт кўринишга келтириш учун умумий ёндошишга кўмаклашиш; шу соҳага ахборот-технологияларни жорий этиш; китоб тарқатиш ва таржимани ўзаро ривожлантириш; мусиқали ва театрлаштирилган фестиваллар, бадиий кўргазмалар, танловлар ҳамда театр, кино, мусиқа ва тасвирий санъат соҳасида тренинглари, ўқув курслари, мастер-класслар ўтказиш режалаштирилиб ҳаётга тадбиқ этилди.

Жамғарма фаолиятидаги муҳим йўналишлардан яна бири таълим, фан ва маданият ишлари бўйича ООН билан ҳамкорликда МДХ давлатлари ўртасида иш олиб боришдир.

Республикамизда фаолият юритаётган музейлар 2007 йилдан буён “Дешт-и-Арт” Замонавий маданият маркази билан ҳам ҳамкорликда бир нечта йирик лойиҳаларни амалга оширишди. MUSEUMстан – дастури ғояси 2006 йилда “Дешт-и-Арт” Замонавий маданият маркази (Қозоғистон)га тегишли бўлиб, у Маданият департа-

ментлари, вазирликлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юритади. Дастур маълум бир давлатга эмас, балки умумий бир ҳудудга мўлжалланган бўлиб, унда Марказий Осиё давлатлари: Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон музейларининг ходимлари иштирок этадилар.

MUSEUMстан дастурининг асосий мақсади энг фаол музей ходимларини турли семинарлар, танловлар, фестивалларга таклиф қилиш орқали тажриба ва фикр алмашиш, умумий муаммоларни биргаликда ҳал этиш, уларда янада янги ғояларни уйғотиш, мувоффақиятли лойиҳаларни рағбатлантиришдир⁹⁹.

2008 йил 28 ноябрда Париж шаҳрида ЮНЕСКО ва Гуманитар ҳамкорлик бўйича халқаро жамғарма ўртасида ҳамжихатлик Меморандуми имзоланган бўлиб, унга кўра узоқ муддатли лойиҳа доирасида “XXI асрда – музей бошқаруви” мавзусида МДХ давлатларининг музей мутахассислари учун ЮНЕСКО ва ИКОМ томонидан тайёрланган ўқув қўлланмалари асосида Санкт-Петербург шаҳрида биринчи ўқув тренинги ўтказилди. Ушбу лойиҳада тўққизта давлатнинг маданият вазирлиги ходимлари, музей раҳбарлари ва ходимлари иштирок этишди. Ўзбекистондан Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи ходимлари қатнашдилар.

Лойиҳанинг иккинчи қисми 2011 йилда “Таълим ва маданий туризмни ривожлантиришда музейлар ўрни” мавзусида Украинада мутахассисларнинг минтақавий ўқув машғулотлари ҳамда шу йилнинг октябрь ойида ЮНЕСКО ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида Россиялик мутахассислар иштирокида “Музейларда археология ва этнография: тўплаш, ҳужжатлаштириш ва интерпритация муаммолари” мавзусида Россиялик мутахассислар Кунсткамера музейи директори ўринбосари Т.Купина семинар тренинг ўтказилди. Семинар тренингнинг асосий мақсади ашёларни ҳисобга олиш, қўлда ва электрон каталоглаштириш, маълумотларнинг хавфсизлиги, ички ва ташқи тизим орқали маълумотлардан эркин фойдаланиш, илмий яхлитлик, ходимларни маъсулияти ва ҳисобга олишнинг илғор амалиётини кўриб чиқишдир. Бу семинарда республикамиздаги турли ташкилот тизимидаги 20 дан зиёд музейла-

⁹⁹Дешт-и-Арт Центр/ОО “Лаборатория общественного развития” MUSEUMстан: музейный проект, сборник материалов. – Караганда: Гласир, 2010. – С.7.

рининг илмий ходимлари иштирок этишди¹⁰⁰.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан Ўзбекистондаги Франция элчихонаси, Ўзбекистондаги Гёте-Институти ва **Россия Фанлар академияси Антропология ва этнография музейи (Кунсткамера) билан ҳамкорликда** 2016 йил 16-18 май кунлари Самарқанд шаҳрида “Музейларда таълим: XXI асрда янги глобал ва миллий стратегиялар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳамда “XX асрда музей ва таълим: янги амалиёт ва истиқболли ривожланиш” мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирларнинг асосий мақсади - музей таълими соҳасида Ўзбекистон ва хорижий етакчи мутахассислар ўртасида халқаро тажриба алмашиш, ёш мутахассисларни бу соҳадаги янги халқаро амалиёт билан таништириш. Шунингдек, Ўзбекистон музейлари фаолиятини таълим соҳасида кенгайтиришга қаратилган бир қатор тавсиялар ишлаб чиқиш кўзда тутилган эди.

Илмий-амалий конференциянинг иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Самарқанд вилояти ва Самарқанд шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистондаги Гёте институти, Франциянинг Ўзбекистондаги Элчихонаси ҳамда Россия Фанлар академияси Антропология ва этнография музейларига (Кунсткамера) халқаро илмий-амалий конференцияни ҳамда музей иши ва таълим соҳасидаги шундай долзарб муаммоларни муҳокама қилишни ўз вақтида ташкил этганликлари учун миннатдорчилик билдириб;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистон томонидан маданий бойликларни ноқонуний олиб чиқиш ва мулк ҳуқуқини беришни таъқиқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган чоралар ҳақидаги ЮНЕСКО конвенцияларининг қоидалари ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган тадбирларни ўтказишдаги куч-ғайратлари ва ёндашувларини қўллаб-қувватлаб;

– музейлардаги таълим дастурларини, жумладан, бадий таълимни

¹⁰⁰Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт вазирлиги Маданий-маърифий муассасалар, музейлар ва кутубхоналар бошқармисининг 2011 йилдаги ҳисоботи.

ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига ёрдам беришини таъкидлай туриб, шунингдек, Ўзбекистонда музей ишининг ривожланиши ўзбек халқининг миллий-маданий ўзлигини сақлашга катта ҳисса қўшишини эътироф этиб;

– умуминсоний ва миллий қадриятларни асраш ва келгуси авлодларга етказишдаги музейларнинг муҳим ролини англай туриб;

– ЮНЕСКО Бош конференциясининг 38-сессиясини ўтказиш чоғида (2015 йил, ноябрь) қабул қилинган музейлар ва коллекцияларни, уларнинг ранг-баранглиги ва жамиятдаги ролини асраш ва рағбатлантириш ҳақидаги ЮНЕСКО тавсияларидан келиб чиқиб;

– ушбу тавсиялар маданий бойликларни келгуси авлодга етказиш, маданиятлараро мулоқот, таълим ва муҳокама учун макон сифатида музейларнинг ролини эътироф этади, таълимда (расмий, но-расмий ва бутун умр бўйи давом этадиган таълим), ижтимоий жипсликда ва барқарор ривожланишда муҳим ролини ҳисобга олиб;

– тавсиялар музей секторлари ҳамда маданият, мерос ва таълим учун масъул муассасалар доирасидаги ҳамкорлик музейларни, уларнинг ранг-баранглиги ва жамиятдаги ролини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришнинг самарали ва барқарор усуллари-дан бири эканлигини эътироф этган ҳолда *қуйидагиларни тавсия қиладилар*:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг музей таълими соҳасидаги узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш ва тадбирлар ўтказиш йўли билан Ўзбекистоннинг маданий меросини қайта тиклаш, ривожлантириш ва оммалаштириш соҳасидаги маҳаллий давлат ва жамоатчилик ташкилотлари билан биргаликдаги иши бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш.

2. Норасмий музей таълимини жорий қилиш йўли билан Ўзбекистоннинг маданий мероси ҳақида аҳолининг хабардорлигини оширишга қаратилган ҳаракатларни рағбатлантириш.

3. Ўзбекистондаги ҳар бир музейда, уларнинг ихтисослик йўналишига боғ-

лиқ ҳолатда таълим дастурини жорий қилиш ва такомиллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш.

4. Таълим муассасаларини ва мактаб ўқитувчиларини жалб қилиб, Ўзбекистон музейларида ташриф буюрувчиларнинг турли тоифалари учун дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқишга масъул бўлган таълим дастурлари бўйича бўлимларни ташкил қилиш.

5. Ўзбекистон музейлари сайтларида таълим бўлимларини жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлигини ва фаолиятининг бардавомлигини ўрганиш, улар музейнинг таълим дастурлари бўлими томонидан ишлаб чиқилган материалларни ўз ичига олиши мумкин.

6. Бадиий-таълим соҳаси ва музейларнинг уйғунлашув имкониятларини, маҳаллий мактабларнинг ўқитувчилари, олий ўқув юртларининг педагоглари учун музейларда қисқа муддатли стажировка ўтиш дастурларини ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлигини ўрганиш. Мактаб ўқитувчилари ва олий ўқув юртлари педагоглари музейлар фаолияти билан танишишлари ҳамда тегишли ўқув дастурига ва мактаб тизими доирасида ўқувчиларнинг таълим даражасига мос келувчи музейлардаги аниқ ва мақсадга йўналтирилган таълим дастурларини ривожлантиришга ёрдам беришлари мумкин.

7. Музейлар ходимларининг касбий даражасини ошириш мақсадларида мунтазам равишда Ўзбекистон музейларида музей педагогикаси, музейшунослик ва музеология, педагогика ва психология соҳасидаги малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни таклиф қилган ҳолда семинарлар, тренинглар, маҳорат дарслари, тақдимотлар ўтказиш;

8. Замонавий жаҳон музей педагогикасининг долзарб муаммоларини ҳамда шахсининг ижодий лаёқатларини фаоллаштириш, вазифаларини ҳал қилишга қаратилган музей-таълим ишининг мавжуд ранг-баранг шакллари-ни ҳисобга олиб, Ўзбекистон музейларининг фаолиятини жадаллаштириш.

9. Музей томошабинларининг турли тоифаларига табақалаштирилган ёндашувдан келиб чиқиб, музей таълимининг, музейга ва унинг маданиятига жалб қилишнинг кўп босқичли тизимини ишлаб чиқиш.

10. Замоनावий музей-таълим технологияларини мустақиллик давридаги Ўзбекистон маданий сиёсатининг устувор йўналишлари ва жаҳон маданий тажрибасининг етакчи тенденциялари билан мослаштириш.

11. Музей маконида видео ва аудиотизимлар орқали кўрсатувлар, изоҳлар, хикоялар ва шарҳларнинг техник ва технологик инновацияларини жорий қилиш мақсадида ҳозирги музейларнинг моддий-ашёвий асосини мустаҳкамлаш имкониятини кўриб чиқиш.

12. Музей ходимларини тайёрлаш тизимида замоनावий музей-таълим технологиялари билан боғлиқ фанларни киритиш.

13. Жамият билан ҳамжиҳатликнинг янги, инновацион шакллари топиш мақсадларида музейлар ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро алоқасини фоллаштириш.

14. Музейлар ҳамда барча даражадаги маданий ва илмий муассасалар ўртасидаги ҳамкорлик ва шериклик муносабатларини, жумладан, уларнинг ҳамкорликка ёрдам берувчи касбий тармоқларда ва уюшмаларда иштирок этиши, халқаро кўргазмалар ўтказиш, коллекциялар айирбошлаш ва уларнинг кўчувчанлигини рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Музейлар тўғрисида»ги Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»ги 68-сонли қарорининг 7-иловасига мувофиқ **музей мутахассисларини тайёрлаш, музей ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби белгиланган.**

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида Музейшунослик таълим йўналиши ўз фаолиятини 1997 йилдан бошлаган бўлиб, бу йўналишни битирган мутахассислар республикамиздаги турли ихтисосликдаги музейларда кичик илмий ходим лавозимидан бошлаб музей раҳбари лавозимларида, бадий экспертиза, маданий мерос бошқармаларида муваффақиятли фаолият юртиб келишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2017 йил 25

декабрь куни Маданият вазирлиги ва Бадий академия раҳбарларининг ҳисоботларини муҳокама қилиш юзасидан ўтказилган мажлис баёни (2017 йил 31 декабрдаги 19580-хх-сон) қарорининг 7-бандида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида 2018-2019 ўқув йилидан Санъат асарларини тиклаш ва таъмирлаш, бадий ва тарихий аҳамиятини баҳолаш, кўргазмалардан сўнг фонд захирахоналарида сақлашга тайёрлаш, музейлардан ташқарида, шунингдек хорижий давлатларда ташкил этиладиган кўргазмаларда уларни қалбаки нусхаларига алмаштириш хавфини олдини олиш учун ҳар бир асарни замоनावий техник ускуналар ёрдамида тадқиқ қилиш, экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш ишларини амалга ошириб бориш;

Музейларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини назарда тутган ҳолда уларни таълим муассасаларига яқинлаштиришгина эмас, балки таълим муассасаларини ҳам музейга яқинлаштириш, яъни ҳамкорлик педагогикасини амалга ошириш;

Ўзбекистонда туризмининг ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб қилиш, чет эллик ҳамда маҳаллий саёҳатчиларни уларга жалб этиш, туристларга таржимонлар ва экскурсоводлар хизматлари кўрсатишни яхшилаш, маданий-тарихий туризм каби саёҳат дастурларини ярата оладиган, санъат ва музей туризми соҳасида бошқарувчилик қобилиятига эга бўлган малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида:

5151900 – Музейшунослик (музей предметлари экспертизаси, консервация ва таъмирлаш);

5151900 – Музейшунослик (музей менежменти ва маданий туризм);

5112500 – Музей педагогикаси таълим йўналишлари очилди.



Бугунги кунда меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг бу йилги Олий Мажлисга Мурожаатномасида¹⁰¹ айнан олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида қабул икки баробар оширилиши, қизлар учун алоҳида давлат грантлари жорий этилиши, шунингдек, мутахассислик фанларга янада кўпроқ эътибор қаратилиши таъкидлаб ўтилди. Бунинг натижасида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий ғазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, магистратура ва бакалаврият талабалари орасидан иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ишларига фаол жалб қилиш олий таълим муассасаси олдида турган энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Хусусан, мутахассисларни тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш борасида кўрсатилган вазифалар институт кафедраларининг ташкилотлардаги филиалларини очиш заруриятини кўрсатмоқда. Шу мақсадда 2020 йил 15 январь куни Ўзбекистон давлат санъат музейида Камолиддин Беҳзод но-

¹⁰¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

мидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Музейшунослик кафедрасининг филиали очилиб, бугунги кунда “Экскурсияшунослик”, “Музей интерьерини лойиҳалаш”, “Музей иши асослари”, “Фотография” каби фанлар музей экспозицияси ва фонд заҳирахоналарида амалий машғулот сифатида ўтилмоқда.



2020 йил февраль ойида Музейшунослик кафедрасининг Ўзбекистон тарихи давлат музейида ҳам иккинчи филиалини очилиши етук малакага эга музейшунос кадрларни тайёрлашда янада кўпроқ имкониятларни яратмоқда.

Санъат асарларини тиклаш ва таъмирлаш, бадий ва тарихий аҳамиятини баҳолаш, кўргазмалардан сўнг фонд заҳирахоналарида сақлашга тайёрлаш, музейлардан ташқарида, шунингдек хорижий давлатларда ташкил этиладиган кўргазмаларда уларни қалбаки нусхаларига алмаштириш хавфини олдини олиш учун ҳар бир асарни замонавий техник ускуналар ёрдамида тадқиқ қилиш, экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш бўйича мутахассисларни тайёрлаш амалий машғулотларсиз амалга ошириб бўлмайди. Шу жиҳатдан “Санъат асарларини физика-кимёвий экспертизаси”, “Музей ашёларини экспертизаси ва реставрацияси” фанларини айнан реставрация лабораторияларига, муҳими тажрибали мутахассисларга эга бўлган

Ўзбекистон давлат санъат музейи ҳамда Ўзбекистон тарихи давлат музейида ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Айтиш керакки, Музейшунослик кафедра филиалининг очилиши бу соҳага етук малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги муҳим қадамлардан бири саналади.

2020-2021 ўқув йили ҳисоботига кўра музейшунослик йўналишининг бакалавр таълим йўналишида 191 нафар талаба таҳсил олмоқда¹⁰².

Бугунги кунда кафедра Ўзбекистон музейлар кенгаши, республикадаги йирик музейлар, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Санкт-Петербург давлат маданият институти, Корея Университети билан ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда.

1975 йилда нашр этирилган музейшунос Нафиса Содиқованинг “Ўзбекистонда музей иши” номли монографиясида музей мутахассислигига қуйидагича таъриф берилган: “музейшунослик касби ўзида фан ва санъатни музей ишида мутасаммаштирадиган мураккаб касб бўлиб, тўплаш, сақлаш, таъмирлаш, илмий рўйхатга олиш, экспозиция тайёрлаш, экскурсия ўтишнинг назария ва методларини ҳамда бошқа музей фаолияти шакллари умумлаштиради.

Ҳар куни музей ходими экскурсовод, адабиётшунос ёки музейнинг бирор бир тадбирини ташкиллаштирувчисига айланади. Вилоят ўлкашунослик музейлари ходимлари вазифаси эса унданда мураккаб бўлиб, улар ўз ҳудудларининг тарихи, санъати, маданияти, иқтисодиёти ва табиати тўғрисидаги маълумотларни ҳам тўлиқ билишлари лозим”.

XXI асрга келиб музейшунос юқорида санаб ўтилган вазифалардан ташқари хорижий тиллардан бирини мукамал билиши, компьютер технологияларидан фойдалана олиши, турли аудитория билан ишлаш учун яхши психолог ҳам бўлиши керак.

¹⁰² Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Музейшунослик кафедрасининг 2020-2021 ўқув йили учун ҳисоботи.

Айтилганларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларга эътиборни қаратишни лозим топдик:

музей фондларини сақлаш ва комплектлаш музейлар ишида асосий муаммолардан бўлиб, бу борада экспонатларнинг табиий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни эскириш жараёнини минимум ҳолатга келтириш муҳим саналади. Бунинг учун иқлим шароитини мўътадиллаштириш, музей тўпламларини каталоглаштириш, автоматлаштирилган маълумотлар тизимини яратиш, мультимедиа лойиҳаларини ишлаб чиқиш орқали музей ашёларини рақамли кўринишга ўтказиш, музей ишида электрон нашрларни жорий этиш ва бошқалар орқали Давлат каталогини шакллантириш ва юритиш, энг муҳими янги технологияларни фондларни сақлаш тартибида қўллаш муҳим саналади.

Тўғри йўл қўйилган ҳисобга олиш ва ҳужжатлаштириш тизими коллекцияларнинг хавфсизлигини, сақланиш ҳолатининг давомийлигини таъминлашни, уни бошқаришда, оммага намоиш этишда енгиллик туғдириши ва илмий изланишларга замин ясаши мумкин.

Бугунги кунда ҳар бир музейдаги иш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда электрон давлат каталогига маълумотлар киритиш учун фуқаровий-ҳуқуқий шартнома билан мутахассисларни ишга жалб этиш мазкур масалалани қисқа муддатларда ва сифатли бажарилишини таъминлаши мумкин.

“Давлат музейларига музей ашёлари ва коллекцияларини сотиб олиш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинса, ҳар бир музейнинг фаолиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ фондларини бойитиш масаласи ечимини топар эди.

“Музей ашёлари ва коллекцияларини музейдан ташқарида кўргазмаларини ташкил этиш тартиби тўғрисида” меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилса давлат музейлари мустақил равишда ҳалқаро кўргазмаларни ташкил этиш ва ўз навбатида, музей ашёлари хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Музейшунослик соҳасининг асосий мутахассислигини ташкил этиш, соҳанинг маълум қирраларини тақомиллаштиришда эҳтиёж талаб қилинган жиҳатларини шакллантиришга киритилиши муҳим ўзгаришларидан бири эди. Жумладан, музей иши машғулоти орқали, фонд муҳофизлари, музей педагоглари, менежер ва

маркетолог, таъмирловчилар, илмий ходимларнинг кашф этилиши муҳим аҳамият касб этди. Бу музейнинг ички сиёсатини юритишда қийинчиликлар билан бўлсада, амалиётида ўз аксини топди.

Бугунги кунда меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, магистратура ва бакалавриат талабалари орасидан иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ишларига фаол жалб қилиш олий таълим муассасаси олдида турган энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙ ИШИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1-§. Музей ва турли ёшдаги аудитория билан ишлашдаги инновацион усуллар

Ташриф буюрувчилар музейларимиз иш фаолиятини давом этишининг гаровидир. Биз эса уларни музейга келишларини мароқли ва албатта эсда қоларли қилишимиз зарур. Кундан-кунга ташриф буюрувчиларнинг талаб ва истаклари ошиб бораётган бир вақтда улар ўртасида тез-тез сўровномалар ўтказиб туриш керак. Музей шундай муҳит яратиши лозимки, унда ташриф буюрувчи ўзини қулай ва яхши сезиши, бирор янгилик эшитиб, савол беришга имкони бўлсин. Ўз-ўзидан келиб чиқадики, музей ўз ташриф буюрувчига ғамхўрлик қилиши керак. “Ташриф буюрувчига ғамхўрлик қилиш” тушунчаси илк бор АҚШда пайдо бўлиб, дастлаб бу ғоя дўкон ва ресторанларда, яқин йиллардан бошлаб эса музей ишида ҳам қўлланила бошланди¹⁰³. Бу ғояни амалга ошириш авваламбор ўзимизни ташриф буюрувчи ўрнига қўйиб кўришимиздан бошланади. Бу эса бир қарашда осон туюлиши мумкин, аслида эса анча мураккабдир. Ҳар бир ташриф буюрувчи ғамини ейиш музей раҳбаридан тортиб то фаррошнинг ҳам доимий ишига айланиши зарур. Ушбу вазиятда музей ходимларининг малакасини доимий тарзда ошириб бориш муҳим ўрин эгаллайди. Улар ташриф буюрувчини қандай бўлса шундай қабул қилиши керак. Ташриф буюрувчи талабларини қондириш учун музей ходими биринчи ўринда ўз аудиториясини яхши билиши ва улар тилида гапира олиши, бир сўз билан айтганда рухшунос ҳам бўлишлари керак. Буларнинг барчаси ташриф буюрувчиларни музейга жалб қилиш ва улар кўламини кенгайтиришга қаратилган.

¹⁰³ Воронцов Б. Забота о посетителях. Методы работы с аудиторией, не требующие больших затрат. / Музеи в период перемен: Материалы российского-британского семинара “Музеи Санкт-Петербурга в условиях рыночной экономики”. – СПб., 1997. – С. 89-94.

Замонавий илмий тадқиқотларга кўра музей ташриф буюрувчилари уч турга бўлинади:

1. Фактик ташриф буюрувчилар – музейга келган ташриф буюрувчилар.
2. Потенциал ташриф буюрувчилар – музейга жалб қилинмоқчи бўлган ташриф буюрувчилар.
3. Виртуал ташриф буюрувчилар – Интернет ёки почта орқали музей фаолияти ва экспонатлар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлаётган ташриф буюрувчилар¹⁰⁴.

Республикамиздаги бадиий музейлар фактик ташриф буюрувчилар учун ўз фаолиятларидан келиб чиқиб, анкета-сўровномаларини тузишган. Сўровномалар билан ишлаш афсуски кўпчилик музейларимиз учун вақтинчалик тадбир бўлиб, улар илмий ходимлар томонидан умуман таҳлил этилмаган. Фақатгина бу борада И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат музейида фактик ҳамда виртуал ташриф буюрувчилар учун анкета-сўровномаси ишлаб чиқилиб, у ерда кўрсатиб ўтилган таклиф ва мулоҳазалар ҳар йилнинг охирида илмий ходимлар орасида муҳокама қилинади.

Бугунги кунда виртуал ташриф буюрувчилар учун музей қандай таассурот қолдиргани, ижобий ва салбий ҳолатлар борасидаги фикрларни ўрганиш учун “Таклиф ва мулоҳазалар китоби” интерактив электрон мулоқот ҳолда плазма панелларига ёзиш имкониятлари ҳам вужудга келмоқда¹⁰⁵. Ташриф буюрувчилар ўз мулоҳазаларини матн ёки расмлар кўринишида акс эттиришлари мумкин. Ёзувлар бевосита экранда акс этиб, муаллифлик кўринишида сақлаб қўйилади. Кейинчалик фикрлар жамланмасини кўргазма ва анжуманларда чоп этиш мумкин. Фикримизча, бундай икки томонлама тузилган янгича мулоқот тизими ташриф буюрувчининг яна қандай янгиликлар билан танишиш истаги борлиги хусусидаги жараёнларни ўрганиш имкониятини яратади. Бу борадаги энг фаол ташриф буюрувчи ва янги ғоя ихтирочиларини аниқлаб, уларни “фахрий меҳмон” сифа-

тида мукофотлаш лозим. Бундан ташқари, ташриф буюрувчилар лаҳзалик суратга тушиш хизматларидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Турли янги соҳалар ривожланиши ва иқтисодий ўсиш жараёнида ХХІ аср “Компьютер асри” деб ҳам номланмоқда. Музейларимизда бу даврий жараён белгиларининг акс этиши эса музей иши ривожига ижобий ҳолатларни кашф қилиши муболаға эмас. Асосийси, музей ходимлари янада мукаммал ахборот тизими, илмий–амалий ихтисослашган қизиқарли лойиҳалар устида изланишлар олиб бориши даркор. Ҳар бир музей янги информацион технологиялардан фойдаланган ҳолда, мультимедиа компонентларини яратиши фойдадан ҳоли бўлмайди.

Музей ташриф буюрувчилари билан ишлашда яна бир муаммо бу потенциал ташриф буюрувчиларни музей ходимлари эътиборидан четда қолаётганлигидадир. Бу эса ташриф буюрувчилар кўламининг тор доирада қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Мисол учун бир ёки икки ойга мўлжалланган кўргазмада фақат биринчи очилиш куни санъатшунослар ва музейшунослар, телевидение ва радио журналистларидан иборат ташриф буюрувчилар гуруҳи йиғилади. Махсус айнан шу кўргазмани кўриш учун келган санокли ташриф буюрувчиларни кўриш мумкин. Бу ўз навбатида потенциал ташриф буюрувчиларнинг қизиқишлари ўрганилмаганлигидан далолат беради.

Яна фактик ташриф буюрувчилар билан ишлашдаги долзарб муаммолардан бири бадиий музейларимизда сервис хизматининг талаб даражасида эмаслиги. Ҳаммамизга маълумки дунёнинг энг йирик музейлари ўзларининг кафе-ресторанлари билан ҳам машҳур. Бу борада ҳам Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси ҳамда И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат музейида очилган «Арт-кафе», «Арт-дўкон»лари тақсинга лойиқдир.

Музей аудиторияси бир қатор параметрлари билан характерланади. Ижтимоий-демографик таҳлилда маълумот даражаси, касбининг тури, жинси, ёши, яшаш жойи каби белгиларни фарқ қилиш тахмин қилинади.

Музейга тез-тез келиш нуқтаи назаридан аудитория беқарор ёки доимий бўлиши мумкин. Музейга келувчилар таркиби доимий бўлиши – унинг фаолияти муваффақиятли эканлигидан ва унинг янада ривожланишининг муҳим кўрсаткичидан биридир.

¹⁰⁴ Столяров Б.А. Музееведение: Учебник для высшей школы. – М.: 2003. – С. 144.

¹⁰⁵ Гленн Лоури. Люди ходят в музеи не ради их архитектуры, а ради их коллекции // Арт хроника. №7-8. 2009. –С. 35.

Музей аудиториясининг муҳим параметри – унинг тайёргарлик ва ўзига жалб қилиш даражаси ҳисобланади. Бу баъзан “келувчининг музейдаги маданияти” тушунчаси билан ифодаланади. Бу ерда гап одамнинг музей муҳитида ўзига йўл топа олиши ва ўзига хос музей тилини қабул қила олиши ҳақида бормоқда. Музей маданиятига баҳо бериш мезони музейларга тез-тез бориш ва танлаш, экспозициялар билан мақсадга мувофиқ танишиш, ёдгорликларни кўриб чиқиш ва ҳоказолардан иборат.

Музей аудиториясини анализ қилишда одамлар музейга мустақил келадими ёки экскурсион группалар таркибида маданий-илмий чора-тадбирлар иштирокчиси сифатида келадими, шуни ҳисобга олиш зарур. Бу маълумотларни олиш учун социологик тадқиқот олиб бориш зарур. Уларнинг баъзи бирлари музейга келиш динамикасини ва ҳар хил гуруҳлар кўп келиши факторларини билдиради, бошқалари одамларнинг экспозицион тематикага ва музейнинг алоҳида предметларига қизиқишини ўрганади, учинчилари экспозицияларни идрок қилишини, аниқ экспозицион ечимларни ва маданий-илмий фаолият шакллари самарадорлигини таҳлил қилади. Тадқиқот натижалари музей иши методикасини такомиллаштиришга, музей фаолиятини режалаштириш ва бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга имкон беради.

Ижтимоий тадқиқотлар махсус ишлаб чиқилган методлар асосида олиб борилади, улар қўйилган мақсад ва вазифаларга қараб танланади. Анкета саволлари орқали кўпроқ ишончли ахборот тўплаш мумкин. У бутун музей аудиторияси ёки алоҳида гуруҳлар, якка ташриф буюрувчилар ўртасида ўтказилади.

Ижтимоий тадқиқотлар реал аудиториянинг қизиқиши ва таклифлари асосида шакллантирилса, маҳаллий аҳолига анкета саволлари бериб, жавоб олиш потенциал аудиторияни ўрганишга йўналтирилади. Тадқиқот натижаларини умумлаштириб, музей аудиторияси билан ишлашни такомиллаштиришга қаратилган аниқ чоралар ишлаб чиқилади.

Россияда XX аср бошларида биринчи бўлиб музей аудиториясини таҳлил қилишга уриниб кўрилган. Масалан, музей экспозициялари ва экскурсияларни идрок этишни ўрганиш илмий-маънавий ишларидаги муаммолар ҳамда қарама-қарши-

ликларни аниқлашга имкон берган. Тадқиқотлар натижасида “ғоявий фикр” билан экспозицияларни томоша қилиш принциплари орасида номувофиқлик кузатилган. Чунки музей ходимлари экспозиция ташкил этишда томошабинлар маълум маршрутга амал қилади, мавзуларни кетма-кет ўзлаштиради, деб ўйлаган. Томошабинлар эса экспозицияни бўлиб-бўлиб томоша қилишган, маршрутга амал қилмаганлар, яъни улар ўзини ходимлар ўйлагандек тутишмаган.

Шундай қилиб, тадқиқотлар музейни тўхтаб-тўхтаб (бўлиб) кўриш анъанасини шакллантириш зарурлигидан далолат берди. Бунинг учун умуман музейни эмас, балки аниқ экспозиция ва экспонатларни тарғибот қилиш кераклиги аниқланган. Тадқиқотчилар экспозицияни образли қуриш зарурлигини, бу эса уларнинг томошабинларга эмоционал таъсирини янада кучайтиришини таъкидлаганлар.

Музейларнинг экскурсия ишларини ўрганиш ҳам муҳим хулосалар чиқаришга имкон берди. Уни бир академик соат давомида кўриш мобайнида экскурсоводлар гуруҳни худуднинг барча қисмини кўрсатишга ва иложи борица кўпроқ экспонатларни кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Натижада экспозициялар материалларга ниҳоятда бой бўлганлигидан музей ашёлари юзаки кўрсатилган. Масалан, музейларнинг бирида экскурсовод 132 та экспонатни кўрсатган, экскурсия якунида ўтказилган сўровнома натижасида шулардан фақат 13 таси ташрифчилар эсида қолганлиги маълум бўлган¹⁰⁶.

Бу эса ташрифчилар умумий маълумотлар билан эмас, балки музей ашёсига мансуб аниқ маълумотлар билан қизиқишларидан далолат беради. Шунга кўра, тадқиқотчилар кўрсатиладиган объектларни қунт билан танлашни, ашёлар мазмунини чуқурроқ очиб беришни оғзаки тушунтиришни камайтириб, томошабинлар экспонатларни яхшироқ кўришига имкон беришни тавсия этганлар.

Хорижий музейларда ташрифчилар билан “қайта алоқа”га алоҳида эътибор берилади. Бу иш АҚШ, Франция, Германияда кенг амалга оширилади. У ерларда узоқ муддатли ва тизимли тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилади. Масалан, 1991 йилда Францияда музейлар бошқармаси буйруғига мувофиқ 40 та музейда томошабинларни доимий ўрганиш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Кўп музейларда музей ау-

¹⁰⁶Столяров Б.А. Художественный музей и эстетическое воспитание молодежи. – Л.: 1988. –260 с.

диториясини таҳлил қилувчи махсус бўлимлар – маркетинг ва жамоатчилик билан боғланиш бўлимлари мавжуд. Музей аудиториясини ўрганиш билан шуғулланадиган структуралар давлат даражасида ташкил этилган. Масалан, ташриф буюрувчиларни ўрганиш ассоциацияси (Канада), Музей аудиториясини тадқиқ қилиш ва баҳо бериш қўмитаси (АҚШ), Вискон университетидаги ташрифчиларни ўрганиш халқаро лабораторияси (АҚШ).

XX асрнинг сўнги йилларида музейлар фаолиятида жиддий ўзгаришлар юз берди. Янгича тасаввурларга мувофиқ, музейнинг вазифалари фақат ҳодиса, жараён, факт ва музей ашёлари ҳақида кўп билим беришдан иборат бўлмаслиги керак. Томошабиннинг сезги-эмоционал ҳолатига таъсир этиш, уни тарихий муҳитга олиб кириш, унинг тасаввурини ишга солиш музейлар фаолиятида маданий-илмий концепциясининг асосий вазифасидир¹⁰⁷. Музейга келган одам тарбиявий таъсир объекти эмас, балки тенг ҳуқуқли суҳбатдошдир, шунинг учун музейнинг аудитория билан мулоқоти монолог эмас, балки диалог шаклида бўлиши керак.

Музейда турли тоифадаги авлодлар учрашуви ва мулоқоти учун шарт-шароитлар яратиш эса яхшилик ва ёвузлик, донолик ва нодонлик, ҳақиқат ва тухмат каби хислатларнинг мазмун моҳиятини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

XXI аср бошларига келиб музейларда ўқувчи ва талабалар билан ишлаш жараёнлари бир мунча фаоллашди. Ўқувчилар категорияси ўз навбатида ёш жиҳатидан мактабгача тарбия муассасалари, бошланғич синф ўқувчилари, лицей-коллеж ва институт талабалари гуруҳларга бўлинди. Музей мутахассислари юқорида қайд этилган ҳар бир гуруҳ билан алоҳида мулоқотга киришишмоқда. Ўқувчи ва студентлар билан ишлаш тажрибаси янги йўналишларда такомиллаштирилган бўлса, мактабгача тарбия муассасалари билан мулоқот шакллари бугунги кунгача муаммолигача қолмоқда.

Хорижий музейларда ҳам бундай кичик ёшдаги аудитория билан ишлаш то XXI асргача музейларда ўзининг тўлиқ ифодасини топмаган эди. Шу сабабли ҳам ўқитувчилар ва педогоглар музейга болаларни асосан 5 синфдан бошлаб олиб бопар эдилар.

¹⁰⁷Ахунов В. М. Современные формы культурно-образовательной деятельности в художественном музее: Опыт Государственного Русского музея, автореф. дис... канд. искусствоведения. – СПб.: 2006. – С.21.

1988 йилдаги Германиядаги музейшунослик институтининг социологик тадқиқоти натижасида мамлакатдаги 1460 та музейнинг 84% и ўзининг асосий вазифасини болалар ва ёшлар билан ишлашдан иборат деб ҳисоблаган. Улардан 78,6% и мактаблар билан, 46% и эса олий ўқув юртлари билан мунтазам равишда мулоқотда бўлган¹⁰⁸.

Умуман олганда ҳозирги замонавий музейлар болалар билан ишлашнинг турли усуллари ишлаб чиқмоқдалар. Уларнинг сони ва масштаби жуда кенг бўлиб, ҳар бир музей ўзининг хусусияти ва фаолиятининг мазмун моҳиятидан келиб чиққан ҳолда иш тутиши лозим. Барча янги йўналишдаги лойиҳалар ва усуллар болаларни музейга нисбатан бўлган қизиқишини орттиради ва дунёқарашини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Музей ашёси ташрифчиларда қизиқишни, завқланишни, у ҳақида янада кўпроқ маълумот олишга ҳоҳишни орттиради. Агарда экспонат машғулоти вақти фойдаланилса ва болалар уни ушлаб кўриб, ҳис қилиш имконига эга бўлсалар, уларнинг тушунишлари осонроқ бўлади ва музейнинг томошабинлари ортади. Экспонатлар боланинг эмоционал муҳити, интелекти, тафаккури, нутқининг ривожланиши учун турли машғулотларда қўлланилади.

Ўзбекистон музейларга келаётган ташриф буюрувчиларнинг асосини деярли мактаб ўқувчилари ташкил этади. Ўсиб келаётган ёш авлодни маданий меросдан баҳраманд қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 68-сонли қарори қабул қилинди¹⁰⁹. Ушбу қарорда 18 ёшгача бўлган болалар учун давлат музейларида турган Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекцияларини бир ойда бир марта бепул кириб кўриш тартиби жорий этилди. Қарорга кўра 18 ёшгача бўлган болаларнинг давлат музейларида музей тематикасига мос ҳолда тегишли ўқув фанлари мавзularига оид машғулоти ташкил этиш ҳамда ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган

¹⁰⁸Столяров Б.А. Музейная педагогика. – М.: Высшая школа, 2004. – С. 84.

¹⁰⁹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори // “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами”, 2010 йил. – № 14-15-сон, 109-модда.

билимларни мустаҳкамлаш, миллий байрамлар, қадриятлар ҳамда буюк сиймолар ҳаёти ва ижодига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар, кечаларда иштирок этиш ва кўргазмалар ҳамда экспозицияларни кириб кўриш имкониятига эга бўлдилар.

2014 йил 11 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очиқлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 189-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш, мақсадида жорий йилдан 2–8 сентябрь кунлари Республика миқёсида “Музейлар ҳафталиги” **маданий-маърифий тадбирлари ўтказилиши анъанага айлантирилди.**



“Музейлар ҳафталиги” давомида Вазирлар Маҳкамасининг 189-сон қарорга асосан Ўзбекистондаги идоравий бўйсунитидан қатъий назар барча давлат музейларига аҳолининг бепул кириш таъминланди.

“Музейлар ҳафталиги” давомида 2014 йилда республикамиздаги 41 та музейда жами 184 та маданий-маърифий тадбирлар

(“Мустақиллик миллий ғуруримиз”, “Юртим жилоси”, “Мустақиллик йилларида Андижон”), “Маҳорат дарслари” (“Миллий ўйинлар”, “Ёш геологлар”, “Шаҳримиз тарихини биласизми?”, “Қўли гул ёш рассомлар”, “Рангли олам”, “Истиқлолнинг бахтли болалари”, “Ёш этнограф”), викториналар, учрашувлар ўтказилди. Мазкур тадбирларда 110 нафарга яқин ёзувчи ва шоирлар, 120 нафардан зиёд рассом ва ҳунармандлар, 77 тага яқин халқ ҳаваскорлик жамоалари жалб этилиб, тадбирларга 100 мингдан ортиқ аҳоли ташриф буюрди. Шулардан, 50 мингга яқинини ёшлар ташкил этди¹¹⁰.

Ўзбекистондаги бадиий музейлар орасида болалар билан ишлаш И.В.Са-

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий-маърифий муассасалар, музей ва кутубхоналар бошқармасининг 2014 йил учун ҳисоботидан.

вицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат музейида яхши йўлга қўйилган. Музей ўзининг режадаги таълим фаолияти (кўчма кўргазмалар, маърузалар, санъат ва маданият ходимлари билан учрашувлар, мастер-класс)билан бирга кўшимча йирик масштабдаги лойиҳаларни ҳам ошириб келмоқда. Мисол тариқасида британиялик Неввел Мак Бэйннинг “Музей на колёсиках” лойиҳаси музейга тақдим этилди ҳамда 2003 йил ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ушбу лойиҳа ҳозирги кунгача амалга оширилиб келинмоқда. Бу лойиҳанинг мақсади болаларда санъатга бўлган қизиқишни уйғотиш, миллий ва жаҳон санъатини



таништириш, шу билан биргаликда музейларга жалб қилишдир.

Лойиҳа гуруҳининг аъзолари ҳар ойда туман ва қишлоқ мактабларига бориб ўқувчиларга қорақалпоқ санъати ва жаҳон санъати билан таништирадilar. Маърузалар ўқиб ўқувчиларнинг қобилиятларини синаш мақсадида танловлар, қизиқарли викторина ўйинларини ўтказадilar. Ғолиб болалар учун эса музейга бепул сайёҳат уюштирилади. Лойиҳанинг дастлабки 2 йилида Қорақалпоғистоннинг 7 та туманининг 30 мингга яқин мактаб ўқувчилари халқ амалий санъати ва қорақалпоқ рассомларининг асарлари билан танишганлар. 4 мингга яқини турли мавзуларда маърузалар тинглаб музейга ташриф буюришган¹¹¹.

Бундан ташқари музейда болалар учун тасвирий ва амалий санъат тўғракларидан ташқари “Ёш гид”, “Ёш санъатшунослар” клублари ҳам фаолият кўрсатади.

¹¹¹Ишанова М. Государственный музей искусств Каракалпакистан имени И.В.Савицкого// Infolib. 2016. №3. — С. 44-45.

Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейида ҳам болалар учун амалий санъат тўғараги фаолият кўрсатиб келади. Музей Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ҳар йили болалар учун байрам тадбирларини ташкил қиладилар.

Аммо бадиий музейларимизда ёш авлод билан ишлаш жараёнида ҳам бир қанча муаммоларни кўришимиз мумкин:

- махсус болалар учун мўлжалланган экскурсия пакетларининг ишлаб чиқилмаганлиги;
- етарли даражада мактаблар билан алоқа яхши йўлга қўйилмаганлиги;
- махсус болалар учун кўргазмаларнинг кам ташкил этилиши.

Ўзбекистонда ҳам илк бора Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида “Мўжизалар оламида” болалар музейи ташкил этилди. Мазкур болалар музейи 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган барча болаларга мўлжалланган. Ушбу музей болаларнинг тарихга оид билимларини ривожлантириб, уларни тарихий давр билан ўзаро мулоқотига замин яратади. Муҳими болалар музейга кирганда нафақат уни томоша қилиш, балки турли машғулотларни бажариш, бошқа болалар билан ҳамкорликда ишлаш, қизиққан экспонатларини қўллари билан ушлаб кўриши ёки ясаб кўриши мумкин.

Ўсмирлик даврида болалар катталар қаторига кириш жараёнини босиб ўтар экан, бу даврда болаларнинг табиати, дунёқараши, одамлар билан ўзаро муносабатларининг шакллари ўзгаради ва психологиясида турли ўзгаришлар рўй беради.

Мунтазам равишда фан асосларини ўрганиш даври ўқувчилардан объектларнинг мураккаб ва абстракт муносабатларини тушунишда юқори даражадаги дунёқарашни талаб этади. Ўқув фаолияти жараёнида уларнинг дунёқарашини аналитик характерга эга бўлади, фаол ва мустақил равишда фикрлаш, чуқур муҳокама, таҳлил ва хулоса қилишга ўргатади.

Ўсмир ёшларнинг дунёқарашини ва шахс сифатида шаклланиши, ўз фаолиятида мустақилликка интилиши, катта бўлишга интилиш ҳиссиёти пайдо бўлади. Хатто улар “ўз қахрамон”ларини қидириш ва унга тақлид

қилишга ҳаракат қиладилар. Бу қахрамонлар бирор бир давлат арбоби, тарихий шахс, буюк рассом ёки мусиқачи бўлиши мумкин. Кўпинча бундай тақлидлар ўқувчиларни келажакда касб танлашида муҳим аҳамият касб этади¹¹².

Ташқи муҳитдаги воқеа ва ҳодисаларни чуқурроқ англаш мақсадида талабалар турмушда учраб турадиган кўпгина саволларга жавобни санъатдаги образлар орқали уларнинг ҳақиқийлигини билишга интилади.

Талабалар аудиториясига мўлжалланган экскурсияларда тақдим этилаётган материалнинг учта аспектини иноватга олиш даркор:

1. Англаш (интеллектни ривожланиши).
2. Ҳис этиш (музей ёдгорликларини мазмун моҳияти ва алоҳида хусусиятларини ҳис этиш).
3. Аффектив (ёдгорликка нисбатан ижодий ёндошув).

Музей ва жамиятнинг ўзаро муносабатларидаги муаммолар ечимини топиш мақсадида: музей материалларини етказиб беришнинг янги ва анча онсон йўллари топиш; маданий-маърифий фаолиятнинг ноанъанавий дастурларини ишлаб чиқиш; махсус музей структураси ва ходимлар тузилиши; катталар ва болалар таълими бўйича саволлар билан шуғулланиш каби вазифалар амалга оширилиб махсус касбий малака ва дифференциал муносабат талаб этадиган айрим тоифадаги ташриф буюрувчилар учун алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, XX асрда хорижий мамлакатларда янги турдаги фақатгина болалар аудиториясига мўлжалланган ва уларни ўзига хос билим олиш жараёнини ҳисобга олган махсус музейлар оммалашиб борди. Болалар музейининг ватани АҚШ ҳисобланиб, дастлаб 1899 йил Нью-Йоркнинг Бруклин туманида ташкил этилади. 1970 йиллардан бошлаб мустақил болалар музейлари ёки махсус болалар бўлимлари Европа мамлакатларида ҳам пайдо бўла бошлади¹¹³. Дунё бўйича машҳурликни қўлга киритган Эдинбургдаги Болалар музейи (Буюк Британия),

¹¹² Лысикова Н. Музейная андрагогика // Мир музея. 2007. № 2. – С. 22.

¹¹³ Столяров Б.А. Музейная педагогика. – М.: Высшая школа, 2004. – С. 61 .

Брюссель, Вена ва Антверпендаги “Болалар дунёси музейи”, Парижнинг Булон ўрмонидаги “Ўт устидаги музей” лари ва шунга ўхшаш музейлар Канада, Япония, Австралия, Лотин Америкаси ва Россияда мавжуд.

Агарда анъанавий музейларни ташкил этишга қоида бўйича предметлар тўплами хизмат қилса, болалар музейининг пайдо бўлишига эса педагогика асосий ўринни эгаллайди. Бу эса экспозицион ва илмий вазифаларга бўйсунган фондларни комплекшлаш сиёсатига ўз таъсирини ўтказади. Ноёб экспонатлар билан бир қаторда бу музейларда кундалик ҳаётда болалар доимо дуч келадиган кўплаб оддий предметлар ҳам ўрин олган. Асосий диққат ижодий фаолиятда, ўйинларда қўлланиладиган, ҳаракатга келтирадиган ва албатта қўлга олиш мумкин бўлган экспонатларга қаратилади.

Кўпгина болалар музейларининг экспозициялари Европанинг нодир асарлар хонаси асосида қурилган. Уларда Миср сағаналари, кўмиш маросими буюмлари, мўмиёларнинг нусхаси, ҳақиқий мастадонт суяклари, тиранозавр реконструкцияси, Африканинг диний маросим ниқоблари, Америка ҳиндуларининг вигвамлари идиш-товоқлари билан ва замонавий ҳайкаллар, 8 млрд марта катталаштирилган олмос молекуласининг модели, “Аполлон-11” коинот кемасининг ҳақиқий катталикидаги моделини кўриш мумкин¹¹⁴.

Ж.Помпиду номидаги Миллий санъат ва маданият марказидаги Болалар студиясининг бош вазифаси болаларни кўриш, эшитиш ва қабул қилишга ўргатишдан иборат. Улар болаларнинг интеллекти ва хотирасини эмас, балки ҳар бир боланинг фантазиясини рағбатлантириш, яъни болаларнинг туйғуларини тарбиялаш билан шуғулланишади. У ерда алоҳида кўринишдаги ғояларга бағишлаб ташкил этилган расм, ранг, ҳажм, пластика, мусиқа тўгаракларида ўқитишнинг ноанъанавий усулидан фойдаланишади. Студиянинг интерьерлари ва жиҳозлари болаларнинг ҳохишларини инобатга олган ҳолда ва бевосита улар иштирокида яратилган. Поли эса кўм-кўк майсазорга ўхшатиш билан бўлиб, атрофига сунъий ва тирик гуллар қўйилган, бекинмачоқ ўйини учун кўплаб пана жойлар, катта фрескалар яратиш мумкин бўлган махсус деворлар, мусиқа майдончасига келиб қандам босиши биланоқ худди унинг ҳаракатларига жўр бўлаётгандек куй янграй

бошлайди. Буларнинг барчаси болаларни музейларга жалб қилиш ва ташриф буюрувчилар кўламини кенгайтиришга қаратилган¹¹⁵.

Лекин музейларнинг жамият маънавий-маърифий ҳаётидаги муҳим аҳамиятига қарамай, унинг тарбиявий имкониятларидан ҳозирги кунда жуда кам фойдаланилмоқда.

Музейларнинг таълим-тарбиявий вазифасидан келиб чиққан ҳолда уни амалга ошириш учун музейшунослик фанидан “музей педагогикаси” соҳасини яратиш долзарб муаммо бўлиб турибди. Чунки ҳозирги даврда турли ёшдаги болалар билан музей ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқа тизимсиз, маълум мақсадга йўналтирилмаган ҳолда олиб борилмоқда. Музейлар ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашда маданий-тарихий, табиий-илмий қадриятларни йиғувчи ижтимоий институт саналади. Шунинг учун ҳам музей ва мактабларнинг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятига тизимли ва дастурли ёндашиш талаб этилади.



Музейларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини назарда тутган ҳолда уларни мактабга яқинлаштиришгина эмас, балки таълим муассасаларини ҳам музейга яқинлаштириш, яъни ҳамкорлик педагогикасини амалга ошириш зарурияти сезилмоқда.

Музей педагогикаси музейшунослик фанининг янги соҳаси бўлиб, унинг асосида музей шароитида маданий-маънавий ёдгорликларни келажак авлодга етказишга йўналтирилган илмий-амалий фаолият ётади. Бу соҳа хорижий музейшуносликда кенг ва бой тажриба орттирилган.

1934 йилда Германияда “Музей педагогикаси” тушунчаси биринчи марта истеъмолга киритилди. Я.К. Фризеннинг фикрига кўра, музей педагогикаси – бу маърифий ишлар ва музей дидактикасига таянадиган, музей воситалари билан бадиий

¹¹⁴Юрєнева Т. Ю. Музей в мировой культуре. – М.: Русское слово, 2003. – С. 335.

¹¹⁵ Жироди, Даниэль. Детская студия при национальном центре искусства и культуры имени Жоржа Помпиду. – Париж // Museum. 1982. № 3. – С. 17-18.

тарбиянинг анъанаси ҳисобланади¹¹⁶.

Ф. Фогт фикрича, музей педагогикаси – бу музейлараро ҳамда уларнинг кол- лекциялари ва ташриф буюрувчилари ўртасидаги воситачилик фаолиятидир¹¹⁷.

Мактаб ва музейнинг ўзаро муносабатлари билан “музей педагоги” тушунча- сини биринчилардан бўлиб истеъмолга киритган, 1939-1944 йилларда Берлин этно- графия музейида “Мактаб ва музей” бўлимининг раҳбари А.Рейхвейн ҳам шуғул- ланди.

Жамиятнинг барча қатламларига энг кўп таъсир кўрсатиш учун музей билан мактабни ягона мақсадда бирлаштирган, унинг биринчи директори Г. Коль музей- нинг таълимий моҳиятини чуқур англаб етган ҳолда: “... Музей ва галереялар ўз ол- дига таълимий мақсадни қўймас экан, улар зерикарли ва фойдасиз муассаса бўлиб қолаверади”, дейди. Г. Колнинг ўқувчи ва талабаларнинг кўплаб авлодига фойда келтирган бундай фикри музейларнинг таълимий фаолияти моделини шаклланти- ришни тақозо этди ва ушбу йўналишда музей сиёсатига жиддий таъсир кўрсатди.

Музейдаги машғулотлар муваффақиятини Берлиннинг мохир педагоги Г.Фройденталь қуйидаги шарт-шароитлар билан боғлайди: музейларга бўлган ҳар бир ташриф аниқ ўқув мақсадига эга бўлиши; музейга ташрифни болаларнинг мак- табда машғулотлардан чарчаган пайтида эмас, балки у ердаги манбаларни идрок этишига тайёр бўлган пайтида уюштириш; болаларгагина эмас, катталарга ҳам тинглаш учун оғир бўлган обзорли экскурсиялардан воз кечиш; болаларнинг мав- зулар бўйича мустақил ижодлари (расмлар, иншолар, яратган моделлари) музейга ташрифларининг якуни бўлиши лозим.

Г.Фройденталь болалар билан музей таълим жараёнини ташкил этишга тайёр бўлган мутахассисларни музей педагоги деб атаган ҳолда катта ёшдаги болалар учун техника ва махсус музейларда, кичик ёшдаги болаларни эса ўлкашунослик, табиий-илмий ва бадий музейлар билан таништиришдан бошлашни тавсия этди¹¹⁸.

¹¹⁶ Юхневич М.Ю. Яповеду тебя в музей: Учеб.пособие по музейной педагогике. – М., 2001. – Б.12.

¹¹⁷ Столяров Б.А. Музейная педагогика. – М.: Высшая школа, 2004. – С. 84.

¹¹⁸ Юхневич М.Ю. Я поведу тебя в музей: Учеб.пособие по музейной педагогике. – М.: нашриёт номи, 2001. – С. 12.

Кейинги йилларда таълим соҳасидаги ислохотлар Россияда ҳам музей пе- дагогикаси соҳасида бир қатор тадқиқотлар амалга оширилдики, булар хорижий мамлакатларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, бу борада Б.А. Столяровнинг тадқиқотлари диққатга сазовор¹¹⁹. У “Музейная педагогика” китобида музейлар- нинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрнига эътибор берган ҳолда бу борадаги жаҳон тажрибаларини ҳам ўрганган ҳолда ҳозирги даврда унинг назарий жиҳатларини асослади. Музей экспозициялари билан иш олиб боришнинг шакл ва методларини тавсия этди, турли ёшдаги болалар ва музей экспозициялари билан ишлаш, энг муҳими музей ва мактаб алоқадорлиги моделини ишлаб чиқиб, бу борада музей педагогини ҳамда ўқитувчини тайёрлаш бўйича илмий-амалий тавсиялар берган.

Ўзбекистонда эса музей педагогикасига ўтган асрнинг охирларидан эъти- бор берила бошланди. Тўғри, музей экспозицияларидан таълим-тарбия мақсадида унинг тарихий тараққиётида ҳамма вақт ҳам фойдаланилган. Лекин жамият маъна- виятини юксалтириш устувор йўналиш касб этаётган ҳозирги шароитда бу муаммо янада долзарблик касб этмоқда. Чунки ҳозирги даврда турли ёшдаги болалар билан музей ва таълим муассасалари ўртасидаги алоқа тизимсиз, маълум мақсадга йўнал- тирилмаган ҳолда олиб борилмоқда.

Кузатишлардан маълум бўлдики, музейларнинг умумтаълим жараёнига ки- ribs келиши нафақат инсонни ҳам психологик, ҳам ахлоқий жиҳатдан шакллани- шида, балки ҳозирги ўзгараётган даврда яшашга, ижтимоий-маънавий ислохотлар- нинг субъекти бўлишига ҳам ёрдам беради, яъни ўқувчи музейлардаги маънавий меросни кўриб, ўрганиб, уни англаб олиши натижасида ўз ҳаёти фаолиятига ҳам мазмун киритади. Чунки музей ва таълим муассасаларининг ўзаро алоқаси маъна- вий бойликлар, санъатда акс этган ҳодиса ва воқеалар, инсон ички ва ташқи ҳаётида янгидан яшаш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ҳам музей ва мактабларнинг таълим-тарбия соҳасидаги фаолиятига тизимли ва дастурли ёндашиш талаб этили- ши лозим.

Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг кўламли қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул

¹¹⁹ Столяров Б.А. Музейная педагогика. – М.: Высшая школа, 2004.

қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда ўқувчига етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнига музей педагогик технологияларини татбиқ этиш билан музейга ташриф буюрувчиларнинг қизиқишини орттириш ва таъсирланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Республика “Ўзбекмузей” жамғармаси томонидан 2011 йилда 18 май – Халқаро музейлар кунига бағишлаб илк маротаба музей мутахассислари иштирокида “Музейларда замонавий таълим технологиялари” мавзусида семинар ҳамда шу йили 12-17 сентябрь кунлари Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Гёте институти ҳамкорлигида “Музей педагогикаси. Замонавий санъат билан танишишнинг долзарб методлари” мавзусида ўқув тренинги бўлиб ўтди. Тренингни Германиянинг Музей педагогикаси Ассоциацияси аъзоси Сюзанне Ристов хоним ҳамда Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси директори ўринбосари Камола Акиловалар олиб бордилар. Республикамиздаги барча музейлардан саралаб олинган илмий ходимлар бир ҳафта давом этган ушбу ўқув тренингида гуруҳларга бўлиниб, турли тоифадаги ташриф буюрувчилар билан ишлаш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида тақдимотини ўтказдилар.

Демак, кадриятларимиз тарғиби аввало инсон манфаатлари учун, ёшларимизнинг маънавий баркамоллигини таъминлаш учун хизмат қилиши лозимки, бундай тарғиботни амалга оширишда музейларнинг ўрни бекиёсдир.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда бугунги кунда музейларимиздан аҳолининг маънавий тарбиясини кўтаришда барча мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланаяпмиз деб бўлмайди. Музейларда нафақат адабиёт, тарих, меҳнат, расм фанларини, балки аниқ фанлардан физика фанини ҳам дарсга боғлаб ўтиш мумкин. Ҳаммамизга маълумки, ўқувчилар физика, химия фанларини ўзлаштиришда қийналишади. Демак, ўқувчиларни музейда физикага оид қонунлар кашф этилган даврга саёҳат уюштириб, нима учун айнан шу даврга келиб шу қонун кашф этилганлиги, унинг сабаблари, ўша даврда инсонларнинг яшаш тарзи, турмуши ҳақида амалий ва тасвирий санъат асарлари орқали сўзлаб берилса уларда фанга нисбатан катта қизиқиш уйғотиш билан бирга тасаввурини кенгайтиришга

ҳам ёрдам беради¹²⁰.

Аввало, мактаб ўқувчиларини музейларга олиб келиб, улар билан у ёки бу фаннинг бирор мавзуси бўйича олиб борилаётган машғулотлар юзаки эмас, балки чуқур ва мароқли бўлишига эришмоғимиз лозим. Бунинг учун мактаб ўқитувчиларининг ўзлари музейларга олдинроқ келиб, ўтадиган мавзусига оид музейларда қандай материаллар борлигидан хабардор бўлиб, сўнгра ўқувчиларга машғулотни мароқли ўтказишнинг усулларини обдон танлаши зарур. Акс ҳолда бундай машғулотлар зерикарли бўлиб қолади.

Демак, музейлар-маънавият манбаи экан, улардан халқимизнинг маънавиятини кўтаришда самарали фойдаланиш бугуннинг долзарб вазифаси – бу музей ва ташриф буюрувчилар ўртасида алоқада музей материалларини етказишнинг осон ва янги йўллари излаб топиш, маънавий-маърифий фаолиятида ноанъанавий дастурлар ишлаб чиқиш, музейлар воситасида болалар таълимининг самарали йўллари кашф этиш, музейларда сервис хизматини талаб даражасида ташкил этиш, музей педагогикаси бўйича тадқиқотлар олиб боиши замонавий музейлар ишини янгилашда ечимини кутаётган муаммолардир.

Музей ходимлари ўзларининг илмий потенциаллари ва бошқа илмий муассаса олимлари билан биргаликда музейларда сақланаётган манба ва ёдгорликларни чуқур ўрганиш орқали халқимизнинг маънавий, ахлоқий, мафкуравий ҳаётининг тарихий илдизлари ҳақида асарлар яратиш, матбуот, телевидение ва радиода қизиқарли чиқишлар билан халқимизнинг, айниқса ёшларнинг баркамоллиги ва миллий меросимизни қадрлаш руҳида тарбиялашга эришиш.

Хулоса қилиб айтганда, музей ишини янгилашда музей ва ташриф буюрувчиларнинг ўзаро алоқаси, яъни коммуникация масалаларини ҳам ҳал этиш муҳим муаммолардан ҳисобланади. Бу борада унинг назарий, амалий асосларини ҳисобга олган ҳолда музей ишини ўрганиш, режалаштириш ва ташкил этишни лойиҳалаштириш назарда тутилади. Музейлар ишининг ахборот тизимини шакллантириш ҳозирги даврда муҳим экан, музейларни компьютерлаштириш, уларни Интернет тармоғига улаш, мултимедиа дастурлари ва барча музейлараро ягона ахборот тизи-

¹²⁰Дресвянская Г. Я. Музей и общество // Мозийдан садо. – Ташкент, 2000. – № 1-2. – С. 30-33.

мини шакллантириш орқали масофадан ўқитиш технологиясини ривожлантириш долзарблик касб этмоқда.

3.2-§. Бадий музейлар имиджини шакллантириш ва реклама фаолиятини ривожлантириш истиқболлари

Жаҳон музейлари кундан кунга томошабинларга яқинроқ ва тушунарлироқ бўлиб, сўнгги йилларда уларнинг деярли барчаси ўз стилларини ҳамда консерватив логотипларини ёрқин ва замонавий логотипларга ўзгартиришмоқда.

Бугунги кунда бутун дунёда музей дизайни соҳасида, аввал экспозиция, кейин эса график дизайн соҳасида ёрқин кўтарилиш бошланди. Кейинги уч-тўрт йил мобайнида жаҳоннинг энг машҳур музейлари ҳам янги логотип ва услубни намоёништиришди. Афсуски бу рўйхатга Ўзбекистон музейларини кирита олмаймиз.

Ребрендинг — фаол маркетинг стратегиясини ифодалаб, брендни ёки уни ташкил қилувчи қисмларни ўзгартириш бўйича қуйидаги тадбирлар мажмуини ўз ичига олади: ном, логотип, шиор, намоёниш қилишни ўзгартирган ҳолда ташқи безатиш. Бренднинг асосий мафкурасини ўзгартириш ўзанида амалга оширилади¹²¹.

2000 йиллар бўсағасида юз берган кўринувчи моданинг ўзгариши бутун дунёда музейлар ва маданият муассасалари ребрендининг ўзгаришига олиб келди. Бу кўпинча музей майдонларининг кенгайиши ёки уларнинг тубдан ўзгариши билан бир вақтда юз бермоқда. Масалан, 2016 йил январида Herzog & de Meuron (Сунитч-хаус, анчадан бери меценат Леонард Блаватник номи билан аталади) лойиҳаси бўйича қурилган янги бинонинг очилиши арафасида Лондондаги North бюроси томонидан бажарилган Тейт галереясининг янги логотипи пайдо бўлди¹²². Дизайнерлар олдида қуйидаги тўрт алоҳида музейдан иборат тармоқни томошабин нигоҳида бир вақтнинг ўзида бирлаштириш ва айна пайтда чегаралаш вазифаси турарди: Тейт Бритен, Тейт Модерн, Ливерпулдаги Тейт ва Сент-Айвзедаги Тейт. North ло-

готипининг ранги масаласини ҳал қилиш учун Мартин Крид билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўнтача хилдаги вариантдан фойдаланилди, М.Крид 2015 йилда Тейтнинг «ваколатли рассоми» этиб танлангани ва пардозчилик лаёқатини талаб қилувчи ушбу фахрий вазифада сентябргача ишлади. Логотипнинг ранги ҳар бир неча йилда музей танлаган навбатдаги замонавий рассом билан бирга ўзгариб боради.

2013 йилнинг май ойида пайдо бўлган Америка санъат музейининг янги қиёфасини намоёниш қилиш ҳам 2015 йилда Ренцо Пьяно лойиҳаси бўйича қурилган янги бинонинг очилишига режалаштирилганди. Амстердамдаги Experimental Jetset студиясининг иши бўлган кўп вазифали зигзаг логотип омма ва танқидчилар томонидан кўтаринкилик билан қабул қилинди. «Ушбу оддий лого ўйлаганимиздан кўра ақллироқ чиқди», дейишмоқда улар ва янги логотипни «ҳозиржавоб» деб аташмоқда¹²³. У осон ўзгаради, музей коллекциясидаги ишлар билан бирга сон-саноксиз кўп вариантларни яратишга хизмат қилади. Ўзгармас шрифтларни ва композицион тўрни сақлаб қолган ҳолда логотип ўзгариши ва турли маънолар билан тўлдирилиши мумкин.

Қолаверса, янги график ечимлар кўпинча жиддий баҳсларни келтириб чиқаради. 2016 йил феврилида қизил фонда икки қаторда ёзилган «THE MET» ёзуви пайдо бўлди. Қарийб ярим асрдан, яъни 1971 йилдан бери Divina Proportione (1509) ижодига мансуб уйғониш даври рисоласидан олинган ва Леонардо да Винчининг «Витрувиан инсони» асари бўйича қурилган «М» ҳарфи Нью-Йорк Метрополитен-музейини англатарди. Янги логотип музей соҳасидаги кўп ишлари билан машҳур Wolff Olins агентлигининг Америкадаги бўлими томонидан икки йил давомида ишлаб чиқилди. Бу агентлик томонидан Виктория ва Альберт музейи, Қатар музейи, Сан-Францискодаги Осие санъати музейи, Смитсоновский институти, Нью-Йорк Янги музейлари учун янги қиёфаси яратилган. “New York Magazine” (“Нью-Йорк Журнали”) журнали танқидчиси Жастин Дэвидсон Метрополитен-музей логотипининг янги дизайнини кескин тўхтаб қолган икки қаватли қизил автобусга қиёслади. «Буни кўриб, кўзингизга муолажа талаб қилинади», — деб ҳисо-

¹²¹Музейный брендинг. <https://wedesigngroup.ru/blog/corporate-style-museum-design-wedesign/>

¹²²Museum Design: Architecture/Culture/Geographical Environment. - Sendpoints Publishing Co. 2015. –P. 132.

¹²³Ирина Борчард. Брендинг музеев – мировой опыт. medium.com/@DREAMBRAND/брендинг-музеев-мировой-опыт-7f12d95ee0f1

блайди у. Машхур дизайнер Карим Рашид ушбу масала бўйича бундан ҳам кўра кескин фикр билдирди: «Бош ҳарфлар билан ёзганда «кўнг-ил-ни ай-ни-та-ди»». Бундай қабул қиломаслик музейнинг тўла номини ўзгартириб, қисқа ва сўзлашувдаги номини қабул қилишга олиб келди, чунки доимий ташрифчига мумкин бўлган нарса, ҳар замонда бир келувчи сайёҳ учун эмас, янги график ечим эса Метрополитеннинг кўп йиллик тарихини кўрсата олмайди.



Wolff Olins студияси ходимлари «Биз муҳокамага муносиб нарсаларни яратишни хоҳлаймиз», – дейишади, ҳақиқатан ҳам барча танқидларга қарамасдан «THE MET» логотипи трендни белгиламоқда.

Третьяков галереяси ҳам шу қоидага амал қилиб, ўзининг кўринувчи рамзи битта «Т» ҳарфигача қисқартирди.

Музей номи кўрсатилган ёзувда ёрқинлик ва таъсирчанлик мужассамлашган логотипларнинг бундай турини қарийб эскига чиқармайди. График дизайннинг энг кучли миллий мактабларидан бири бўлган голланд мактаби айнан шундай ишлари туфайли шуҳрат қозонди. Дизайнер Ирма Бум 2012 йилда Пауль ван дер Ланнинг шрифти асосида яратган Рейксмузеумнинг янги логотипи бошқа таниқли голландларнинг – Dumbaг студиясининг аввалги 32 йил давомида мавжуд бўлган иши ўрнини эгаллади. Янги логотипда асосийси – деталлар дарҳол кўзга ташланмайди. Фақат голланд тилида учрайдиган бир товушни ифодаловчи «I» ва «J» ҳарфлари-

нинг бирга уйғунлаштирилиши унинг ўзига хос фарқли жиҳати бўлди. Ўша 2012 йилнинг ўзида Mevis & Van Deursen бюроси (Арманд Мевис ва Линда ван Дёрсен) томонидан бажарилган Стеделейк-музейнинг янги айдентикаси тақдим этилди, у лондонлик дизайнер Радим Пешконинг шрифтидан фойдаланиш асосига қурилган зоҳидона икки рангли композициядан иборат эди. Ирина Горячева: “Ҳозирда ушбу анча киноя уйғотувчи “S” монограммаси амалда мумтоз асар бўлиб кўринади. Агар сиз бу музей маконига кирмаган бўлсангиз ва музейнинг ташрифчилар билан ўртасидаги коммуникациясини, уни тараққиётини ўз кўзингиз билан кўрмагунингизча, бу сиз учун тушуниб билмайдиган айдентиканинг мисолларидан бири бўлиши мумкин», деб тушунтиради дизайнер.

Катта тарихга эга бўлган дизайн-студиялар, қоида тариқасида, ўз ўтмишдошларининг ишларига ҳурмат билан мурожаат қиладилар. Британия музейининг логотипи 2012 йилда бироз ўзгаришларга учради: «The British Museum» номи энди музей ташкил топган 1753 йилда Жон Баскервилл томонидан яратилган Baskerville шрифтида ёзиладиган бўлди. Бир қарашда билиб олинмиш – логотип учун зарурий шартдир. Пайдо бўлган пайтда «модернлиги» билан оммани жунбушга келтирадиган ва визуал жиҳатдан лол қолдирадиган логотип қисқа вақтдан кейин музей қиёфасининг ажралмас қисми бўлиб қолади ва график дизайнер иши сифатини текшириш йўлларида бирига айланади. Британия музейида фирма стилининг айрим қисмлари ва унсурларини янгилаш устидаги ишлар тўхтатилмаяпти.

1960–1980 йилларда МДХ давлатларида Совет саноат графикаси мактаби юксалиб, кўплаб эсда қолувчи эмблемалар ва товар белгилари яратилган эди. Аммо СССРдаги кўплаб соҳалар каби график дизайн ҳам кундалик воқеликдан узилган ҳолда фаолият олиб борди – товарлар мўл-кўлчилигини эмас, фақат соц-арт санъатини вужудга келтириши мумкин бўлган совет рекламаси капиталистик рекламадан шундай фарқ қиларди. Графиканинг бадиий ёрқинлиги режали иқтисодиётда маданий маҳсулотни кўпайтириш стратегиясининг йўқлиги ўрнини боса олмайди, фирма стилининг яхлитлиги совет дизайнерига ва унинг буюртмачиларига яхши тушунарли эмас эди – бунинг оқибати мамлакат графика дизайнида бугунги кунгача ҳам сезилмоқда. Мамлакатимизда дизайнернинг иши анъанавий равишда паст

баҳоланган. Масала шу билан мураккаблашадики, айрим музейларгина таниқли дизайнерлик студиялари билан ҳамкорлик қила олишлари мумкин, уларнинг ишлари қимматлиги танлов талабларига жавоб бермайди. Дизайнер Андрей Шелютто тўғри қайд қилганидек, “кўпинча музейнинг иқтисодий ҳолатидан келиб чиқиб, ребрендинг қилинади, бу эса албатта музейнинг ижтимоий мавқеига зиён етказади. Бу ҳолатда дизайн ҳам кўпинча абгор бўлади. Одатда айнан ана шундай музейлар яхши дизайнерга эмас, балки тажрибага эга бўлмаган бюро ёки агентликларга му рожаат қилиб, иккинчи хатони содир этадилар. Ўйлашимча, улар ижодий шахс ол дида жуда катта кўрқувни ҳис қиладилар, рассомга ишонмайдилар. Уларнинг му зейи ҳам шунга яраша бўлади”, деб ҳисоблайди.

2013 йилда Политехника музейининг янги фирма стилини ишлаб чиқиш бўй ича танловда График дизайн олий академик мактабининг битирувчилари Ирина Иванова ва Анна Кулачёк ғолиб чиқишди. Икки ёш ва мустақил дизайнернинг ға лабаси – мамлакат амалиётидаги қарийб ноёб ҳодисадир. «Таниб олиш ва мосла шувчанликнинг уйғунлиги ушбу айдентикадаги энг яхши жиҳатдир. У бир вақт нинг ўзида кўп вазифани бажаради, мавжуд вазифаларга осон мослашади, аммо танилиш имкониятини йўқотмайди. Жуда рангбаранг унсурларга разм сола туриб, сиз барибир дарҳол беҳато айтишингиз мумкин: бу Политехника музейи», деб ҳи соблайди Ирина Горячева. Фан ва техника тилини, кимёвий элементлар ва электр занжирлари қурилишининг схемаларини асос сифатида олган Иванова ва Кулачёк ишончли графикани яратишга муваффақ бўлишди.



Музейнинг бой тарихини таъкидлаш зарур бўлганда эски тасвирларнинг стилистикаси графика асосига яхши мос келади. 2015 йилда Владимир Потанин хайрия фон дининг грантига «Проектор» студияси томонидан ишлаб чиқилган Буюк Пётр номидаги антропология ва этнография музейининг фирма стили учун XVIII аср гравюрасидаги Кунсткамеранинг силуети асос сифатида олинган эди – Нева дарёси бўйидаги бош бинолардан бир эди, унинг олд қисми-

даги совуқ яшил-кўк ранг эса асосий ранг ечими бўлди¹²⁴. Шаффоф ранг плашкалар стилнинг замонавийлиги учун жавоб беради, Пётр давридаги шрифтлар эса анъана ни сақлаб туради (Голландияда қуйилган шрифт гарнитуралари 1708 йилда жорий қилинган биринчи рус фуқаро шрифтининг асоси бўлди).

Яқинда Давлат Третьяков галереясининг янгиланган логотипи пайдо бўлди. Томошабинлар билан мулоқот тилининг янгиланиши, мулоқотнинг бир қарашда та ниб олинадиган ягона тизимининг яратилиши янги фирма стилининг вазифалари ҳисобланади. «Ҳар бир майдонча ва муҳим йўналишлар учун тўғри жойни топиш мақсадимиз бўлди: архитектура брендида – таълим, фан, тадқиқот, кино, ноширлик дастури ҳамда босма ва онлайн-маълумот ташиш манбаларининг турли шакллари га осон мослаша олиши мумкин бўлган қулай яхлит визуал тизимни яратиш назарда тутилди», дейди Третьяков галереясининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими бо шлиғи Лариса Бобкова.




Янги логотип – ОНУ студиясининг иши бўлган «Т» ҳарфи ёқиши ёки ёқмаслиги мумкин. Третьяков галерея сини шунчаки Третьяковка деб аташда ҳеч қандай ҳақо рат оҳанги йўқ: лексик соддалаштиришдан кейин визуал аниқликка интилиш керак.

Голландиянинг эслатиб ўтилган Dumbaг студияси 2014 йилда Гаагадаги қироллик Маурицхейс галереясининг айдентикасини ярата туриб, шундай усулни қўллади: у музей номини бирга ёзиладиган «Mh» литеригача қисқартирди.

Москва Кремли музейларида ҳам янги фирма стили пайдо бўлди. Уларнинг директори Елена Гагаринанинг сўзларига кўра, қарор аллақачон пишиб етилган ди, бу йирик ва таниқли музей учун қонунийдир. Пётр Банковнинг «ДизайнДепо» студияси томонидан ишлаб чиқилган мослашувчан ва динамик стил ўз вазифасига эга бўлди ва барча турфа хил реклама-ахборот материаллари учун мос келади. Сту дияда айтишларича, музей бинолари архитектураси мотивлари бўйича нақшлар дан, уларнинг декорларидан, ички деворий расмлар ва экспонатлар элементларидан

¹²⁴ Брендбук Кунсткамеры. <http://projector.media/portfolio/kunstkamera/>

жамланган мозаика янги стилнинг асоси бўлди. Пётр I тарафидан жорий қилинган фуқаролик шрифтининг график стилистикасига хос бўлган шрифт ечимини қайта такрорлаш логотипнинг асосий элементи бўлди. Палитрада асосий ўрин эгалловчи тўқ-қўқ ранг Кремль биноларининг интерьерлари ва экстерьерлари ранглари билан яхши мос келади, у навигацияда ишлатилади ва томошабинларга музейлар ҳудудларида яхши йўналиш олишга ёрдам беради.




Икки катта музей томонидан қабул қилинган янги айдентика қолган музейлар учун ўзгаришлар фойдасига яна бир далда бўлиши мумкин, ваҳоланки, дизайн масаласига келганда айтиш мумкинки, МДХ давлатлари музейлари шу жумладан Ўзбекистон музейлари бу масалада ўта консервативдир.

Ўзбекистон давлат санъат музейининг логотипи 2002 йилларда музей бош муҳофизи Мирфайзи Усмонов томонидан музей экстерьерлари асосида ишлаб чиқишига қарамай логотипдан деярли фойдаланилмади. 2014 йилга келиб логотипга бироз ўзгартириш киритилади ва бугунги кунгача фақатгина музейнинг расмий сайти, таклифномалар ва афишаларда фойдаланиб келинмоқда.

Ўзбекистон амалий санъати ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи 1937 йилдан 2021 йилгача бўлган фаолиятида умуман музей логотипини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш масаласи кўтарилмаган. 2021 йил май ойида 18 май – Халқаро музейлар куни муносабати билан

Маданий мерос агентлигида ўтказилган республика музейлари семинарида музей директори И.Юсупов томонидан тайёрланган презентациясида логотип сифатида музей экстерьерларидаги коштин фрагментидан фойдаланган.

И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг логотипи ҳам 2014 йил музей реставратори, рассом Алвина Шпаде ҳамда Web-дизайнер Азамат Маткаримов томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бу логотипда ҳам музей би-



**O'ZBEKISTON AMALIY SAN'AT
VA HUNARMANDCHILIK TARIXI
DAVLAT MUZEYI**

носининг экстерьерлари акс эттирилган (логотип илова қилинади).



«Маданият тузилмаларининг айдентикасига ҳамиша шиддатли ҳужумлар бўлади. бу соҳада қилинаётган нарсалар умуман олганда, дизайнлик касбини олға ривожлантириши керак. Ушбу ҳудудда энг янги, кўпинча баҳсли ва кўп маъноли график ечимлар синаб кўрилиши мумкин», деб ишонч билдиради Серик Пирматов¹²⁵.

Айдентика – бу ягона уйғун тузилма доирасида жойлашган геометрик чизиқлар ва фигуралар, график рамзлар тўпламидир. Айдентиканинг бош мақсади – ёрқин визуал тимсоллар ёрдамида компанияни рақобат муҳитида самарали ажратиб кўрсатиш ва миждозларнинг мойиллигини, фирманинг таниқлилигини кўпайтириш.

Айдентика бир неча асосий қисмлардан иборат бўлади:

- Логотип – айнан ана шу алоҳида график белги асосида корпоратив стиль яратилади;
- Фирма стили – компаниянинг визуал қиёфаси;
- Брендбук – фирма стили билан ишлаш бўйича қўлланма.

Ҳам фирманинг ўзининг, ҳам унинг маҳсулотлари ёки кўрсатадиган хизматларининг таниқлилигини таъминлашга хизмат қилувчи логотип айдентиканинг маркази ҳисобланади¹²⁶. Ушбу рамз ёки эмблема ташриф қоғозларида, блокнотларда, бланкларда, конвертларда, совға маҳсулотларида, хизмат либосларида, товар этикеткаларида акс эттирилади. Бир қарашда мунтазам такрорланувчи битта рамзнинг ўзи кам жозибали кўриниши мумкин. Аммо аслида бундай эмас. Логотипнинг мунтазам такрорланиши компаниянинг яхши эсланиб қолинишига ва савдо даражасининг ошишига ёрдам беради. Супермаркетга келган харидор жуда рангбаранг товарлар ичидан таниш белги мавжуд бўлган товарни танлайди. Логотип – бу шунчаки сўз ёки ёрқин картинка эмас, у анча кўп нарсани ифодалайди. Маҳорат

¹²⁵ Пирматов Серик – Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Амалий графика ва реклама кафедраси доценти. Халқаро танловлар ғолиби.

¹²⁶ Каримова Г. Реклама ва дизайн. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б.75.

билан яратилган логотип компания ҳақида кўп нарсани сўзлаб беради: унинг тарихи, машғулоти тури, сотиладиган товар, рақиблардан фарқи.

Фирма стили – фирманинг образидир. У қанчалик ёрқин ва ноёб бўлса, компаниянинг рақиблар оқимидаги танилиш имконияти шунча кўп бўлади, аксинча бўлса, замонавий бозор шароитларида ўхшаш фирмалар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида осонгина йўқолиб кетиши мумкин. Бизнесни муваффақиятли олиб бориш учун уларнинг фонида ажралиб туриш зарур. Фирма стилини ишлаб чиқиш ушбу мақсадга эришиш учун энг самарали воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг ўзи нима?

Фирма стили – савдо маркасини аниқлашга ва рақобат муҳитида ажралиб туришга имкон берувчи муайян визуал элементларнинг мажмуидир. Ноёб ранг ва график ечимларни танлаш, қизиқарли стилистик ёндашувларни қидириб топиш уни яратишга киради, кейинчалик улар фирма бланкларида, ташриф қоғозларида, совға маҳсулотларида, реклама материалларида безак сифатида ишлатилади. Якка фирма стилини яратиш бўйича ишлар тугагандан кейин ундан фойдаланиш бўйича қўлланма – брендбук тузилади.

Брендбук – ички корпоратив мулкдир, у рақобатчилардан кўз қорачиғидек асралади. Бу қўлланма ёпиқ ахборот ҳисобланади, у фақат компаниянинг ички иши учун мўлжалланган¹²⁷. Брендбук – бу маълум қоидалар тўплами бўлиб, унда фирма стили элементларидан фойдаланишнинг ўзига хосликлари тавсифланган. Аммо у нафақат график стандартлар (шрифтлар, ранглар) бўйича қоидалар тўплами, балки савдо маркасининг моҳияти, унинг бош ғояси, вазифаси, қадриятлари, фалсафаси тавсифланган қандайдир бир китоб ҳам бўлиб ҳисобланади. Унда бошқа рақобатчилар билиши керак бўлмаган маҳсулотнинг хусусиятлари, корпоратив маданият ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳақидаги асосий маълумот сақланади.

Кўпинча фирма стили ва брендбукни аралаштириб юборишади, уларни тенг маъноли терминлар деб ҳисоблашади. Аммо улар бутунлай бошқа тушунчалардир, уларнинг ҳар бири ўз вазифасини бажаради. Фирма стили харидорлар кўз ўнгидан компаниянинг нуфузини шакллантиради. Брендбук – бу фирма стилини яратиш

¹²⁷ Ирина Борчард. Брендинг музейев – мировой опыт. medium.com/@DREAMBRAND/брендинг-музейев-мировой-опыт-7f12d95ee0f1

бўйича қоидалар тўпламидир. Яна бир муҳим тафовут – бу мақсадли аудиториянинг ҳар хиллигидир. Фирма стили истеъмолчилар учун яратилади ва компаниянинг ташқи фаолиятида ишлатилади. Брендбук – фақат компания ходимлари учун очиқ бўлган ички ҳужжатдир. Фирма стили кўп миқдордаги харидорларни жалб қилиши керак, бу харидорлар магазинда кўрадиган визуал образдир. Бундай пайтда брендбук – бу фақат фирманинг ходимлари ҳисобланувчи дизайнерлар, рассомлар, дастурчилар танишиши мумкин бўлган махфий маълумотдир.

Тадқиқотимизда Ўзбекистон бадиий музейларининг қиёфасини шакллантириш уч босқичга бўлиб тақлиф ишлаб чиқилди:

1. Музейнинг ўзига хос кўриниши ва қиёфасини яъни бошқаларга ўхшамаган образини яратиш.

Буни 1994 йилда И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи тажрибаси мисолида кўриш мумкин. Бу музейнинг қиёфасини яратишда унга ақлли, масъулиятли, ҳар томонлама шаклланган, қизиқувчан, ёшидан қатъий назар янги билимларни эгаллашга ва камолот сари қатъият билан интилишга ҳаракат қилган инсон қиёфасини шакллантиришда И.В.Савицкийнинг тимсоли олинган¹²⁸.

Музейнинг афишалари, тақлифнома ва кўргазмаларида И.В.Савицкийнинг суратини ёки у яратган асарларини тушириш одат тусига айланди. Унинг фикрлари музейнинг шиорига айлантирилиб, ташриф буюрувчилар орасида “Савицкий музейи” деган қисқагина ном тобора оммалашиб бормоқда.

Имиж – бу абадий нарса эмас, уни қайтадан ҳосил қилиш ёки ўзгартириш мумкин. Музейнинг имижини нафақат у ҳақдаги ижобий баҳолар ёки аниқ ҳаракат дастурлари, балки музей маҳсулотларида акс этадиган музей брендини ҳам ҳосил қилади. Маҳорат билан тайёрланган музей нашрлари, видеофильмлар ва замонавий ахборот технологияларининг бошқа ютуқлари бир вақтнинг ўзида реклама маҳсулоти ва музейнинг “ташриф варақаси” ҳисобланади. 2010 йилда Жанубий Каролина университети Коносанъати факультети профессори Аманда Поуп ва продюсер Чавдар Георгиев томонидан жаҳон учун номаълум бўлган Нукус музейи ва унинг

¹²⁸ <http://savitskymuseum.freenet/uz/>

асосчиси ҳақида “Таъқиқланган санъат чўли” номли ҳужжатли фильмни премьераси бўлиб ўтади. Бу ҳужжатли фильмга жаҳон кино юлдузларидан Бен Кингсли, Салли Филд ва Эд Эснерлар овоз беришган, кўплаб таниқли мутахассислардан интервьюлар олинган. Бу фильм дунё юзини кўргандан сўнг музейга хориждан ташриф буюрувчилар сони кескин ошганини кузатиш мумкин.

Ҳужжатли фильм продюсери Чавдар Георгиев суратга олиш жараёнини шундай эслайди: “Мен учун бу нарса бутунлай янги олам эди. Биз ҳеч қачон бу рассомлар ҳақида эшитмаган эдик. Дастлаб биз умуман бошқа фильмни яъни Вашингтондаги Евроосиё фондининг буюртмасига асосан собиқ Совет Иттифоқидаги янги ислохотларнинг лидерлари ҳақидаги фильмни суратга олаётган эдик. Бу ерда биз илк бор Савицкий коллекцияси ҳақида эшитдик. У асарларни кўрганимизда биринчи хайратдан қотиб қолдик, кейин Савицкий ҳақида фильм олиш ғояси туғилди ва етти йилдан сўнг биз фильмни тақдим этдик. Бу XX аср рус санъати учун ноёб ҳодиса бўлиб, совет Ўзбекистонини қуришда иштирок этиш учун келган Москва ва Петербург рассомлари ўзлари билан рус авангарди ва Европа модернизмни олиб келишади. Марказий Осиё улар учун Гогенга Таитидек таъсир кўрсатган. Бу ерда Россияга қараганда ҳаммаси чиройли, ёрқин, ғайриоддий эди. Улар ўз асарларида Европада олган билимларини Ислон, Ўрта Осиё, сўфийлик билан уйғунлаштириб бетакрор асарлар яратганлар. Буюк Ипак йўлида Шарқ ва Ғарб, Россия ва Ислон уйғунлашди. Бундай асарларни жаҳоннинг ҳеч қайси музейларида учратмайсиз, ана шуниси билан ҳам Нукус коллекцияси ноёбдир”¹²⁹.

Музей брендини осонлик билан билиб олишга, унинг ўзига хос имижи нафақат музейда бўлганлар учун, балки, унинг тадбирларида, кўчма кўргазмаларида иштирок этганлар учун ҳам тушунарли бўлишга ёрдам беради.

Тақдимот воситаси маҳсулотнинг таркибий қисми бўлган музейда реклама жуда муҳим роль ўйнайди. У нафақат ташриф буюришнинг бевосита рағбатчиси сифатида таассуротларни шакллантириш воситаси сифатида ҳам аҳамиятлидир. Музей имижини шакллантиришга ёрдам берадиган узоқ муддатлик музей рекламаси таъсири бир лаҳзалик муваффақиятга нисбатан муҳим ҳисобланади.

¹²⁹ Документальный фильм «Пустыня запрещенного искусства» (The Desert of Forbidden Art) <https://greylib.align.ru/718/dokumentalnyj-film-pustynya-zapreshhennogo-iskusstva-the-desert-of-forbidden-art.html>

Рекламага қўл учида киришиб бўлмайди, уни профессионал даражада батафсил ишлаб чиқиш, музей учун ягона стилни яратиш керак. Ҳеч қачон бу ишга хассислик қилмаслик лозим.

Шу ўринда бошқа музейларимизнинг ҳам қиёфаси ва образини яратишда бой тарихимизга назар ташлаб уни буюк аجدодларимиздан бирининг тимсоли билан таққослашга уриниб кўриш ҳам ижобий самара бериши мумкин. Мисол учун Камолиддин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи ҳам Шарқ миниатюра санъатини юксакликка кўтарган Камолиддин Бехзод қиёфасида музей имижини яратиши мумкин.

Афсуски бошқа бадий музейларимиз логотиплари бугунги кунгача ишлаб чиқилмаган ва бу нарса эътибордан четда қолиб кетмоқда.



Аввалам бор логотиплар реклама мақсадида фойдаланилади. Масалан музей қошидаги арт-дўконларда музей логотипи туширилган ручкалар, пакетлар, открыткаларни эсдалик совғалар сифатида сотишади. Хаттоки арт-кафедаги идишлар, бир маротабалик қўл сочиқларга ҳам музей логотипи тушурилган бўлади¹³⁰.

2. Музейнинг ўзига хос, кучли тарафларини намоён этиб, унинг такрорланмас қирраларини ёритиш мақсадида гуруҳлар ташкил қилиш ҳам мумкин.

Бундай ҳолда:

I гуруҳга қуйидагиларни ёритиш тавсия этилади:

- ходимларнинг касбий маҳорати;
- фойдали ахборотнинг ҳажми;
- ахборот беришнинг техник воситалари, (видео, слайд, компьютер, телевизорлар);
- ахборотнинг долзарблиги;
- ходимларнинг шайлиги;

¹³⁰ Шпилько С. Нужно ли музею партнерство с турбизнесом? // Мир музея . – Москва, 2007. – № 7. – С. 8-11.

- ходимларнинг тажрибаси;
- дўстона муносабати;
- ҳамкорликка шайлиги;
- хизмат турларидан фойдаданишнинг осонлиги.

II ташкилий гуруҳга қуйидагиларни ёритиш назарда тутилади:

- хизмат кўрсатишнинг юқори савияси;
- берилаётган ахборотнинг камёблиги;
- томошабоплиги;
- ҳам арзон ҳам қиммат хизмат турларининг мавжудлиги (совғалар, дўконлар, овқатланиш ва дам олиш мажмуаларининг мавжудлиги);
- харидорга нисбатан ҳурмат.



Музейнинг қиёфасини яратиш бўйича тарғибот, ташвиқот, реклама тадбирларини ишлаб чиқишга оид ишларга қуйидагилар киради:

- музейнинг ўтган давр ичида омма орасида ва кишилар онгида тасаввурини ўрганиб чиқиш учун сўров ва тадқиқотлар ўтказиш;


- танланган қиёфани жамоатчилик онгида шакллантиришга қаратилган реклама тадбирини ишлаб чиқиш;
- реклама ва ахборотни шакллантириш;



- оммавий ахборот воситалари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Реклама дастури ва амалиётига қуйидаги талаблар қўйилади:

- барча реклама ва ахборотларда қабул қилинган ягона қиёфа акс эттирилишини таъминлаш;
- муваффақиятга эришиш учун йиллар давомида қатъият билан узлуксиз интилиш¹³¹.



Бугунги иқтисодий муносабатлар даврида музейнинг порлоқ қиёфасини яратиш ва сақлаб қолишнинг муҳим эканлигини музей ходимлари ҳам чуқур ҳис этишлари ва қизиқишлари керак.

Паблисити имижни муваффақиятли шакллантириш воситасидир, калитидир. Музей учун имиж нимани англатади? Бу ҳар кунлик иш, жамоатчилик онгида акс-садо берган ғайриоддий, ёрқин тадбирлар, бу ОАВнинг ахборот таъминоти ва ўз фуқаролик нуктаиназари; бу таклиф қилинадига хизматларнинг сифати ва юқори даражаси демакдир¹³². Музей

пул ифодасидаги фойдадан ташқари музей муҳитини ва унинг имижини шакллантиришда иштирок этувчи ташрифчилардан маънавий фойда ҳам олади, муваффақиятга эришилганда улар музейнинг кўнгилли реклама агентлари, дўстлари ва шерикларига айланадилар.

Реклама – бу фақат музей иши ҳақидаги ахборот акс этган кўчма тахталар эмас. Музей дўконидан сотиб олинган каталог, совға, видеофильм, ҳатто улар ўралган целлофан пакет реклама қилиш ролини бажариши мумкин. Музейдан ташқарига чиққанда бу эмблематик номалар муҳим ишни қилади

¹³¹Музеи в период перемен: Материалы российского-британского семинара «Музеи Санкт-Петербурга в условиях рыночной экономики» / Под.ред. А.Д. Марголиса. – СПб., 1997. – С. 164.

¹³²Гнедовский М.Б. Что такое музейный маркетинг?// Мир музея, 1995, 1/4 4-5.

– уларни сотиб олган кишига унинг музейга ташриф буюрганлигини эслатиб туради, йўлда дуч келган ҳар бир кишига эса музейнинг мавжудлигини эслатади. Музей ўзининг потенциал аудиториясини доимо кенгайтириши мумкин, ҳозирги дунёда билимларни тарқатиш учун чегаралар мавжуд эмас. Телевидение, видео, электрон каталоглар ва бошқа коммуникацион технологиялар музейга географик тўсиқларни айланиб ўтган ҳолда, ўз истеъмолчиларини топишга имкон беради.

Ўзбекистон музейшунослиги тажрибасида ҳам музей менежменти ва маркетинги фаолиятини шакллантириш соҳадаги долзарб муаммолардан саналади. 2000 йилдан бошлаб, йирик марказий музейлар тизимида ҳомий ташкилотларини кўргазма рекламаси кўринишларига жалб этиш ҳамда молиявий ҳомий сифатида тарғиб этиш жараёнлари йўлга қўйилмоқда. Бу борада биринчилардан бўлиб И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи “Нукус музейи дўстлари” (Friends of Nukus Museum) клуби лойиҳасини ишлаб чиқилди. Мазкур клубнинг бош офиси Нидерландияда бўлиб, 2001 йилдан 2015 йилга қадар музейга музейнинг лойиҳаларини молиялаштириш билан бирга кўплаб китоблар, аудиожиҳозлар билан таъминлаб турган¹³³.



И.В.Савицкий номидаги
Қорақалпоғистон давлат санъат музейи

Хулоса қилиб айтганда, музейлар ишини янгилаш муаммоларидан яна бири музейнинг янги қиёфасини шакллантириш ва реклама фаолияти бўлиб, бу борада музейнинг ўзига хос кўриниши ва қиёфасини, яъни бошқаларга ўхшамаган образини яратиш тушунилади. Бунинг учун музейнинг энг ноёб ашёси орқали музей қиёфасини яратиш ижобий самара беради.

Қачонлардир музей оддий ва аниқ тузилма ҳисобланган. Унинг штат жадвали директор, муҳофизлар ва заллардаги кузатувчилардан иборат бўлган. Аммо даврлар ўзгарди, музейларда бутунлай янги ходимлар пай-

до бўлди: менежерлар, бухгалтерлар, муҳандислар, котиблар, музей педагоглари,

¹³³ И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг 2010, 2011, 2013, 2015 йиллар ҳисоботи. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги архивидан.

реставраторлар, реклама ва оммавий ахорот воситалари билан алоқалар бўйича мутахассислар ва ҳоказолар. Бошқача сўз билан айтганда, музей белгиланган тартиб-қоидаларга, стандарт лавозимлар жадвалига ва вазифаларга эга бўлган одатдаги бюрократик ташкилотга айланди. Музей эндиликда ўз деворлари ичида қолиб кетмасдан, ўз ҳудудидан ташқарида ҳам ўз таъсирини ўтказишга, ўз аҳамиятини исботлашга уринмоқда.

Музей тараққиётининг қийин лаҳзаларида, масалан, унинг очилишида, реконструкция қилишда, кўргазмалар ташкил қилишда, юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун маркетинг ва коммуникация усулларида кўпроқ фойдаланилмоқда. Музей тадбирлари иложи борида кўпроқ ташриф буюрувчиларни жалб қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди, улар кейинчалик нозиктаъб ва садоқатли томошабинларга айланади. Ўз аудиториясини кенгайтиришга ҳаракат қила туриб, музейлар ўз муассасасининг нуфузини мустаҳкамлашга ва шериклар билан мунтазам алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қилишлари керак.

Паблик Рилейшнз музейлар фаолиятидаги янги ва истиқболли йўналишдир.

муникация каналари тизими мавжуд. Биринчи вариант шу туфайли самаралики, бунда иштирокчиларга шахсан мурожаат қилиш ва қайтма алоқа ўрнатиш учун имконият берилади; иккинчи вариантни коммуникациянинг асосий усули деб ҳисоблаш мумкин, яъни бунда у оммавийлик эффектига эгадир ва жамоатчилик фикрини шакллантиради. Оммавий коммуникация асосий муассаса ва оммавий ахборот воситасининг ҳамкорлиги билан белгиланиб, у қатор асосий функцияларга эгадир:

- мафкуравий ва сиёсий таъсир кўрсатиш;
- ижтимоий бирликни қўллаб-қувватлаш;
- уюштириш, хабардор қилиш, маърифат ва ҳордиқ.

Музей юқорида зикр этилган тузилмага бевосита тегишлидир:

- у ўзи жойлашган жойда маданий муҳитни шакллантириши мумкин ва у

шунга хизмат қилиши керак;

- музей иши ижтимоий ўзликни англашни тарбиялашга қаратилган;
- ўз кўргазмалари ва тадбирлари орқали музей ҳар бир ташрифчига юзланади, аудиторияга ҳиссий таъсир кўрсатади.
- Паблисити қуйидаги ҳолатларда алоҳида аҳамиятга эга бўлади:
- нуфузни кучайтириш, яхшилаш
- янги хизмат пайдо бўлганда (музейда янги кўргазма, тақдимот ёки дастур) ижобий кўринишни шакллантириш. ПР воситасида рекламадан олдин амалга оширилиши керак, бу ҳозирча янгиликдир.

Агар маданият хизматлари бозорида ўтказиладиган тадбирнинг муқобили бўлса, унга истеъмолчининг эътиборини тортиш қийин кечади. Бунда паблиситини шакллантириш воситалари – махсус воқеалар, мунозаралар, ҳомийликлар ва ғайриоддий ҳамкорлик унга қизиқишни қайта уйғотиши мумкин.

Истеъмолчилар ва музей ходимларининг мулоқоти тилини соддалаштириш учун: янги хизмат ёки тадбирни мураккаб, профессионал изоҳлаш реклама эриша олмайдиган кўп жой ва вақтни талаб қилади. Мақола, интервью тарихни тушунарли тилда баён қилиш учун катта имконга эга бўлади.

Бюджетнинг чекланганлиги реклама учун харажатларга имкон бермаслиги мумкин, аммо мақолани жойлаштиришга имкон беради.

Инқирозли вазиятга муносабат. Инқироз даврида ПР воситалари ташкилотнинг ижобий машҳурлигини, обрўсини қўллаб-қувватлаш бўйича энг тезкор ва ишончли воситадир. Туғилган қийинчиликлар бартараф этилгандан кейингина реклама бериш ўринлидир.

Паблисити – бу янгиликларни хабар қилишдир. Ҳамма нарса янгилик бўлиши мумкин: музейда ҳаёт бир жойда туриб қолмайди, ҳар қандай ўзгаришлар ахборот тарқатиш манбаи сифатида қараб чиқилиши мумкин. Фақат масала шундаки, у ёки бу ахборот кимга қизиқарли бўлиши мумкин, қанчалик у долзарб: кўпинча ким

учундир янгилик бўлган нарса бошқага янгилик эмас. Фақат бу хабар кимнингдир ҳаётига ва фаолиятига таъсир кўрсатадиган бўлсагина, у бошқа шахслар ва ташкилотлар учун янгиликка айланади. Шу сабабли музей ҳақидаги энг қисқа материалга ҳам қуйидаги мазмундаги фикр сингдирилиши керак: “Бизнинг янгилигимиз фақат биз учун муҳим эмас!”

ОАВ учун тайёрланган материал ҳақида сўз борганда ПРда қабул қилинган ахборотни бериш шакллари эластичлиги бўлиши керак.

Ахборот музейга нисбатан жамоатчиликининг кўнгилдаги хатти-ҳаракатини таъминлаш учун ўзи ҳақидаги ижобий жамоатчилик фикрини яратиш ва уни қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. У қайси оммавий ахборот воситаси тарқатишига қараб аудиторияга йўналганлиги бўйича фарқ қилади.

Одатда матбуот билан ишлаш учун қуйидагилар тузилади:

- бэкграундерлар – сенсацион бўлмаган жорий кундалик воқелик ҳақидаги ахборот, у фаолиятнинг янги йўналишлари, кундалик тадбирлар ҳақида бўлиши мумкин. Масалан, кутилаётган тақдимот ҳақида. Бундай ахборотни ташкилотдан чиқувчи узлуксиз янгиликлар оқимини қўллаб-қувватлаш учун мунтазам жўнатиб туриш керак.

- пресс-релиз – кенг аудитория учун муҳим бўлган янгиликни ёки фойдали маълумотни акс эттирувчи хабар. Масалан, махсус семинарлар ўтказиш тўғрисида.

- медиа-кит – фотосуратлар илова қилинган бир неча хил материалларни мужассамлаштирувчи медиа ёки пресс-пакет.

- шунингдек, қизиқарли ва шарҳли мақолалар, факт-варақалар, баёнотлардан фойдаланилади.

Матбуот учун мўлжалланган барча материаллар ПР матнларини тузишнинг умумий қоидаларга бўйсунди. Аниқ ифодаланган мақсад ва ғоялардан ташқари чоп этишга мўлжалланган материал маълум мазмуний юкни ўз зиммасига олади:

- хабар газетхонларга алоқадор бўлиши керак.

- у ўқувчини қизиқтириши керак.

- у ўқувчини мушоҳада юритишга туртки бериши керак.
- у ўқувчининг қизиқишлари доирасида бўлиши керак.

Материални матбуотда эълон қила туриб, ахборот хизмати материалларнинг мониторингини ўтказиши, паблиситининг кейинги йўналишларини белгилаши, коммуникацияни таъминлаши керак.

Радио ва телевидение билан ишлаш турли дастурлар аудиториясини, жанрни танлашни, трансляция вақти ва давомийлигини билишни тақозо этади. Радио ва телевидение нафақат оммавий ахборот воситаси, балки улар учрашувлар, матбуот конференциялари, ўқув машғулотларини ташкил этиш воситаси ҳамдир. Конференциялар ва кўргазмаларда ёпиқ ёки ички телетармоқлардан фойдаланилади. Уларнинг ёрдамида умуман бошқа жойда бир ерга тўпланган кишиларга ўтаётган тадбирни ёритиш мақсадида репортаж сифатида кўрсатиш мумкин.

Радио ва телевидениеда бериладиган материал кўпинча реклама характериға эға бўлганлиги учун унга пул тўлаш талаб қилинади, бунда шартномалар тизимидан фойдаланишға ҳаракат қилинг. Музейлар бошқа маданият муассасалари тақдим қила олмайдиган айрим хизматларни кўрсатиш лаёқатига эғадирлар. ОАВлар эса ўз эшиттиришлари жонли ва оригинал характерда бўлишидан манфаатдордирлар, бунга биринчи манбаларға кириб бориш орқали эришилади. Масалан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси музейлар фаолиятини ёритувчи кўрсатувлар туркумини тайёрлашда республика шаҳар музейларининг экспозицияларини суратға олиш бўйича ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишди. Бунинг натижасида музейлар ҳар ҳафта ўзини реклама қилиш имконига эға бўлди; телевидение оригинал иш шаклиға ва қизиқарли материалға эға бўлди; болалар ва уларнинг ота-оналари музейнинг тарихий саҳифаларидан олинган ишончли билимға ва ахборотға эға бўлишмоқда.

Янги технологиялар турмушға кириб келаётган шароитда ахборот бўшлиғида қолишни истамаган музей коммуникациянинг янги усулларини ҳисобға олиши керак: Интернет ва унга ўхшаш коммуникацион компьютер тармоқлари назарда тутилмоқда. Бу тармоқ моҳиятан янги ахборот маконини яратади, бунда кишилар:

- сониялар ичида бир вақтнинг ўзида минглаб одамлар билан хат алмашиши;
- узоқдаги компьютернинг маълумотлар базасига кириши ва бу маълумотларни олиши;
- баҳслашув варақасига ёзилиши ва турли масалаларни муҳокама қилишда, жумладан интерфаол усулда қатнашиши;
- аниқ мавзу бўйича мунтазам асосда янгиликларни, пресс-релизларни олиши мумкин.

Музей Интернетда ўз веб-саҳифасига эға бўлиши, уни даврий равишда янгилаб бориши мумкин. Бундай саҳифаға эға бўлган музей ўз компьютер фойдаланувчиларини фаолиятнинг жорий ва истикболли йўналишлари ҳақида хабардор қилиши, бўлажак тадбирлар анонсини жўнатиши мумкин; музей телеконференцияларда иштирок эта туриб, ўз профессионал имижини қўллаб-қувватлайди ва хизматларини реклама қилади.

Профессионал гуруҳларни ва баҳслашув жараёнларининг асосчилари бўлмиш кўп минг сонли халқаро жамоатчиликни хабардор қилиш, бу гуруҳларда ғояларни ва манфаатларни илгари суриш учун Интернетдан фойдаланиш ПРни энг истикболли ва қудратли воситаға айлантирди. Бутун дунёда фойдаланувчилар аудиторияси сонининг ўсиши Интернетни глобал оммавий ахборот воситасига айлантирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда паблисити музейнинг ПР хизмати фаолиятидаги энг ўринли шаклдир. Чунки ОАВлар доимо ахборотға ахборотға бўлган талабни ҳис қилади, шу сабабли музейлар ОАВға маданият учун берилган жойни барча мақбул воситалари билан тўлдиришлари мумкин ва шундай қилишлари керак. Бу умуман олганда музей ўзининг ижобий нуфузини, имижини бошқалар ҳисобидан яратиш эмас балки, музей бошқаларға ҳам ўз имижини яратишға, коммуникацияни амалға оширишға ёрдам беради. Музей ПРларида албатта маданият соҳасига дахлдор бўлмаган бошқа ташкилотлар ва муассасалар ҳам қатнашишлари мумкин.

Музей ОАВға қанча кўп мурожаат қилса, ОАВда бундай ишончли манбадан ахборот олиш истаги шунча кўп бўлади. Агар музейнинг босма ахбороти кенг омма

учун тўлиқ етиб бормаслиги муаммосини инобатга оладиган бўлсак, ОАВлар бу муаммони ҳал қилишга ёрдам беришлари мумкин. Репортёрларнинг ўзлари ўзига хос муаммоларни томошабинларга ва тингловчиларга тушунарли тилда изоҳлаб беришга тайёрдирлар.

Охирги 5 йил ичида Ўзбекистон давлат санъат музейи директори В.Файзиевнинг 2016 йил музейнинг сайтида эълон қилинган мақоласида музей фаолияти ва экспозицияси ҳақида телевидение орқали яратилган кўрсатув ва лавҳалар, радио орқали эфирга чиқишлар сони янада оширилган. Бунинг натижасида 2011-2015 йилда ташриф буюрувчилар сони ўтган йилларга қараганда 45%(фоиз)га ошгани ҳақида маълумот берилган¹³⁴.

Қуруқ зерикарли матндан қочиш учун уни ахборот мўлжалланган аудиторияга мослаштириш керак. Янгиликларни ширали тилда, мантикий аниқ шаклда бериш керак. Ўз фикрини аниқ ва асосли ифодалай олувчи шахс катта муваффақиятга эришади.

Маданият соҳасида юзлаб қизиқарли янгиликлар бўлишига қарамасдан музей ахборот ўқувчи учун энг фойдали бўлиб кўриниши керак. Янгиликнинг глобал тусда бўлиши шарт эмас, баъзан ҳамма нарсага маҳаллий нуқтаи назардан қараш фойдалидир.

Коммуникация – икки томонлама жараёндир: истеъмолчилар талаби музей таклифини келтириб чиқаради, музей янгиликлари кишиларни ўраб турган ҳаётга таъсир кўрсатади.

Ахборотни қисқа, лўнда беришга ўрганиш керак. Одатда энг зўр янгиликни ифодалаш муддати 2 дақиқадан ошмайди, 30-40 сония энг мақбул ҳисобланади. Ҳар қандай хабар, у энг кичик бўлса ҳам, ўзида динамизм ва информативликни ташиши керак, шунда музей учун муайян даражада паблисити таъминланади.

Ташриф буюрувчилар эътиборини жалб қилиш учун янгиликлардан ташқари музей махсус воқеаларни ташкил қилиши мумкин. Махсус воқеа музей ва унинг атрофидаги зерикарли ва кўникма ҳосил қилинган ҳаёт маромини бузиши, жамо-

¹³⁴ Файзиева В. Ўзбекистон давлат санъат музейининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқалари/ <http://www.stateartmuseum.uz/#more-540>

атчилик учун воқеага айланиши керак. Қуйидагилар ПР ваколатига кирувчи ташкил қилинувчи махсус воқеаларга киради: тақдимотлар, очилиш маросимлари, очик эшиклар кунлари, қабул маросимлари, конференциялар, давра суҳбатлари. Таклиф қилинувчилар таркиби рангбаранг бўлиши мумкин – машҳур сиёсатчилардан тортиб спорт юлдузларигача, шоу-бизнес вакиллари, ОАВлар ва кенг жамоатчилик ҳам иштирок этади. Махсус воқеа – олинган таассуротларни бевосита ифодалаш, эркин фикр алмашиш, янги шериклик алоқаларини ўрнатиш, коммуникация ва бир вақтнинг ўзида реклама қилиш имкониятидир.

ПР музей имижни муваффақиятли шакллантириш воситасидир. Музей учун имиж нимани англатади? Бу ҳар кунлик иш, жамоатчилик онгида акс-садо берган ғайриоддий, ёрқин тадбирлар, бу ОАВнинг ахборот таъминоти ва ўз фуқаролик нуқтаи назари; бу таклиф қилинадиган хизматларнинг сифати ва юқори даражаси демакдир. Музей пул ифодасидаги фойдадан ташқари музей муҳитини ва унинг имижини шакллантиришда иштирок этувчи ташрифчилардан маънавий фойда ҳам олади, муваффақиятга эришилганда улар музейнинг кўнгилли реклама агентлари, дўстлари ва шерикларига айланадилар.

Агар қандайдир вазиятда бевосита даромадлар ҳамда музейнинг нуфузини ва машҳурлигини оширишни танлашга тўғри келса, бунда албатта ҳамиша иккинчисини танлаш тўғри бўлади, чунки бу музей эга бўлган бош сармоядир.

Паблисити қанча юқори бўлмасин у сифатсиз хизматдан олинган таассуротни силлиқлай олмайди. Музей муҳити, унинг ички тузилиши, уни ўровчи муҳит ҳам музейнинг ижобий имижини шакллантиришга таъсир кўрсатади. Шу сабабли музей энг сифатли нарсаларни тақдим қилиши керак. Баён қилинган имтиёзлар амалий ишларда ўз аксини топишига ҳаракат қилиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, музейлар ишини янгилаш муаммоларидан яна бири музейнинг янги қиёфасини шакллантириш ва реклама фаолияти бўлиб, бу борада музейнинг ўзига хос кўриниши ва қиёфасини, яъни бошқаларга ўхшамаган образини яратиш тушунилади. Бунинг учун музейнинг энг ноёб ашёси орқали музей қиёфасини яратиш ижобий самара беради.

Музей ўзининг потенциал аудиториясини доимо кенгайтириши мумкин, ҳозирги дунёда билимларни тарқатиш учун чегаралар мавжуд эмас. Телевидение, видео, электрон каталоглар ва бошқа коммуникацион технологиялар музейга жўғрофий тўсиқларни айланиб ўтган ҳолда, ўз истеъмолчиларини топишга имкон беради.

Айтилганларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларга эътиборни қаратишни лозим топдик:

ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривож, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир. Бу борада музейлар ишини модернизациялашда қатор муаммолар мавжуд бўлиб, биринчи навбатда миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш ва ушбу хазинани кўз қорачиғимиздек асраш ва янада бойитишдир.

Яна бир долзарб вазифа – ўсиб келаётган авлодга, унинг маънавий тарбиясига ниҳоятда катта жавобгарлик ҳисси билан ёндашиш, зеро, ёшлар халқ маънавиятининг муносиб эгалари бўлиб, улар дастлабки қадамларидан бошлаб маданий бойликларимиздан баҳраманд бўлиши керак.

Ҳозирги даврда алоқа ва ахборотлаштиришнинг глобал турлари ҳаётимизга жадал кириб келмоқда. Бунинг учун музейнинг электрон лойиҳасини яратиш, лойиҳаларни интернетга киритиш орқали унинг кенгроқ танилишига ёрдам бериши ҳамда музейларнинг нуфузини ошириш лозим.

Ҳар бир йўналиш алоҳида ривожланиб бориши билан биргаликда барча музейларро ягона ахборот тизими шаклланади. Мультимедиа дастури ва халқаро тизим орқали масофадан ўқитиш технологияси ривожланиб боради. Ахборот терминаллар ва махсус серверлар орқали маҳаллий тизимни ишга солиб мижозларга ахборот хизмати ёки экскурсиялар уюштириш мумкин бўлади. Яқин келажакда интернет орқали тушган талаблар асосида кўргазмалар уюштириш имконияти туғилади. Тизим орқали чипталарни банд қилиш ва томошаларни буюртма қилиш мумкин бўлади. Шунингдек музей ахборотидан фойдаланишни кузатиш ва ҳимоя қилиш,

касса хизматини кўрсатиш, компьютер орқали музей экспонатларини таъмирлаш ва ўрганиш юзасидан илмий ишларда фойдаланиш ҳам мумкин бўлади. Бугун биз шакллантираётган компьютер тизимлари музейимизнинг келажакдаги мукаммал тизимига асос бўла олади ва музей ходимларини меҳнатини енгил қилиб, янги қирраларни очиб беради.

Илмий ва илмий-тарғибот йўналишларида эса қуйидаги ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ: музей ходимлари ўзларининг илмий потенциаллари ва бошқа илмий муассасалар олимлари билан биргаликда музейларда сақланаётган манба ва ёдгорликларни чуқур ўрганиш орқали халқимизнинг маънавий, ахлоқий, мафкуравий ҳаётининг тарихий илдизлари ҳақида асарлар яратиш, матбуот, телевидение ва радио қизиқарли чиқишлар билан халқимизнинг, айниқса ёшларнинг баркамоллиги ва миллий меросимизни қадрлаш руҳида тарбиялашга эришиш ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президент И. Каримов айтганидек: “Музей – халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсак, у шу халқнинг фарзандлари – келажак авлод қалбида фахр-ифтиҳор туйғусини уйғота олиши керак. Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат”.

Буларнинг барчаси, авваламбор, “Ёш авлодга эътибор – келажакка эътибор” деган, ўз олдимизга қўйган шиор-мақсадларимизнинг биз учун куч-қувват ва руҳий бойлик манбаи бўлиб, эртанги кунимизнинг ишончли пойдевори ва калфолатига айланиши муқаррар”.

ХУЛОСА

XX аср инсоният учун кўплаб янги турдаги музейларни тақдим этди. Бугунги кунда ҳам бутун дунё бўйича янги музейлар очилиши борасида вақтли матбуотларда тез-тез маълумотлар бериб борилмоқда. Буларнинг орасида турли хил “экзотик” музейларининг борлиги ёки очилгани ҳақида хабарларни кўриш мумкин. Аслида буларнинг ҳаммаси ҳам “музей” деб номлансада музей талабларига жавоб бермайди. Диққат билан кузатилганда улар оддийгина кўргазма ёки фақатгина буюмлар тўплами бўлиши мумкин. Ўтган юз йиллик давомида музей атрофида турли давлатларнинг музейшунос, тарихчи, санъатшунос ва бошқа мутахассисларнинг фикрича музей – фавқулотда анча мураккаб феномен бўлиб, унга тугал, мунозарасиз ва ҳаммани қаноатлантирадиган таърифни бериш қийин.

Музейларнинг маданий меросни сақлаш, замонавий санъатни тўплаш ва келажак авлодга етказиш билан боғлиқ фаолияти ҳеч қачон ҳозиргидек жамият учун долзарб аҳамият касб этган эмас. Афсуски, бугунги кунда республикада фаолият юритаётган давлат ва нодавлат музейлар ҳақида тўлиқ маълумот берадиган илмий манбаа ёки ягона платформа мавжуд эмаслиги натижасида Ўзбекистонда музейларнинг аниқ сонини белгилаш ва классификация қилишда муаммолар борлиги аниқланди.

Бадий музейларда экспозиция мазмунига бадий руҳ киритиш, уни сюжетли, сценарий асосида бадий лойиҳалаш, экспозициянинг таъсирчанлигини ошириш, бирор бир экспонатга урғу бериш учун ранг ва ёруғликдан унумли фойдаланиш, замонавий техник воситалардан (экспозиция мазмунига мос мусиқа, видеороликлар) фойдаланган ҳолда экспонат ёки умумий экспозиция тўғрисида кўпроқ маълумот бериш орқали ташриф буюрувчиларнинг бугунги кунда музейлардан кутаётган натижага эришилади.

Инсоният узоқ даврлардан буён COVID-19 каби глобал муаммога дуч келмаган эди. ЮНЕСКО ва Халқаро музейлар кенгашининг экспертлари коронавирус пандемиясидан сўнг ҳар бир саккизинчи музей ўз иш фаолиятини қайта тиклай олмаслик хавфи бор деб огоҳлантирди. Карантин сабабли барча йирик музейлардан тортиб кичик галереяларгача тўлиқ ёпилиши натижасида санъат тез суръатда онлайн тизимига ўтди. Эндиликда музейлар ҳар қандай маълумотни олиш мумкин бўлган визуализация, намоёниш ва замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ишнинг онлайн шакллари музей ва виртуал ташриф буюрувчи ўртасида муҳим боғловчи бўгин ҳисобланади.

Музейларнинг янги қиёфасини яратиш, реклама фаолиятини яхшилаш, ҳар бир музейнинг ўзига хос образини яратиш, музейнинг бренд экспонатлари асосида имиджини шакллантириш орқали ташриф буюрувчилар эътиборини қозонишга эришилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. – 452 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 80 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари

1. «Музейлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2008 й 12 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й № 37-38.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги қонун // *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 364-модда.*
3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2010 йил 05 октябрдаги №893-сон буйруғига 1-илова.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.12.2017 й. 975-сон “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори <https://nrm.uz/contentf?doc=543413>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // <http://strategy.regulation.gov.uz>.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 майдаги «Сармишсой», «Шаҳрисабз», «Термиз» ва «Қўқон» давлат музей-қўриқхоналари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 443-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4358328?query=%D0%9C%D1%83%D0%B7%D0%B5%D0%B9>.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

3. Архив манбалари

1. Андреев М.С. Народные мастера Узбекистана. – Т.: Ўзбекистон давлат санъат музейи. Қўлёзма.Инв.№1.
2. Бикжанова М. А. Чеканка по металлу. – Т.: ЎзДСМ, 1941. Қўлёзма.Инв.№21.
3. Бикжанова М. А.. Ювелирные изделия. – Т.: ЎзДСМ. Қўлёзма.
4. Затворницкая В. С. Медно-чеканная посуды Бухары XIX и начало XX в. – Т.: ЎзДСМ. Қўлёзма. Инв. №58.
5. Материалы к изучению орнамента на медно-чеканных изделиях. – Т.: ЎзДСМ. Қўлёзма. Инв. №444.
6. Писарчик А.К. Нуратинская вышивка. – Т.: ЎзДСМ. Қўлёзма.
7. Русинова Н.Б.Старинная набойка Бухары.– Т.: ЎзДСМ. Қўлёзма. Инв. №124.
8. Русинова Н.В. Материалы по ургутской кустарный текстильной промышленности (ткачество и набойка) // Отчёт о командировке в Ургуте. – Т.: Государственный музей искусств Узбекистана, 1941. Қўлёзма. Инв. №23.
9. Туркистон халқ комиссарлари советининг 1918 йил 19 апрелдаги 106-сон буйруғи.
10. ЎзР МДА. ЛФ-2665-жамғарма, 1-рўйхат, 17-иш, 1-варақ.
11. ЎзР МДА. Р-2296-жамғарма, 5-рўйхат, 5а-иш, 79 варақ.
12. Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг 1966 йилдаги ҳисоботи. Инв.№

4. Адабиётлар

1. Авангард XX века. Из собрания Государственного музея искусств Республики Каракалпакстан. Тексты: А.Хакимов, М. Бабаназарова – Ташкент. 2003. – 156 с.
2. Авангард, остановленный на бегу: Альбом /авт. вст. ст. Е.Ковтун, М.Бабаназарова, Э.Газиева. – Л., 1989. – 239 с.
3. Альмеев Р. Бухара – город музеев. – Ташкент: Фан, 1999. – 205 с.
4. Его же. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. – Ташкент: Издательско-полиграфический дом имени Гафура Гуляма. 2007. – 268 с.
5. Альмеев Р. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. – Т., 2007. – С. 230.
6. Бабаназарова М. Венок Савицкому: живопись, рисунок, фотографии, документы. – Москва, 2011. – С. 202.
7. Бабаназарова М. «Игорь Савицкий. Художник, Собиратель, Основатель музея», автор (на русском языке). Лондон, 2011. – 75 с.
8. Воронцов Б. Забота о посетителях. Методы работы с аудиторией, не требующие больших затрат. / Музеи в период перемен: Материалы российского-британского семинара “Музеи Санкт-Петербурга в условиях рыночной экономики”. – СПб., 1997. – С. 140.
9. Грицкевич В.П. История музеев мира. – М.: Изд-во Белорус, 2003. – 230 с.
10. Грицкевич В.П. История музейного дела конца XVIII- начала XX вв. – СПб.: СПбГУК, 2007. – 336 с.
11. Гударзи-Наджафов А. Жизнь без мифов. Князь Николай Константинович, 1850-1918. Документальная проза. – Ташкент: Baktriya press, 2018. – С. 154.
12. Дешт-и-Арт Центр/ОО “Лаборатория общественного развития” MUSEUMстан:

музейный проект, сборник материалов. – Караганда: Гласир, 2010. – 90 с.

13. Забытие полотна. Живопись и графика из собрания Нукусского музея // Кат. выс. [Предисл. Газиевой Э.Д.]. – М.: 1988. – 51 с.
14. И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи тўплами // Китоб-альбом. Ф.Ф.Абдухолиқов, Э.В.Ртвеладзе, К.Б.Акилова // – Тошкент: “Uzbekistan Today” АА, 2017. – 448 б.
15. Илалов И.Н. Музееведение. Учеб.пособие для вузов. МВ и ССО РУз. – Т., 2006. – 380 б.
16. Исмаилова Ж.Х., Мухамедова М.С. Замонавий жаҳон музейшунослиги. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Munis design group, 2013. – 310 б.
17. Исмаилова Ж.Х., Нишанова К.С., Мухамедова М.С. Музей ва жамият. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: Чинор ЭНК, 2015. – 174 б.
18. Каримова Г. Реклама ва дизайн. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б.235.
19. Ключевые понятия музеологии / сост. А.Desvallees, F.Mairesse; пер.с фр. А.В.Урядниковой. Arman Colin, ИКОМ России, 2012. 98 с.
20. Кроче Б. Аноталогия сочинений по философии- СПб: Пневма,1999. – 480 с.
21. Круковская С.М. В мире сокровищ – Ташкент: 1982. – 231 с.
22. Круковский С.М. В мире сокровищ. – Т.: Изд.литературы и искусства имени Г.Гуляма, 1982. – 231 с.
23. Культурное наследие и музей в XXI веке : учеб. пособие / ред. Мастеница Е. – СПб: СПбГУК, 2018. – 248 с.
24. Курязова Д. Музей иши тарихи ва назарияси: Касб ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма. Т., 2007 – 160 б.
25. Курязова Д.Т. Музей иши асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 2020. – 180 б.

26. Лебедева Л.Д. Педагогические основы арт-терапии в образовании. – СПб.: 2000 . – 199 с.
27. Лоренц Я. Дизайн выставок: практическое руководство / Ян Лоренц, Ли Сколник, Крейг Бергер; пер. с англ. П.В.Кодолова. – М.: АСТ: Астрель, 2008 – 256 с.
28. Лысикова О.В. Музеи мира: Учебное пособие к интегрированному курсу «Музеи мира». – М.: Наука, 2004. – 128 с.
29. Миронов А.М. Художественный музей в Ташкенте. – Т.: Музей УзССР, 1929. 35 б.
30. Модернизация музейных экспозиций: Методические рекомендации. –М., 1989. – 224.
31. Музеи в период перемен: Материалы российского-британского семинара «Музеи Санкт-Петербурга в условиях рыночной экономики» / Под.ред. А.Д. Марголиса. – СПб., 1997. – С. 140.
32. Музей – халқ тарихи кўзгуси / Тузувчи К.Нишанова/ -Т.: Ёш матбуотчилар, 2011. – 230 б.
33. Музей – ўлкашунослик практикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 175 б.
34. Музейное дело России / Под общей редакцией Каулен М.Е., Коссовой И.М., Сундиевой А.А. – Москва: ВК, 2003. – 614 с.
35. Muzeyshunoslik. O`quv qo`llanma. O`zbekistonning eng yangi tarixi masalalari bo`yicha Muvofiqlashtiruvchi –metodik markaz. – Т.: Turon-Iqbol, 2018. – 260 б.
36. Мухамедова М.С. Музейшунослик соҳасини ривожлантиришда Миллий ва Халқаро ташкилотлар фаолиятининг ўрни (XX–XXI асрлар). – Тошкент, Yosh kuch press matbuoti, 2017. – 297 б.
37. Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенция (15 октябрь, 2003 йил). ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари./ Ўзбекча нашрининг

маъсул муҳаррири Л.Саидова./ –Т.: Адолат, 2004. – 240 б.

38. Патрик Дж. Бойлан. Управление музеем: практическое руководство. – Франция: ЮНЕСКО, 2006. – 330 с.
39. Петер ван Менш. К методологии музеологии / пер. с англ. В.Г.Ананьева. – М.: Перспектива, 2018. – 448 с.
40. Писарчик А. К. Михаил Степанович Андреев (1873—1948) // «Труды (АН Тадж. ССР)», т. 120, Сталинабад, 1960. – 123 с.
41. Платонова О.В., Жвитиашвили Н.Ю. Арт-терапия в художественном музее: Учеб.пособие для студентов гуманитарно-художественных вузов. – СПб.: 2000. – 142 с.
42. Поляков Т.П. Как делать музей? (О методах проектирования музейной экспозиции). – М.: Высшая школа, 1997. – 174 с.
43. Робертс Э. Учет и документация. Управление музеем: Практическое руководство. ИКОМ 2004. – 180 с.
44. Савицкий И. Государственный музей искусств Каракалпакской АССР. М., 1976. – 150 с.
45. Садикова.Н. Единство научно-исследовательской и идейно-воспитательной работы музеев Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1987. – 132 с.
46. Садикова.Н. Историография и источники по музейному строительству.– Ташкент: Фан, 1987. – 98 с.
47. Садикова Н. Музейное дело в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1975. – 290 с.
48. Содиқова Н. Маданий меросимиз хазиnasi. – Тошкент: Фан, 1981. – 270 б.
49. Содиқова Н. Мулки торож ўзбегим. – Тошкент: Фан–хазина, 1995. – 42 б.
50. Столяров Б.А. Музееведение: Учебник для высшей школы. – М.: 2003. – 216 с.

51. Столяров Б.А. Музейная педагогика. – М.: Высшая школа, 2004. – 216 с.
52. Столяров Б.А. Художественный музей и эстетическое воспитание молодежи. – Л.: 1988. – 260 с.
53. Тельчаров А.Д. Основы музейного дела. – М.: «Омега-Л», 2005. – 192 с.
54. Толипова Н.Н. Шедевры прикладного искусства Узбекистана. – Ташкент: 2003. – 180 б.
55. Толипова Н.Н. Ўзбекистон амалий санъати дурдоналари. – Тошкент: 2011. 120 б.
56. Щербина А.В. Музейное проектирование: учебно-методическое пособие. – Тольятти: ТГУ, 2011. – 68 с.
57. Юренева Т.Ю. Музееведение. – М.: Академпроект, 2003. – 382 с.
58. Юренева Т.Ю. Музей в мировой культуре. – М.: Русское слово, 2003. – 435 с.
59. Юхневич М.Ю. Я поведу тебя в музей: Учеб.пособие по музейной педагогике. – М., 2001. – 223 с.
60. Ўзбекистон амалий санъати дурдоналари // Н.Толипова. – Тошкент: Print-ekspress servis, 2013. – 170 б.
61. Ўзбекистон Давлат санъат музейи // Муҳаррир А.Ҳакимов, мақола муаллифи С.Манасьян. – Ташкент: 2004. – 263 б.
62. Ўзбекистон санъати музейи: йўлқўрсатгич. Н.К.Азизова, С.М.Круковская. – Тошкент: Ўзбекистон. – 1965. 116 б.
63. Ўзбекистон Давлат санъат музейи фондидаги ноёб меъморчилик ҳамда археологик ашёлар тарихига доир [Матн]. – Тошкент: Musiq, 2019. – 170 б.
64. Ўзбекистон маданий мероси муаллифлик туркуми: Ўзбекистон давлат санъат музейи тўпламларида Ўзбекистон санъати. – Т.: Uzbekistan Today, 2018. – 448 б.

5. Конференция мақолалари

- 5.1. Музейлар Халқаро Кенгашининг Музей одоб-ахлоқи кодекси // «Давлат ва нодавлат музейлари: тажриба, муаммолар ва ечимлар» халқаро илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2008. – 30 б.

6. Журнал мақолалари

- 1.1. Акилова К.Б. Саҳродаги Лувр: коллекция тарихи ва унинг ўзига хослиги. // «San`at». 2017. №2. – Б. 4-9.
- 1.2. Бабаназарова М. Бир коллекция тарихи // Мозийдан садо. – 1999. №1-2. – Б.50-51.
- 1.3. Бабаназарова М. Ноёб хазина // San`at. – 2003. №2. – Б. 19-24.
- 1.4. Будко А. Научная концепция экспозиции // Мир музея. 2007. № 5. С. 21-24.
- 1.5. Воҳидов Ш., Ёқубов Ж. Кичик масканларнинг улкан вазифалари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2000. – № 2. – Б. 18-20.
- 1.6. Гленн Лоури. Люди ходят в музеи не ради их архитектуры, а ради их коллекции // Арт хроника. №7-8. 2009. – С. 35.
- 1.7. Гнедовский М.Б. Что такое музейный маркетинг? // Мир музея, 1995, 1/4,4-5.
- 1.8. Голендер Б.А. Коммерсанты старого Туркестана // Звезда Востока. 2007. № 1. – С. 23.
- 1.9. Дресвянская Г. Я. Музей и общество // Мозийдан садо. – Ташкент, 2000. – № 1-2. – С. 30-33.
- 1.10. Ёрмухаммедов Ў. Нажотбахш қарор // Гулистон. – Тошкент, 1995. – № 2. – Б. 28-29.
- 1.11. Жабборов Л. Ўзбекистонда музей дизайннинг ривожланиш истикболлари // Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Ахборотномаси. 2020. № 4. – Б. 64.
- 1.12. Жироди, Даниэль. Детская студия при национальном центре искусства и культурк имени Жоржа Помпиду. – Париж // Museum. 1982. № 3. – С. 17-18.
- 1.13. Иброхимова Н. Ҳайрат олами // Moziydan sado. – Тошкент, 1999. – № 1-2 (01). – Б. 78-82.

- 1.14. Иноятлов Қ. Ватанга муҳаббат шу ерда туғилади // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 3. – Б. 4-7.
- 1.15. Исмоилова Ж. Музей – тарих кўзгуси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2003. – № 2 (18). – Б.17-78.
- 1.16. Ишанова М. Государственный музей искусств Каракалпакистан имени И.В.Савицкого// Infolib. 2016. №3. – С. 44-45.
- 1.17. Каулен М. Теория и практика. Движение навстречу. // Мир музея. 2006. № 12. –С. 2-5.
- 1.18. Кравцова М. Музейное обострение. //Арт хроника №10. 2009. – С.27
- 1.19. Лебедев А. Музей на рынке свободного времени.// Мир музея. 2006. № 11.
- 1.20. Левтеева Л. Юбилейные выставки в музее истории Узбекистана // Мозийдан садо. – Ташкент, 2006. – № 2 (30). – С. 34-37.
- 1.21. Лысикова Н. Музейная андрагогика // Мир музея. 2007. № 2. – С. 22.
- 1.22. Мансуров А. Нужно организовать высшее заочное обучение для музейных работников // Советский музей. 1932. № 3. – С. 111-114.
- 1.23. Нишанова К. Сокровища опального князя // Мир музея. – Россия, 2018. – №371 (07). – С.53-55.
- 1.24. Ртвеладзе Э. Из истории Великого Шёлкового пути // Мозийдан садо. – Ташкент, 1999. – № 3. – С. 8-13.
- 1.25. Содикова Н. Ўрта Осиёда музейларнинг шаклланиши // Мозийдан садо 1999. № 1-2. – Б. 16–23.
- 1.26. Сычева В. Рядом с Савицким// Мир музея. 2001. № 2 (402). – С. 43.
- 1.27. Файзиева В. “Государственный музей искусств Узбекистана: история создания и формирования коллекции”// Молодой учёный. – Москва, 2019. – №11. – С.131-134.
- 1.28. Файзиева В. Нафосат маскани // Гулистон. – Тошкент, 2019. №1. – Б 46-47.
- 1.29. Фатхуллаев Р. Музей ишида замонавий ахборот технологияси // Мозийдан садо. – Тошкент, 2002. – № 2 (14). – Б. 8-11.
- 1.30. Шпилько С. Нужно ли музею партнерство с турбизнесом? // Мир музея . – Москва, 2007. – № 7. – С. 8-11.

- 1.31. Қаямов Р. Самарқанд давлат музей қўриқхонасининг халқаро алоқалари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2005. – № 4. – Б. 11-12.
- 1.32. Ҳабибуллаев Н. Темурийлар тарихи давлат музейи // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 4 (32). – Б. 5-8.
- 1.33. Ҳабибуллаев Н.Ўзбек музейларининг истиқболи // Мозийдан садо. – Тошкент, 1999. – № 1-2. – Б. 12-13.;

7. Диссертациялар ва авторефератлар

- 7.1. Альмеев Р.Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития (1991–2000 гг.) Автореф. на соиск. уч. ст. докт. ист. наук. – Ташкент, 2012. – 50 с.
- 7.2. Ахунов В. М. Современные формы культурно-образовательной деятельности в художественном музее: Опыт Государственного Русского музея. автореф. дис... канд. искусствоведения. – СПб.: 2006. – С.21.
- 7.3. Государственный музей искусств узбекской ССР. Живопись // Авт. вст. статьи Е.М.Никифорова. – Л.: 1975. –247 с.
- 7.4. Курязова Д.Т. Ўзбекистон музейлари ва уларнинг мустақиллик давридаги фаолияти (тарих ва ўлкашунослик музейлари мисолида). Тарих фан. ном. дис. ... автореферати. – Тошкент. 2009. – 30 б.
- 7.5. Панченко А.С. Основные тенденции современной выставочной деятельности художественного музея: на материале музеев Санкт-Петербурга рубежа XX - XXI вв. автореф. дис... канд. искусствоведения. . – Санкт-Петербург. 2012. – С.23.
- 7.6. Сальникова Т.А. Художественный музей в коммуникационном пространстве региона. автореф. дис... канд. культурологии. . – Краснодар. 2006. – С.26.

- 7.7. Курбонова Д. Хориж музейларида сақланаётган Темурийлар даврига оид тарихий ва маданий ёдгорликлар. Тарих фан. ном. дис. ... автореферати. – Тошкент, 2009. – 30 б.

8. Чет эл адабиётлари

- 8.1. Amelia Gentleman «Savitskiy`s secret Hoard» // The Guardian, January 1, 2001.
- 8.2. Decarolis N. ICOFOM LAM 1990–2000 // Cahiers d'étude / Study series. 2000. Vol. 8. P. 14–15. *Sofka V.* ICOFOM History // <http://network.icom.museum/icofom/publications/our-publications.html>
- 8.3. Dictionary of Museology/ Andre Desvallees и Francois Mairesse. – ICOM Russia, 2012. – P 18.
- 8.4. History // <http://network.icom.museum/icofom/publications/our-publications.html> Decarolis N. ICOFOM LAM
- 8.5. Museum Design: Architecture/Culture/Geographical Environment. - Sendpoints Publishing Co. 2015. – P. 132.
- 8.6. Peter van Mensch, „De uitvinding van het verleden. Jonkheer Henri van Sypesteijn op zoek naar zijn stamslot“, in: Rob van der Laarse & Yme Kuiper ed., Beelden van de Buitenplaats. Elitevorming en notabelencultuur in Nederland in de negentiende eeuw. Adelsgeschiedenis 3 (Verloren, Hilversum 2005) 195-210.
- 8.7. The crossroads of civilization: Ancient culture of Uzbekistan. – K.: National Museum of Korea, 2009. - 267 p.

9. Интернет манбалари

- 9.1. Бабаназарова Мариникани И.В.Савицкий таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш ҳақида Культура.уз сайтига берган интервьюсидан. // https://kultura.uz/view_2_r_4970.html.
- 9.2. Гаага конвенцияси. <https://nrm.uz/contentf?doc=122694>.
- 9.3. Голоса воображаемого музея Андре Мальро. Часть I «От сакрального к идеальному. // <https://museum-ru.livejournal.com/130544.html>.

- 9.4. Документальный фильм «Пустыня запрещенного искусства» (The Desert of Forbidden Art) // <https://greylib.align.ru/718/dokumentalnyj-film-pustynya-zapreshhennogoiskusstva-the-desert-of-forbidden-art.html>.
- 9.5. Брендбук Кунсткамеры. // <http://projector.media/portfolio/kunstkamera/>
- 9.6. Ирина Борчард. Брендинг музеев – мировой опыт. // medium.com/@DREAMBRAND/брендинг-музеев-мировой-опыт-7f12d95ee0f1
- 9.7. Кодекс музейной этики ИКОМ // <http://www.icom.org.ru/get.asp?id=A7>.
- 9.8. Международный день музеев . <http://icom-russia.com/data/events/mezhdunarodnyy-den-muzeev-2015/>
- 9.9. Музейный брендинг. <https://wedesigngroup.ru/blog/corporate-style-museum-design-wedesign/>
- 9.10. Объявлен Международный конкурс на должность директора музея им. И.В.Савицкого <https://acdf.uz/ru/news/obyavlen-mezhdunarodnyy-konkurs-na-dolzhnost-direktora-muzeya-im-ivsavickogo>
- 9.11. Файзиева В. Ўзбекистон давлат санъат музейининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқалари/ <http://www.stateartmuseum.uz/#more-540>
- 9.12. Ўзбекистон музейларининг коллекциялари Google Arts&Cultureда <https://acdf.uz/uz/news/kollekcii-muzeev-uzbekistana-na-google-artsculture>
- 9.13. <https://nrm.uz/contentf?doc=122701>
- 9.14. <https://nrm.uz/contentf?doc=122712>

К.Нишанова

**XX-XXI АСРЛАРДА
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ МУЗЕЙЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

Муҳаррир:

Дизайнер ва саҳифаловчи: А.Хотамов